

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**37-сон**  
**(901)**  
**2019 йил**  
**16 сентябрь**

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Биринчи бўлим*

669. «Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 9 сентябрдаги ЎРҚ–565-сон Қонуни
670. «Баъзи давлат органларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 сентябрдаги ЎРҚ–566-сон Қонуни
671. «Психиатрия ёрдами кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 12 сентябрдаги ЎРҚ–567-сон Қонуни

*Иккинчи бўлим*

672. «Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир

- кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон Фармони
673. «Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳисоб-китоблар тизимиغا замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда ушбу соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5813-сон Фармони
674. «Ўзбекистон Республикасида санитария-эпидемиология хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 сентябрдаги ПФ-5814-сон Фармони
675. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлигини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 сентябрдаги ПФ-5815-сон Фармони
676. «Ўзбекистон Республикасида нотариат тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 сентябрдаги ПФ-5816-сон Фармони
677. «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий ва институционал тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 сентябрдаги ПФ-5817-сон Фармони
678. «Хитой Халқ Республикаси, шу жумладан Хитой Халқ Республикасининг Гонконг махсус маъмурий ҳудуди фуқаролари учун Ўзбекистон Республикасига киришда визасиз режимни белгилаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 сентябрдаги ПФ-5819-сон Фармони
679. «Диний-маърифий соҳа фаолиятини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 сентябрдаги ПҚ-4436-сон қарори
680. «Дори воситалари ноқонуний айланишининг олдини олиш чораларини кучайтириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПҚ-4438-сон қарори
681. «Кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 сентябрдаги ПҚ-4440-сон қарори
682. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 сентябрдаги ПҚ-4444-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

683. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 9 сентябрдаги 391-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 9 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1656-2*)
684. Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирининг 2019 йил 19 августдаги 396-сон «Лойиҳа-тадқиқот ишларининг қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 9 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3180*)
685. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 10 сентябрдаги 393-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 10 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1816-1*)
686. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 11 сентябрдаги 394-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 11 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2733-1*)
687. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 11 сентябрдаги 395-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 11 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2448-1*)
688. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2019 йил 4 сентябрдаги 153-сон «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райҳон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактабига ўқишга қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 8-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 12 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3128-2*)
689. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 13 сентябрдаги 397-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқларининг Умумҳуқуқий классификаторини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 13 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2333-2*)

690. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг 2019 йил 31 июлдаги 6, 136-сон «Давлат хизматлари ягона реестрини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 13 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3181*)
692. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Бош прокуратурасининг 2019 йил 27 августдаги 36-2019-Қ/Қ, 95, 7, 38-сон «Прокуратура органлари, судлар, ФХДЁ ва давлат нотариал идораларининг хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлар лавозимларининг меъёрлари ва уларни киритиш шартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 13 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2609-1*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2019 йил 9 сентябрдан 13 сентябргача бўлган маълумот

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

# 669 Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2019 йил 2 июлда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 23 августда  
маъқулланган

#### 1-боб. Умумий қоидалар

##### 1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш (бундан буён матнда атом энергиясидан фойдаланиш деб юритилади) соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

##### 2-модда. Атом энергиясидан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Атом энергиясидан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг атом энергиясидан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

##### 3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**атом энергияси** — атом ядроларида мавжуд бўлган ва ядровий реакциялар ҳамда радиоактив парчаланиш чоғида ажралиб чиқадиган энергия;

**атом энергетикаси** — атом энергиясини ўзгартириш йўли билан электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи энергетика тармоғи;

**атом энергиясидан фойдаланиш объектининг тўлиқ «ҳаётий» даври** — атом энергиясидан фойдаланишнинг тегишли объектларини тадқиқ этиш, жойлаштириш, лойиҳалаштириш, конструкциялаш, ишлаб чиқа-

---

\* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 10 сентябрда эълон қилинган.

риш, қуриш (шу жумладан монтаж қилиш, созлаш, ишга тушириш), улардан фойдаланиш, уларни реконструкция қилиш, таъмирлаш ҳамда уларнинг техник қурилмаларини, биноларини ва иншоотларини текширувдан ўтказиш, ушбу объектларни фойдаланишдан чиқариш (ёпиш), транспортда ташиш (ташиш), сақлаш, қайта ишлаш ва қўмиб ташлаш;

**ишлатиб бўлинган ядровий ёқилғи** — ядровий реакторнинг фаол зонасидан бутунлай чиқариб ташланган ва техник хусусиятларига кўра ядровий қурилмада фойдаланиш учун мўлжалланмаган ядровий материал;

**радиациявий манбалар** — таркибида радиоактив моддалар мавжуд бўлган ёки ионлаштирувчи нурланиш чиқарадиган, ядровий қурилмалар жумласига кирмайдиган мажмуалар, қурилмалар, аппаратлар, ускуналар ва буюмлар;

**радиоактив моддалар** — ионлаштирувчи нурланишни тарқатадиган, ядровий материаллар жумласига кирмайдиган моддалар;

**радиоактив чиқиндилар** — фойдаланиш учун мўлжалланмаган, йўл қўйилиши мумкин бўлган энг кўп микдордан ошадиган фаоллик даражасига эга радионуклидларни ўз ичига олган ҳар қандай агрегат ҳолатидаги материаллар ва моддалар;

**сақлаш пунктлари** — ядровий қурилмалар жумласига кирмайдиган ҳамда ядровий материалларни ва радиоактив моддаларни сақлаш, радиоактив чиқиндиларни сақлаш ёки қўмиб ташлаш учун мўлжалланган стационар объектлар ҳамда иншоотлар;

**ядровий ёқилғи** — назорат қилинадиган ядровий бўлиниш реакциясини амалга ошириш ҳисобига ядровий қурилмада иссиқлик энергияси ва (ёки) нурланиш оқимларини олиш учун мўлжалланган ядровий материал;

**ядровий материаллар** — таркибида бўлинадиган (парчаланадиган) ядровий моддалар бўлган ёки уларни ҳосил қилишга кодир бўлган материаллар;

**ядровий реакторнинг иссиқлик ажратувчи тўплами** — ядровий материалларни ўз ичига олган ва назорат қилинадиган ядровий реакцияни амалга ошириш ҳисобига ядровий реакторда иссиқлик энергиясини олиш учун мўлжалланган буюм;

**ядровий қурилмалар** — атом электр станциялари, тадқиқот ядро реакторлари, критик ва субкритик ядровий стендлари бўлган иншоотлар ҳамда мажмуалар, ядровий ёқилғидан ва ядровий материаллардан фойдаланиш ҳамда уларни ташиш учун мўлжалланган қурилмалар.

#### **4-модда. Атом энергиясидан фойдаланишнинг асосий принциплари**

Атом энергиясидан фойдаланишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини, жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг мол-мулкини ҳимоя қилиш, шунингдек атроф-муҳитни муҳофаза қилиш устуворлиги;

хавфсизликнинг таъминланиши;  
ахборотнинг очиқлиги;  
ядровий қурол ва бошқа ядровий портловчи қурилмалар ишлаб чиқаришнинг тақиқланиши.

### **5-модда. Атом энергиясидан фойдаланиш объектлари**

Атом энергиясидан фойдаланиш объектлари жумласига қуйидагилар киради:

ядровий қурилмалар;  
сақлаш пунктлари;  
ядровий материаллар;  
радиациявий манбалар;  
радиоактив моддалар;  
ядровий ёқилғи;  
ядровий реакторларнинг иссиқлик ажратувчи тўпламлари;  
ишлатиб бўлинган ядровий ёқилғи;  
радиоактив чиқиндилар.

### **6-модда. Атом энергиясидан фойдаланиш объектларига бўлган мулк ҳуқуқи**

Атом энергиясидан фойдаланиш объектлари давлат мулкида ёки Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланадиган юридик шахслар мулкида бўлиши мумкин. Давлат мулкида ёки юридик шахслар мулкида бўлиши мумкин бўлган атом энергиясидан фойдаланиш объектларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Атом энергиясидан фойдаланиш объектларининг мулкдорлари ушбу объектларнинг бут сақланишини ва улардан белгиланган мақсадига мувофиқ фойдаланилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси юридик шахсларининг ядровий материалларга, шунингдек ишлатиб бўлинган ядровий ёқилғига бўлган мулк ҳуқуқини чет давлатга ёки чет давлатнинг юридик шахсига ўтказиш тўғрисидаги битимлари Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда тузилади.

Атом энергиясидан фойдаланиш объектларини ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган рўйхатга киритилмаган юридик шахслар мулкига ўтказиш ҳақидаги битимлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси юридик шахсларининг ядровий материалларга, ишлатиб бўлинган ядровий ёқилғига бўлган мулк ҳуқуқини чет давлатга ёки чет давлатнинг юридик шахсига ўтказиш ҳақида ушбу модданинг учинчи қисми талабларини бузган ҳолда тузган битимлари ўз ўзидан ҳақиқий эмас.

### **7-модда. Атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолият турлари**

Атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолият турлари жумласига қуйидагилар киради:

ядровий қурилмаларни ва (ёки) сақлаш пунктларини тадқиқ этиш, жойлаштириш, лойиҳалаштириш, барпо этиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни фойдаланишдан чиқариш;

радиациявий манбаларни барпо этиш, улардан фойдаланиш ва уларни фойдаланишдан чиқариш;

ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктлари учун ускуналарни конструкциялаш ҳамда тайёрлаш;

атом энергиясидан фойдаланиш объектларининг ва (ёки) мазкур соҳадаги фаолиятнинг хавфсизлигини асослаш юзасидан экспертиза ўтказиш;

радиоактив моддалар, ядровий материаллар ва радиоактив чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш;

атом энергиясидан фойдаланиш объектларининг ядровий, радиациявий, sanoat, ёнғин ва экологик хавфсизлигини таъминлаш;

мазкур соҳада илмий тадқиқотлар ўтказиш;

атом энергиясидан фойдаланиш объектлари жисман ҳимоя қилинишини таъминлаш;

мазкур соҳада давлат назоратини ва текширувини амалга ошириш;

ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктлари учун ядровий материалларни, ускуналарни ҳамда технологияларни олиб кириш ва олиб чиқиш;

мазкур соҳада хизматлар кўрсатиш;

радиациявий вазиятни мониторинг қилиш;

мазкур соҳада мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.

Атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолият турларига фаолиятнинг бошқа турлари ҳам киритилиши мумкин.

## **2-боб. Атом энергиясидан фойдаланиш соҳасини тартибга солиш**

### **8-модда. Атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари**

Атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

мазкур соҳадаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

миллий ядровий инфратузилмани ривожлантириш;

атом энергиясидан фойдаланиш чоғида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкини ҳимоя қилиш, шунингдек атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

атом энергиясидан фойдаланиш объектларини жисман ҳимоя қилишга доир тадбирларни амалга ошириш;

атом энергетикасини узоқ муддатли ривожлантириш;

мазкур соҳада инновацион технологиялар, илмий-техникавий ишланмалар жорий этилишини рағбатлантириш;



мазкур соҳада кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг ма-  
лакасини ошириш тизимини ташкил этиш;  
халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

**9-модда. Атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги норма-  
лар ва қоидалар**

Атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги нормалар ва қоидалар атом  
энергиясидан фойдаланиш объектларининг ва мазкур соҳадаги фаолиятнинг  
хавфсизлиги талабларини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда  
техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар билан  
белгиланади.

**10-модда. Атом энергиясидан фойдаланиш соҳасини давлат  
томонидан тартибга солиш**

Атом энергиясидан фойдаланиш соҳасини давлат томонидан тартибга  
солиш атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқаруви орган-  
лари ва атом энергиясидан фойдаланиш хавфсизлигини давлат томонидан  
тартибга солувчи органлар томонидан амалга оширилади.

Атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқарувини Ўзбе-  
кистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, атом энергетикаси соҳасидаги  
ваколатли давлат бошқаруви органи, атом энергиясидан фойдаланиш соҳа-  
сидаги давлат бошқаруви бўйича алоҳида ваколатларга эга бўлган давлат  
органлари, муассасалари ва ташкилотлари, шунингдек маҳаллий давлат  
ҳокимияти органлари амалга оширади.

Атом энергиясидан фойдаланиш хавфсизлигини давлат томонидан тар-  
тибга солишни атом энергиясидан фойдаланиш хавфсизлигини давлат то-  
монидан тартибга солувчи махсус ваколатли орган ва атом энергиясидан  
фойдаланиш хавфсизлигини давлат томонидан тартибга солиш бўйича ало-  
ҳида ваколатларга эга бўлган давлат органлари (бундан буён матнда хавф-  
сизликни давлат томонидан тартибга солувчи органлар деб юритилади)  
амалга оширади.

**11-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси-  
нинг атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги  
ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга  
оширилишини таъминлайди;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳоки-  
мияти органларининг атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятини  
мувофиқлаштиради;

атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида давлат дастурлари ишлаб  
чиқилишини ва амалга оширилишини ташкил этади;

атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида ўз ваколатлари доирасида  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилади;

ядровий қурилма ва (ёки) сақлаш пункти жойлаштириладиган жойни (худудни) танлашга доир ишларни мувофиқлаштиради;

атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида илмий-техникавий ва инвестициявий фаолият амалга оширилишини ташкил этади;

атом энергиясидан фойдаланиш объектлари жойлашган худудларда яшовчи ва (ёки) меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш юзасидан чора-тадбирлар кўради;

атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

## **12-модда. Атом энергетикаси соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органи**

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги атом энергетикаси соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органидир (бундан буён матнда ваколатли давлат бошқаруви органи деб юритилади).

Ваколатли давлат бошқаруви органи:

атом энергетикасини ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг атом энергетикасини ривожлантириш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

атом энергетикасини ривожлантиришга доир давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

атом энергетикасида хавфсизликни таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқади;

атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этади, шунингдек мазкур соҳадаги нормалар ва қоидаларни ўз ваколатлари доирасида ишлаб чиқади ҳамда тасдиқлайди;

тасарруфидаги атом энергиясидан фойдаланиш объектларида ёнғин хавфсизлиги чоралари ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкил этади;

тасарруфидаги атом энергиясидан фойдаланиш объектларини жисман ҳимоя қилишни таъминлаш чораларини кўради;

тасарруфидаги ядровий қурилмаларни ва (ёки) сақлаш пунктларини тадқиқ этишга, жойлаштиришга, лойиҳалаштиришга, барпо этишга ҳамда улардан фойдаланишга оид ишларни ташкил этади;

фундаментал тадқиқотларнинг, илмий-изланиш, тажриба-конструкторлик ва инновацион ишларнинг лойиҳаларини тайёрлаш ҳамда амалга оширишга, илғор технологияларни жорий этишга кўмаклашади;

тасарруфидаги атом энергиясидан фойдаланиш объектларида радиациявий ва ядровий хавфсизлик тизимини яратади ҳамда такомиллаштиради;

тасарруфидаги атом энергиясидан фойдаланиш объектларидаги ядровий материаллар ва технологияларнинг, радиоактив материалларнинг тарқалиб кетмаслиги, шунингдек радиациявий ҳамда ядровий хавфсизликни таъминлашга доир тадбирларни амалга ошириш юзасидан чоралар кўради;

атом энергиясидан фойдаланиш объектларини эксплуатация қилиш учун зарур бўлган кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ташкил этади, шу жумладан чет элда ташкил этади; аварияга оид ташқи ва ички режани ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида радиациявий вазиятни мониторинг қилишнинг ягона автоматлаштирилган давлат тизимини ташкил қилишда ва унинг ишлашида иштирок этади;

ядровий материаллар, ишлатиб бўлинган ядровий ёқилғи ва радиоактив чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш бўйича дастурларнинг шакллантирилишини ва рўёбга чиқарилишини таъминлаш устидан идоравий назоратни амалга оширади;

ядровий қурилмаларнинг ва (ёки) сақлаш пунктларининг бош (илмий, конструкторлик ва лойиҳалаштириш) ташкилотларини белгилайди, улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

атом энергетикаси соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ваколатли давлат бошқаруви органи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **13-модда. Атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқаруви бўйича алоҳида ваколатларга эга бўлган давлат органлари, муассасалари ва ташкилотлари**

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, илмий, конструкторлик ва лойиҳалаштириш ташкилотлари атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқаруви бўйича алоҳида ваколатларга эга бўлган давлат органлари, муассасалари ва ташкилотларидир.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган давлат органлари, муассасалари ва ташкилотлари ўз ваколатлари доирасида:

радиациявий таъсирдан фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи сақланишини, жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, уларнинг мол-мулки, шунингдек атроф-муҳит ҳимоя қилинишини таъминлайди;

атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга доир фаолиятда иштирок этади;

ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктлари жойлашган ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга ҳамда уларнинг экологик хавфсизлигига доир комплекс дастурларни ишлаб чиқишда ва амалга оширишда иштирок этади;

тасарруфидаги атом энергиясидан фойдаланиш объектлари ҳудудида радиациявий вазиятнинг мониторингини ташкил этади ва амалга оширади;

тасарруфидаги атом энергиясидан фойдаланиш объектларида радиациявий ва ядровий хавфсизлик тизимларини яратади ҳамда такомиллаштиради;

тасарруфидаги атом энергиясидан фойдаланиш объектларининг ёнғин хавфсизлигини таъминлашга доир тадбирларни амалга оширади;

тасарруфидаги атом энергиясидан фойдаланиш объектлари жисман химоя қилинишини таъминлаш чораларини кўради;

атом энергиясидан фойдаланиш чоғида фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда тасарруфидаги ташкилотлар ҳамда бўлинмаларнинг кучлари ва воситалари ҳаракат қилишга шайлиги таъминланишини ташкил этади, шунингдек бундай вазиятларнинг олдини олишга доир тадбирларнинг ба-жарилиши устидан идоравий назоратни амалга оширади;

атом энергиясидан фойдаланиш объекти билан боғлиқ авария оқибатларини бартараф этишга, чеклашга ва камайтиришга доир тадбирларни амалга оширишда иштирок этади.

#### **14-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги ваколатлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги масалаларнинг жисмоний ва юридик шахслар иштирокида муҳокама этилишини ташкил қилади ҳамда унда иштирок этади;

радиациявий таъсирдан фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи сақланишини, жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, мол-мулки химоя қилинишини, шунингдек атроф-муҳит муҳофаза қилинишини таъминлашга доир тадбирларда иштирок этади;

аварияга оид ташқи режани ишлаб чиқишда иштирок этади;

ядровий қурилмаларни ва (ёки) сақлаш пунктларини қуриш учун ер участкаларини ажратиш бўйича ер кадастри материалларини тасдиқлайди;

тегишли ҳудудда атом энергиясидан фойдаланиш объекти билан боғлиқ авария юз берган тақдирда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳаракатлар қилишга шайлиги устидан давлат назоратини амалга оширади;

атом энергиясидан фойдаланиш объекти билан боғлиқ авария оқибатларини бартараф этишга, чеклашга ва камайтиришга доир тадбирларни ташкил этишда иштирок этади;

аҳолини тегишли ҳудуд доирасидаги радиациявий вазият ва амалга оширилаётган тадбирлар тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали хабардор этади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

#### **15-модда. Атом энергиясидан фойдаланиш хавфсизлигини давлат томонидан тартибга солиш**

Атом энергиясидан фойдаланиш хавфсизлигини давлат томонидан тартибга солиш радиациявий таъсирдан фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлашга, жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, мол-мулкни химоя қилишга, шунингдек атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилгандир.

Атом энергиясидан фойдаланиш хавфсизлигини давлат томонидан тартибга солиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги нормалар ва қоидаларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш, амалга киритиш ҳамда амалга ошириш;

атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш;

атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги рухсат бериш фаолияти;

атом энергиясидан фойдаланиш объектларининг ва атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятнинг ушбу соҳада белгиланган нормалар ва қоидаларга мувофиқлигини баҳолаш;

атом энергиясидан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назорати;

атом энергиясидан фойдаланиш объектларининг хавфсизлигини, жисман ҳимоя қилинишини таъминлаш устидан, шунингдек давлат бошқаруви органларининг ҳамда атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи бошқа юридик шахсларнинг аварияга оид шайлиги устидан давлат назорати ва текшируви;

атом энергиясидан фойдаланиш объектлари ва (ёки) атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолият хавфсизлигини асослаш юзасидан экспертизани ташкил этиш.

Хавфсизликни давлат томонидан тартибга солувчи органлар қарорлар қабул қилишда атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқаруви органларидан мустақилдир.

### **16-модда. Атом энергиясидан фойдаланиш хавфсизлигини давлат томонидан тартибга солувчи махсус ваколатли орган**

Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси атом энергиясидан фойдаланиш хавфсизлигини давлат томонидан тартибга солувчи махсус ваколатли органдир (бундан буён матнда махсус ваколатли орган деб юритилади).

Махсус ваколатли орган ўз ваколатлари доирасида:

атом энергиясидан фойдаланиш объектларининг хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини шакллантиради ва амалга оширади;

атом энергиясидан фойдаланиш хавфсизлигини давлат томонидан тартибга солиш бўйича алоҳида ваколатларга эга бўлган давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштиради;

атом энергиясидан фойдаланиш объектларида атом энергиясидан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;

атом энергиясидан фойдаланиш объектларининг хавфсизлигини таъминлаш устидан давлат назорати ва текширувини амалга оширади;

атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги нормалар ва қоидаларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди, амалга киритади ҳамда уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

атом энергиясидан фойдаланиш объектларининг жисман ҳимоя қилиниши устидан давлат назоратини амалга оширади;

ядровий қурилмаларда ва (ёки) сақлаш пунктларида пудратчилар томонидан бажариладиган ишларни қабул қилиб олишда иштирок этади;

ядровий қурилмаларда ва (ёки) сақлаш пунктларида радиоактив моддалар, ядровий материаллар ҳамда радиоактив чиқиндиларнинг ҳисобига риоя этилиши устидан давлат назоратини таъминлайди;

атом энергиясидан фойдаланиш объектларининг ва (ёки) атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятнинг хавфсизлигини асослаш юзасидан экспертизани ташкил этади;

атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялашни амалга оширади;

эксплуатация қилувчи ташкилотларнинг ходимларига ҳамда атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи бошқа юридик шахсларнинг ходимларига атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги ишларни олиб бориш ҳуқуқига доир рухсатномаларни ходимларнинг лавозимлари рўйхатига, шунингдек ишларнинг турлари рўйхатига мувофиқ беради;

атом энергиясидан фойдаланиш объектларининг радиациявий ва ядровий хавфсизлигини таъминлаш юзасидан профилактика чораларини ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

аварияга оид ташқи режани ишлаб чиқишда иштирок этади ҳамда давлат бошқаруви органларининг ва атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи бошқа юридик шахсларнинг аварияга оид шайлиги устидан давлат назоратини таъминлайди;

атом энергиясидан фойдаланиш объектларидаги нохуш ходисалар ва аварияларнинг сабабларини техник жиҳатдан текшириш тартибини тасдиқлайди;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига атом энергиясидан фойдаланиш чоғидаги хавфсизлик масалалари юзасидан ахборот беради;

атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Махсус ваколатли орган қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**17-модда. Атом энергиясидан фойдаланиш хавфсизлигини давлат томонидан тартибга солиш бўйича алоҳида ваколатларга эга бўлган давлат органлари**

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати,

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси атом энергиясидан фойдаланиш хавфсизлигини давлат томонидан тартибга солиш бўйича алоҳида ваколатларга эга бўлган давлат органларидир.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган давлат органлари ўз ваколатлари доирасида:

атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги нормалар ва қоидаларни ишлаб чиқади ҳамда уларни махсус ваколатли орган билан келишилган ҳолда тасдиқлайди;

ядровий қурилмаларни ва (ёки) сақлаш пунктларини жойлаштириш учун майдончаларни танлаш тўғрисидаги қарорни қабул қилишда иштирок этади;

атом энергиясидан фойдаланиш объектларининг ва (ёки) атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятнинг хавфсизлигини асослаш юзасидан экспертизани ташкил қилишда иштирок этади;

ядровий, радиациявий, саноат, ёнғинга оид, санитария-эпидемиологик ва экологик хавфсизлик талабларига риоя этилиши устидан давлат назорати ҳамда текширувини амалга оширади;

атом энергиясидан фойдаланиш объектларининг жисман ҳимоя қилиниши, шунингдек давлат бошқаруви органларининг ва бошқа юридик шахсларнинг аварияга оид шайлиги устидан давлат назоратини амалга оширади.

### **18-модда. Хавфсизликни давлат томонидан тартибга солувчи органлар мансабдор шахсларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Хавфсизликни давлат томонидан тартибга солувчи органларнинг мансабдор шахслари ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

эксплуатация қилувчи ташкилотлардан, шунингдек атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи бошқа юридик шахслардан текшириш (инспекция) ўтказиш жараёнида зарур бўлган ахборот ва ҳужжатларни сўраш ҳамда олиш;

хизмат гувоҳномасини ва хавфсизликни давлат томонидан тартибга солувчи органлар раҳбарининг (раҳбари ўринбосарининг) текшириш (инспекция) тайинлаш тўғрисидаги буйруғининг кўчирма нусхасини тақдим этгач, ядровий қурилмаларни ва (ёки) сақлаш пунктларини, ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктлари учун товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчи юридик шахсларни монеликсиз бориб кўриш ҳамда биноларни, хоналарни, иншоотларни, техник воситаларни, ускуналарни, дастурий таъминотни, материалларни кўриқдан ўтказиш, шунингдек тадқиқотлар, синовлар, экспертизалар, текширишлар ҳамда давлат назорати ва текширувига доир бошқа тадбирлар ўтказиш;

эксплуатация қилувчи ташкилотларга, шунингдек атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи бошқа юридик шахсларга мажбурий талабларнинг аниқланган бузилишларини бартараф этиш тўғрисида кўрсатмалар бериш;

эксплуатация қилувчи ташкилотларга, шунингдек ядровий қурилмада ва (ёки) сақлаш пунктида ишларни бажарувчи бошқа юридик шахсларга ушбу объектларда ядровий ва (ёки) радиациявий хавфсизликка, ходимларнинг ҳаёти ҳамда соғлиғига таҳдид солувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда ишларни тўхтатиб туриш ҳақида кўрсатмалар бериш.

Хавфсизликни давлат томонидан тартибга солувчи органларнинг мансабдор шахслари ўз ваколатлари доирасида:

мажбурий талабларнинг бузилиши билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар тузиши, маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги ишларни кўриб чиқиши ва бундай бузилишларнинг олдини олиш юзасидан чоралар кўриши;

мажбурий талабларнинг бузилиши билан боғлиқ материалларни жиноятлар аломатлари бўйича жиноят ишларини қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юбориши шарт.

### **19-модда. Махсус ваколатли органни илмий-техникавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни ташкил этиш**

Махсус ваколатли орган илмий-техникавий кўмак олиш учун қуйидаги функцияларни амалга оширувчи тегишли ташкилотларни жалб этишга ҳақли:

атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини бажариш ҳамда мувофиқлаштириш;

атом энергиясидан фойдаланиш объектларининг ва (ёки) атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятнинг хавфсизлигини асослашга доир экспертиза ўтказиш;

атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани ривожлантириш ва такомиллаштиришга кўмаклашиш.

### **20-модда. Атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш**

Атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензия (бундан буён матнда лицензия деб юритилади) эксплуатация қилувчи ташкилотларга, шунингдек атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи бошқа юридик шахсларга атом энергиясидан фойдаланиш объектлари ва олиб борилаётган ишлар хавфсизлигини таъминлаш шарти билан махсус ваколатли орган томонидан берилади.

Эксплуатация қилувчи ташкилотларнинг атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги қуйидаги фаолияти лицензияланиши лозим:

ядровий қурилмаларни ва (ёки) сақлаш пунктларини барпо этиш ҳамда улардан фойдаланиш;

радиоактив моддалар, ядровий материаллар ва радиоактив чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш.

Эксплуатация қилувчи ташкилот лицензияни олиши учун зарур бўлган асосий шартлар қуйидагилардан иборат:



атом энергиясидан фойдаланиш объектларининг ва (ёки) атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятнинг хавфсизлигини асослаш юзасидан экспертизанинг ижобий хулосаси мавжудлиги;

эксплуатация қилувчи ташкилотда радиациявий таъсир туфайли етказилган зарар ўрнини қоплашнинг молиявий таъминоти мавжудлиги;

атом энергиясидан фойдаланиш объекти тўлиқ «хаётий» даврининг барча босқичларида хавфсизликни таъминлаш мақсадида эксплуатация қилувчи ташкилотнинг молиявий барқарорлиги асосланганлиги.

Бошқа юридик шахсларнинг атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги қўйидаги фаолияти лицензияланиши лозим:

ядровий қурилмаларни ва (ёки) сақлаш пунктларини лойиҳалаштириш ҳамда қуриш, радиациявий манбалардан фойдаланиш;

ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктлари, радиациявий манбалар учун ускуналарни конструкциялаш ҳамда тайёрлаш;

атом энергиясидан фойдаланиш объектларининг ва (ёки) атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятнинг хавфсизлигини асослаш юзасидан экспертиза ўтказиш;

радиоактив моддалар ва ядровий материаллар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш, шу жумладан улардан фойдаланиш, уларни транспортда ташиш (ташиш) ва сақлаш;

радиоактив чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш, шу жумладан уларни қайта ишлаш, транспортда ташиш (ташиш), сақлаш ва қўмиб ташлаш;

атом энергиясидан фойдаланиш объектларида илмий тадқиқотлар ўтказиш;

ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктлари учун ядровий материаллар, ускуналар ҳамда технологияларни олиб кириш ва олиб чиқиш;

атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида хизматлар кўрсатиш;

атом энергиясидан фойдаланиш объектларини ишлатиш учун зарур бўлган кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.

Янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг қабул қилиниши, шунингдек уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши бевосита лицензиянинг амал қилишини тугатишга ёки унинг амал қилиш муддати ўзгаришига олиб келмайди.

Лицензиялаш жараёнида махсус ваколатли органнинг илмий-техникавий жиҳатдан қўллаб-қувватловчи ташкилотлари атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги лицензияланадиган фаолиятнинг ва тегишли атом энергиясидан фойдаланиш объектларининг хавфсизлиги юзасидан экспертиза ўтказиши.

Атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи чет давлатнинг юридик шахсларига (эксплуатация қилувчи ташкилотлардан ташқари) махсус ваколатли органнинг қарорига кўра лицензия мазкур юридик шахслар рўйхатга олинган мамлакатда ваколатли орган томонидан

уларга берилган худди шундай лицензиянинг амал қилиш муддатига берилиши мумкин.

**21-модда. Атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги ишларни олиб бориш ҳуқуқини берувчи рухсатнома**

Атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги муайян ишлар эксплуатация қилувчи ташкилотларнинг ходимлари ва атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида фаолиятни амалга оширувчи бошқа юридик шахсларнинг ходимлари томонидан фақат уларда атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги ишларни олиб бориш ҳуқуқини берувчи рухсатномалар мавжуд бўлган тақдирдагина бажарилиши мумкин.

Бажарадиган фаолиятга қараб атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги ишларни олиб бориш ҳуқуқини берувчи рухсатномаларни олиши керак бўлган ходимлар лавозимларининг рўйхати, шунингдек амалга оширилиши учун атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги ишларни олиб бориш ҳуқуқини берувчи рухсатномаларни олиш зарур бўлган ишлар турларининг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

**22-модда. Атом энергиясидан фойдаланиш объектларида қўлланиладиган буюмларни, ускуналарни ва техник қурилмаларни сертификатлаштириш**

Атом энергиясидан фойдаланиш объектларида қўллаш учун сертификатлаштирилиши лозим бўлган буюмлар, ускуналар ва техник қурилмалар сертификатлаштириш бўйича аккредитация қилинган органларда сертификатлаштирилади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктлари учун етказиб бериладиган буюмларга, ускуналарга ҳамда техник қурилмаларга нисбатан етказиб берувчи мамлакатда берилган сертификатлар қўлланилиши мумкин.

**23-модда. Атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги давлат назорати ва текшируви**

Атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги давлат назорати ва текшируви хавфсизликни давлат томонидан тартибга солувчи органлар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

Атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги давлат назорати ва текшируви атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар, уларнинг раҳбарлари, бошқа мансабдор шахслари ҳамда ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ва атом энергиясидан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар (бундан буён матнда мажбурий талаблар деб юритилади) бузилишининг олдини олишга, уларни аниқлаш ва бартараф этишга қаратилгандир.

Атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги давлат назорати ва текши-

руви текширишларни (инспекцияларни) ташкил этиш ҳамда ўтказиш, аниқланган қоидабузарликларга барҳам бериш юзасидан чоралар кўриш, эксплуатация қилувчи ташкилотлар, шунингдек бошқа юридик шахслар томонидан мазкур соҳадаги фаолиятни амалга ошириш чоғида мажбурий талаблар ижроси устидан тизимли кузатиш, мажбурий талаблар ижросининг ҳолатини таҳлил ва прогноз қилиш орқали амалга оширилади.

Эксплуатация қилувчи ташкилот, шунингдек бошқа юридик шахс томонидан атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш жараёнида хавфсизликни таъминлаш учун зарур бўлган мажбурий талабларга, лицензиянинг амал қилиш шартларига риоя этилиши, атом энергиясидан фойдаланиш объектларининг мазкур соҳада белгиланган нормалар ва қоидаларга мувофиқлиги текшириш (инспекция) предметиدير.

Ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктлари учун ядровий, радиациявий, саноат, ёнғинга оид, санитария-эпидемиологик, экологик хавфсизликни таъминлаш устидан тегишинча давлат назорати ҳамда текширувини амалга оширадиган хавфсизликни давлат томонидан тартибга солувчи органларнинг бевосита ядровий қурилмалардаги ва (ёки) сақлаш пунктларидаги доимий вакиллигини назарда тутувчи давлат назорати ва текшируви режими белгиланади.

Атом энергиясидан фойдаланиш объектларини жисман ҳимоя қилишни таъминлаш устидан давлат назорати ва текшируви хавфсизликни давлат томонидан тартибга солувчи органлар томонидан амалга оширилади.

Давлат бошқаруви органларининг ва бошқа юридик шахсларнинг аварияга оид шайлиги устидан давлат назорати махсус ваколатли орган томонидан амалга оширилади. Давлат бошқаруви органларининг ва бошқа юридик шахсларнинг аварияга оид шайлиги устидан давлат текшируви Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Атом энергиясидан фойдаланиш объекти билан боғлиқ бўлган авария содир бўлган тақдирда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳаракат қилишга шайлиги устидан давлат назоратини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тегишли ҳудуд доирасида амалга оширади.

Ядровий қурилмаларни ва (ёки) сақлаш пунктларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ҳамда уларни фойдаланишдан чиқариш устидан давлат архитектура-қурилиш назорати Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги томонидан амалга оширилади.

#### **24-модда. Атом энергиясидан фойдаланиш бўйича тадбирларда фуқароларнинг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштироки**

Фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари:

атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги давлат дастурлари ҳамда бошқа дастурларнинг, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини,

ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларини жойлаштириш, лойиҳалаштириш, барпо этиш, улардан фойдаланиш ва уларни фойдаланишдан чиқариш масалаларининг муҳокамасида иштирок этиши ҳамда таклифлар киритиши;

атом энергиясидан фойдаланиш объектларининг ва (ёки) атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятнинг хавфсизлигини асослаш юзасидан экспертиза ўтказишда иштирок этиш учун ўзининг ваколатли вакилларини тавсия этиши;

барпо этилиши мўлжалланаётган, лойиҳалаштирилаётган, барпо этилаётган, фойдаланилаётган ва фойдаланишдан чиқарилаётган ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларининг хавфсизлиги тўғрисида тегишли давлат органлари ҳамда ташкилотлардан ахборот сўраши ва олиши, бундан давлат сирларини ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар мустасно;

танишиш мақсадида ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ташриф буюриши;

атом энергиясидан фойдаланишга доир тадбирларнинг амалга оширилишига қўмаклашиши;

аҳоли ўртасида фуқароларнинг хабардорлигини, ҳуқуқий саводхонлиги ва экологик маданиятини оширишга қаратилган тушунтириш ишларини ўтказишда иштирок этиши мумкин.

Радиациявий таъсирга дучор бўлган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган тартибда ва шаклда бериладиган нурланиш дозаси тўғрисида ҳужжатни олиш ҳуқуқига эга.

### **3-боб. Ядровий қурилмани ва (ёки) сақлаш пунктини жойлаштириш ҳамда барпо этиш**

#### **25-модда. Ядровий қурилмани ва (ёки) сақлаш пунктини жойлаштириш ҳамда барпо этиш тўғрисида қарор қабул қилиш**

Ядровий қурилмани ва (ёки) сақлаш пунктини барпо этиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинади.

Ядровий қурилмани ва (ёки) сақлаш пунктини жойлаштириш учун майдонча танлаш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинади.

Махсус ваколатли орган танланган майдончанинг хавфсизлигини асослаш юзасидан давлат экспертизасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ташкил этади ҳамда майдончадан ядровий қурилмани ва (ёки) сақлаш пунктини жойлаштириш учун фойдаланишга доир рухсатнома беради.

Ядровий қурилманинг ва (ёки) сақлаш пунктининг атроф-муҳитга радиациявий таъсирини баҳолаш бўйича ҳужжатлар ваколатли давлат бош-

қаруви органи ёки эксплуатация қилувчи ташкилот томонидан мазкур атом энергиясидан фойдаланиш объектларининг лойиҳа ҳужжатлари таркибида атом энергиясидан фойдаланиш объектларининг ва (ёки) атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятнинг хавфсизлигини асослашга доир экспертиза учун тақдим этилади.

**26-модда. Ядровий қурилмани ва (ёки) сақлаш пунктини барпо этиш тўғрисидаги қарорни бекор қилиш**

Атом энергиясидан фойдаланиш объектларининг хавфсизлик даражаси пасайишига, атроф-муҳит ҳолатининг ёмонлашувига ёки бошқа салбий оқибатларга сабаб бўлувчи қўшимча омиллар аниқланган тақдирда, ядровий қурилмани ва (ёки) сақлаш пунктини барпо этиш тўғрисидаги қарор ушбу объектларнинг ва (ёки) атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятнинг хавфсизлигини асослашга доир экспертиза хулосалари асосида бекор қилиниши, уларнинг барпо этилиши эса, тугатилиши ёки тўхтатиб турилиши керак.

Хавфсизликни давлат томонидан тартибга солувчи органлар, ваколатли давлат бошқаруви органи, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ядровий қурилмани ва (ёки) сақлаш пунктини барпо этиш тўғрисидаги қарорни бекор қилиш ҳақида атом энергиясидан фойдаланиш объектларининг ва (ёки) атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятнинг хавфсизлигини асослашга доир экспертиза асосида қўшимча омилларни асослантирган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф кирилади.

Ядровий қурилмани ва (ёки) сақлаш пунктини барпо этиш тўғрисидаги қарорни бекор қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан амалга оширилади.

Ядровий қурилмани ва (ёки) сақлаш пунктини барпо этиш тугатилганлиги ёки тўхтатиб турилганлиги билан боғлиқ зарарларнинг ўрни ушбу омиллар қайси юридик шахсларнинг айби туфайли ўз вақтида аниқланмаган ҳамда ҳисобга олинмаган бўлса, ўша шахслар ҳисобидан суд тартибида қопланиши лозим. Барча бошқа ҳолларда мазкур объектларни барпо этиш тугатилганлиги ёки тўхтатиб турилганлиги билан боғлиқ зарарларнинг ўрни Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланиши лозим.

**27-модда. Санитария-муҳофаза зонасини, кузатув зонасини ва хавфсизлик зонасини белгилаш**

Ядровий қурилма ва (ёки) сақлаш пункти жойлаштирилган ҳудудда хавфсизликни таъминлаш мақсадларида қуйидаги алоҳида ҳудудлар белгилаб қўйилади:

санитария-муҳофаза зонаси — алоҳида фойдаланиш режимига эга маҳсус ҳудуд;

кузатув зонаси — ядровий қурилма ва (ёки) сақлаш пункти ушбу

зонада яшовчи аҳолига радиациявий таъсир кўрсатиши эҳтимоли мавжуд бўлган ҳудуд;

хавфсизлик зонаси — алоҳида ҳуқуқий режимга эга ҳудуд.

Санитария-муҳофаза зонаси ва кузатув зонасининг ўлчамлари ҳамда чегаралари атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги нормалар ва қоидаларга мувофиқ ядровий қурилманинг ва (ёки) сақлаш пунктининг лойиҳасида белгиланади.

Санитария-муҳофаза зонасида яшаш учун мўлжалланган турар жойларни ва жамоат биноларини, болалар муассасаларини, шунингдек ядровий қурилманинг ва (ёки) сақлаш пунктининг ишлашига алоқадор бўлмаган ҳамда санитария-муҳофаза зонасининг тасдиқланган лойиҳасида назарда тутилмаган даволаш-соғломлаштириш муассасаларини, умумий овқатланиш объектларини, саноат объектларини, ёрдамчи ва бошқа иншоотларни ҳамда объектларни жойлаштириш тақиқланади.

Санитария-муҳофаза зонасида жойлашган мавжуд объектлар ва иншоотларнинг фойдаланиш соҳаси ўзгарган тақдирда, улардан хўжалик мақсадлари учун фойдаланишга эксплуатация қилувчи ташкилотнинг тақдимномасига кўра хавфсизликни давлат томонидан тартибга солувчи органларнинг рухсати билан йўл қўйилади.

Кузатув зонасида хавфсизликни давлат томонидан тартибга солувчи органлар томонидан хўжалик фаолияти учун чекловлар жорий этилиши мумкин.

Санитария-муҳофаза зонасида ва кузатув зонасида атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги нормалар ҳамда қоидаларга мувофиқ радиациявий хавфсизликнинг таъминланиши устидан назорат ва радиациявий вазият мониторинги амалга оширилади.

Хавфсизлик зонасининг ўлчамлари ва чегаралари атом энергиясидан фойдаланиш объектининг (ҳудуднинг) ҳимояланганлиги таъминланганлиги ҳақидаги ахборотни ҳамда ядровий қурилма ва (ёки) сақлаш пункти ҳудудида террорчилик ҳаракати содир этилишининг олдини олиш, унга чек қўйиш ва (ёки) ушбу объектларда террорчилик ҳаракатининг оқибатларини тугатишга доир тадбирлар рўйхатини ўз ичига олган ядровий қурилманинг ва (ёки) сақлаш пунктининг хавфсизлик паспорти ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Хавфсизлик зонасининг алоҳида ҳуқуқий режими қуйидаги чекловларни ўз ичига олади:

жисмоний шахсларнинг хавфсизлик зонаси ҳудудига киришига ва (ёки) унда бўлишига доир чекловларни, жисмоний шахсларнинг хавфсизлик зонаси ҳудудига киришини ва (ёки) унда бўлишини рад этиш учун асослар рўйхати белгилаб қўйилган ҳолда;

учувчи аппаратларнинг (шу жумладан ҳаво кемаларининг) хавфсизлик зонаси ҳудуди устидан парвозларига доир чекловларни;

жисмоний шахсларнинг хавфсизлик зонаси ҳудудига киришига ва (ёки) унда бўлишига доир чекловлар билан боғлиқ бўлган хўжалик ҳамда тадбиркорлик фаолиятини юритиш, табиий ресурсларга, кўчмас мол-мулкка

эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқига доир чекловларни.

Санитария-муҳофаза зонаси, кузатув зонаси ва хавфсизлик зонаси белгиланганлиги туфайли етказилган зарарларнинг ўрни эксплуатация қилувчи ташкилот томонидан ер тўғрисидаги ҳамда фуқаролик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

#### **28-модда. Ядровий қурилманинг ва (ёки) сақлаш пунктининг лойиҳаси**

Ядровий қурилма ва (ёки) сақлаш пунктининг лойиҳаси атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги нормалар ҳамда қоидаларга мувофиқ ишлаб чиқилади.

Ядровий қурилма ва (ёки) сақлаш пунктининг лойиҳасида ер участкаси берилиши учун зарур бўлган ўлчамлар, лойиҳалаштирилаётган ядровий қурилма ва (ёки) сақлаш пункти учун ажратилган ер участкасидан фойдаланишга доир ҳуқуқларга чекловлар (юкламалар) белгилаш зарурлиги функционал капитал иморатларни (биноларни, иншоотларни), ишлаб чиқариш, транспорт, муҳандислик инфратузилмасининг бошқа объектларини жойлаштириш ва санитария-муҳофаза зонасини ҳамда кузатув зонасини, шунингдек хавфсизлик зонасини белгилаш ҳисобга олинган ҳолда асосланган бўлиши керак.

Ядровий қурилма ва (ёки) сақлаш пунктининг лойиҳасида уларни фойдаланишдан хавфсиз тарзда чиқаришга доир тадбирлар, радиоактив моддалар, ядровий материаллар ҳамда радиоактив чиқиндилар билан боғлиқ ишларни хавфсиз амалга оширишга доир тадбирлар назарда тутилган бўлиши керак.

Ядровий қурилма ва (ёки) сақлаш пунктининг лойиҳаси эксплуатация қилувчи ташкилот томонидан тасдиқланади.

Ядровий қурилма ва (ёки) сақлаш пунктининг лойиҳаси атом энергиясидан фойдаланишнинг тегишли объекти хавфсизлигини тасдиқлайдиган атом энергиясидан фойдаланиш объектларининг хавфсизлигини асослашга доир экспертизадан ўтказилиши лозим.

Эксплуатация қилувчи ташкилот атом энергиясидан фойдаланиш объектларининг ва (ёки) атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятнинг хавфсизлигини асослашга доир қўшимча экспертизаларни ўз ваколатлари доирасида ташкил этиши, шу жумладан мустақил халқаро экспертларни жалб этган ҳолда ташкил этиши мумкин.

#### **4-боб. Ядровий қурилмани ва (ёки) сақлаш пунктини қабул қилиб олиш, ишга тушириш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни фойдаланишдан чиқариш**

#### **29-модда. Ядровий қурилмани ва (ёки) сақлаш пунктини қабул қилиб олиш ҳамда ишга тушириш**

Ядровий қурилмани ва (ёки) сақлаш пунктини фойдаланишга қабул қилиб олиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан

белгиланган тартибга мувофиқ ядровий қурилма ва (ёки) сақлаш пункти лойиҳасида назарда тутилган барча ишлаб чиқариш ва маиший мақсадлар учун мўлжалланган объектлар билан комплекс равишда амалга оширилиши керак.

Ядровий қурилмани ва (ёки) сақлаш пунктини ишга тушириш ядровий қурилмани ва (ёки) сақлаш пунктини ишга туширишнинг эксплуатация қилувчи ташкилот томонидан кўрсатилган объектлар лойиҳалари асосида тасдиқланган ҳамда хавфсизликни давлат томонидан тартибга солувчи тегишли органлар билан келишилган дастурга мувофиқ амалга оширилади.

Ядровий қурилмани ва (ёки) сақлаш пунктини ишга тушириш эксплуатация қилувчи ташкилотда ядровий қурилмани ва (ёки) сақлаш пунктини ишлатиш учун махсус ваколатли орган томонидан берилган лицензия мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

### **30-модда. Ядровий қурилмани ва (ёки) сақлаш пунктини эксплуатация қилиш**

Ядровий қурилмани ва (ёки) сақлаш пунктини эксплуатация қилиш эксплуатация қилувчи ташкилот томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ташкил этилган ҳамда ядровий қурилма ва (ёки) сақлаш пункти учун масъул этиб тайинланган ҳамда ўз кучлари билан ёки бошқа юридик шахсларни жалб этган ҳолда ядровий қурилмани ва (ёки) сақлаш пунктини эксплуатация қилишга қодир бўлган юридик шахс эксплуатация қилувчи ташкилотдир.

Эксплуатация қилувчи ташкилот ядровий қурилманинг ва (ёки) сақлаш пунктнинг хавфсизлиги, шунингдек радиоактив моддалар, ядровий материаллар ҳамда радиоактив чиқиндилар билан боғлиқ ишлар амалга оширилиши учун жавобгардир.

Эксплуатация қилувчи ташкилот лицензиядан маҳрум этилган тақдирда, у атом энергиясидан фойдаланиш объектларининг хавфсизлиги учун бу объектлар бошқа эксплуатация қилувчи ташкилотга топширилгунига ёки янги лицензия олингунига қадар жавобгар бўлиб қолаверади.

Эксплуатация қилувчи ташкилот ўз фаолиятини амалга ошириш учун тегишли молиявий, моддий-техник ресурсларга ва кадрлар салоҳиятига эга бўлиши керак.

Ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари, эксплуатация қилувчи ташкилотнинг ядровий қурилмани ва (ёки) сақлаш пунктини эксплуатация қилишга доир фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди.

### **31-модда. Эксплуатация қилувчи ташкилотнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Эксплуатация қилувчи ташкилот қуйидаги ҳуқуқларга эга:

атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқишда ҳамда амалга оширишда иштирок этиш; ядровий қурилмани ва (ёки) сақлаш пунктини жойлаштириш, барпо этиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни фойдаланишдан чиқариш, ядро-



вий материаллар, радиоактив моддалар ва радиоактив чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш;

ядровий қурилмани ва (ёки) сақлаш пунктини барпо этиш ҳамда фойдаланишдан чиқариш, ядровий қурилмалар учун ядровий ёқилғини етказиб бериш, фойдаланишнинг сервис жиҳатдан қўллаб-қувватланишини таъминлаш, ишлатиб бўлинган ядровий ёқилғи, радиоактив моддалар ва радиоактив чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш учун шартномалар бўйича ягона буюртмачи вазифаларини бажариш;

атом энергиясидан фойдаланиш объектнинг тўлиқ «хаётий» даври учун ядровий қурилмадан ва (ёки) сақлаш пунктидан фойдаланишни конструкторлик жиҳатидан таъминлаш учун шартномалар тузиш;

чет эл давлатларининг ваколатли органлари томонидан малакаси тасдиқланган ва махсус ваколатли орган томонидан ўзига атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги ишларни олиб бориш ҳуқуқини берувчи рухсатнома берилган чет эллик мутахассисларни ишга қабул қилиш, шу жумладан атом энергиясидан фойдаланиш объектларини бошқариш учун ишга қабул қилиш.

Эксплуатация қилувчи ташкилот:

ядровий қурилмани ва (ёки) сақлаш пунктини жойлаштириш учун майдончадан фойдаланишга махсус ваколатли органдан рухсатнома олиш мақсадида хавфсизликни асослаш учун муҳандислик изланишларини ҳамда тадқиқотларини ташкил этиши;

атом энергиясидан фойдаланиш объекти тўлиқ «хаётий» даврининг барча босқичларида хавфсизликни таъминлаш тадбирларини ишлаб чиқиши ҳамда амалга ошириши;

ядровий қурилмада ва (ёки) сақлаш пунктида радиациявий вазият мониторингини ҳамда атом энергиясидан фойдаланиш хавфсизлиги устидан ишлаб чиқариш назоратини амалга оширувчи хизматларни ташкил этиши;

хавфсизликни давлат томонидан тартибга солувчи органларга ядровий қурилманинг ва (ёки) сақлаш пунктининг хавфсизлиги ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этиши;

хавфсизликни давлат томонидан тартибга солувчи органлар мансабдор шахсларининг кўрсатмаларини бажариши;

тегишли атом энергиясидан фойдаланиш объектларининг жисман ҳимоя қилинишини таъминлаши;

ядровий қурилмани ва (ёки) сақлаш пунктини барпо этиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни фойдаланишдан чиқаришнинг барча босқичларида сифатни таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиши ва амалга ошириши;

ядровий қурилмаларнинг ва (ёки) сақлаш пунктларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаши;

ядровий қурилмаларда ва (ёки) сақлаш пунктларида радиоактив моддалар, ядровий материаллар ҳамда радиоактив чиқиндиларнинг ҳисобини юритиши;

ядровий қурилмадаги ва (ёки) сақлаш пунктидаги аварияларнинг олдини олиш ҳамда ўз ходимлари ва жалб этиладиган ходимлар, уларга туташ ҳудудларнинг аҳолиси ва атроф-муҳит учун аварияларнинг салбий оқибат-

ларини камайтириш юзасидан чоралар ишлаб чиқиши ҳамда амалга ошириши;

ядровий қурилмадан ва (ёки) сақлаш пунктдан фойдаланиш чоғида содир бўлган нохуш ҳодисалар ҳамда авариялар сабабларининг техник текширувини ўтказиши;

ядровий қурилманинг ва (ёки) сақлаш пунктнинг аварияга оид ички режасини ишлаб чиқиши ҳамда тасдиқлаши ва уни бажариш учун ўз ходимларининг ҳамда жалб этиладиган ходимларнинг ва зарур бўлган моддий-техника воситаларининг шайлигини таъминлаши;

ўз ходимларининг ижтимоий кафолатларга бўлган ҳуқуқлари амалга оширилишини таъминлаши;

ўз ходимларининг ва жалб этиладиган ходимларнинг индивидуал нурланиш дозаларининг дозиметрик ҳисобини амалга ошириши;

ўз ходимларини ва жалб этиладиган ходимларни тегишли шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаши;

ўз ходимларининг тиббий кўригини ташкил этиши;

ядровий қурилмада ва (ёки) сақлаш пунктида ёнғиндан ҳимоя қилиш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир тадбирларнинг дастурларини ишлаб чиқиши, тасдиқлаши ҳамда амалга ошириши;

ходимларни танлаши, тайёрлаши, қайта тайёрлаши ва уларнинг малакасини ошириши ҳамда ишлаб чиқаришда улар учун зарур ижтимоий-маиший шароитлар яратиши;

санитария-муҳофаза зонасидаги ва кузатув зонасидаги радиациявий вазият тўғрисида аҳолини хабардор қилиши шарт.

### **32-модда. Ядровий қурилманинг ва (ёки) сақлаш пунктнинг хавфсизлигини даврий баҳолаш**

Ядровий қурилмадан ва (ёки) сақлаш пунктдан фойдаланишда эксплуатация қилувчи ташкилот ядровий қурилманинг ва (ёки) сақлаш пунктнинг хавфсизлигини даврий баҳолашни ўтказиши.

Ядровий қурилманинг ва (ёки) сақлаш пунктнинг хавфсизлигини биринчи марта баҳолаш фойдаланиш бошланганидан кейин ўн йил ўтгач амалга оширилиб, кейинчалик фойдаланиш якунлангунига қадар хавфсизлик ҳар ўн йилда даврий баҳоланади.

Ядровий қурилманинг ва (ёки) сақлаш пунктнинг хавфсизлигини даврий баҳолашни ўтказиш тартиби ҳамда тегишли тадқиқотларнинг ҳажми махсус ваколатли орган томонидан белгиланади.

### **33-модда. Ядровий қурилмани ва (ёки) сақлаш пунктини фойдаланишдан чиқариш**

Ядровий қурилмаларни ва (ёки) сақлаш пунктларини фойдаланишдан чиқаришни таъминлашга доир тартиб ва чора-тадбирлар атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги нормалар ҳамда қоидаларга мувофиқ ядровий қурилма ва (ёки) сақлаш пункти лойиҳасида назарда тутилган бўлиши керак.

Ядровий қурилмани ва (ёки) сақлаш пунктини уларнинг ядровий қурил-

ма ва (ёки) сақлаш пункти лойиҳасида белгиланган техник ресурси сарфланиб бўлгунига қадар фойдаланишдан чиқариш тўғрисидаги ёки улар ишининг лойиҳадаги техник-иқтисодий кўрсаткичларини чеклаш ҳақидаги таклифлар тегишли асослар ҳамда давлат экспертизаларининг хулосалари мавжуд бўлган тақдирда ваколатли давлат бошқаруви органи, хавфсизликни давлат томонидан тартибга солувчи органлар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан киритилиши мумкин.

Ядровий қурилмани ва (ёки) сақлаш пунктини муддатидан илгари фойдаланишдан чиқариш тўғрисидаги қарор технологик жараёнлар ва эксплуатация қилувчи ташкилотнинг имкониятлари ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинади.

#### **34-модда. Ядровий қурилмани ва (ёки) сақлаш пунктини фойдаланишдан чиқариш жамғармаси**

Ядровий қурилмани ва (ёки) сақлаш пунктини фойдаланишдан чиқариш, муддатидан илгари фойдаланишдан чиқариш ёхуд фойдаланиш хусусиятларини чеклаш бўйича ишларни молиялаштириш учун эксплуатация қилувчи ташкилот томонидан Ядровий қурилмани ва (ёки) сақлаш пунктини фойдаланишдан чиқариш жамғармаси тузилади.

Ядровий қурилмани ва (ёки) сақлаш пунктини фойдаланишдан чиқариш жамғармасини шакллантириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади ҳамда ядровий қурилмани ва (ёки) сақлаш пунктини ишга туширишдан олдин белгиланган бўлиши керак.

Атом электр станцияси ёки унинг блоки учун Ядровий қурилмани ва (ёки) сақлаш пунктини фойдаланишдан чиқариш жамғармаси электр ҳамда иссиқлик энергиясини сотишдан ва бошқа хизматларни кўрсатишдан олинган маблағлар, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилади.

Ядровий қурилмани ва (ёки) сақлаш пунктини фойдаланишдан чиқариш жамғармасининг маблағларидан фақат ядровий қурилмани ва (ёки) сақлаш пунктини фойдаланишдан чиқариш, ишлатиб бўлинган ядровий ёқилғига доир ишларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш ҳамда ушбу объектларнинг хавфсизлигини асослаш ва ошириш бўйича илмий-тадқиқот ҳамда тажриба-конструкторлик ишларини молиялаштириш учун фойдаланилади.

#### **5-боб. Радиоактив моддалар, ядровий материаллар, ядровий ёқилғи, ишлатиб бўлинган ядровий ёқилғи ва радиоактив чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш**

#### **35-модда. Радиоактив моддалар, ядровий материаллар ва радиоактив чиқиндиларнинг давлат ҳисоби**

Радиоактив моддалар, ядровий материаллар ва радиоактив чиқиндилар ионлаштирувчи нурланиш чиқарадиган манбаларнинг муомаласи устидан давлат ҳисоби ҳамда назорати тизимида давлат ҳисобига олиниши лозим.

Ионлаштирувчи нурланиш чиқарадиган манбаларнинг муомаласи устидан давлат ҳисоби ва назорати тизимини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**36-модда. Радиоактив моддаларни, ядровий материалларни, ядровий ёқилғини, ишлатиб бўлинган ядровий ёқилғини ва радиоактив чиқиндиларни транспортда ташиш (ташиш)**

Радиоактив моддаларни, ядровий материалларни, ядровий ёқилғини, ишлатиб бўлинган ядровий ёқилғини ва радиоактив чиқиндиларни транспортда ташиш (ташиш) атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги нормалар ҳамда қоидаларга, хавфли юкларни ташиш қоидаларига, шунингдек атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

Радиоактив моддаларни, ядровий материалларни, ядровий ёқилғини, ишлатиб бўлинган ядровий ёқилғини ва радиоактив чиқиндиларни транспортда ташиш (ташиш) қоидаларида жўнатувчининг, ташувчининг ҳамда олувчининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги, транспортда ташиш (ташиш) чоғидаги хавфсизлик, жисман ҳимоя қилиш чоралари, ўровга, тамғалашга ҳамда транспорт воситаларига қўйиладиган талаблар, транспорт ҳодисаларига ва аварияларга йўл қўймасликка доир келишилган чора-тадбирлар тизими, эҳтимол тугтилган аварияларнинг кенгайиб кетишига йўл қўймаслик ва уларнинг оқибатларини тугатиш тадбирлари назарда тутилган бўлиши керак.

Радиоактив моддаларни, ядровий материалларни, ядровий ёқилғини, ишлатиб бўлинган ядровий ёқилғини ва радиоактив чиқиндиларни транспортда ташиш (ташиш) чоғидаги аварияларнинг кенгайиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда уларнинг оқибатларини тугатиш транспортда ташиш (ташиш) субъектларининг, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ихтисослаштирилган бўлинмаларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимининг тегишли функционал қўйи тизимларининг кучлари ҳамда воситалари орқали амалга оширилади.

**37-модда. Радиоактив моддаларни, ядровий материалларни, ядровий ёқилғини, ишлатиб бўлинган ядровий ёқилғини ва радиоактив чиқиндиларни олиб кириш ҳамда олиб чиқиш**

Ядровий материалларни, ядровий ёқилғини ва радиоактив чиқиндиларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ҳамда унинг ҳудудидан олиб чиқиш, шунингдек ишлатиб бўлинган ядровий ёқилғини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари асосида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

Радиоактив моддаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш

ва унинг худудидан олиб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси худудига фақат илгари Ўзбекистон Республикаси худудидан олиб чиқиб кетилган радиоактив чиқиндилар ва ишлатиб бўлинган ядровий ёқилғидан олинган қайта ишлаш маҳсулотларини олиб киришга йўл қўйилади.

### **38-модда. Радиоактив моддаларни ва ядровий материалларни сақлаш**

Радиоактив моддаларни ва ядровий материалларни сақлаш эксплуатация қилувчи ташкилот томонидан амалга оширилади.

Радиоактив моддаларни ва ядровий материалларни сақлаш чоғида эксплуатация қилувчи ташкилотлар ходимларини, ядровий қурилмаларга ва (ёки) сақлаш пунктларига туташ худудлардаги аҳолини ҳамда атроф-муҳитни радиациявий таъсирдан атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги нормалар ҳамда қоидаларга риоя этилган ҳолда ҳимоя қилиш таъминланиши керак.

### **39-модда. Радиоактив чиқиндиларни сақлаш, қайта ишлаш ва кўмиб ташлаш**

Радиоактив чиқиндиларни сақлаш, қайта ишлаш ва кўмиб ташлаш лойиҳа ҳужжатларида ва (ёки) технологик ҳужжатларда назарда тутилиши керак ҳамда фақат бунинг учун махсус мўлжалланган сақлаш пунктларида йўл қўйилади.

Радиоактив чиқиндиларни сақлаш, қайта ишлаш ва кўмиб ташлаш чоғида аҳолини радиациявий таъсирдан ҳимоя қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш учун бу чиқиндиларнинг хавфсизлиги ҳамда уларни атроф-муҳитдан ажратиш қўйиш таъминланиши керак.

## **6-боб. Атом энергиясидан фойдаланиш объектларини жисман ҳимоя қилиш**

### **40-модда. Атом энергиясидан фойдаланиш объектларининг жисман ҳимоя қилинишини таъминлаш**

Атом энергиясидан фойдаланиш объектларини жисман ҳимоя қилиш қуйидагиларга қаратилган техник ва ташкилий чоралар комплексини режалаштириш, мувофиқлаштириш, давлат томонидан назорат қилиш ҳамда текширишнинг, амалга оширишнинг ягона тизимини назарда тутати:

ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктлари худудига рухсатсиз киришнинг, радиоактив моддалар, ядровий материаллар ҳамда радиоактив чиқиндилардан рухсатсиз фойдаланишнинг олдини олишга, шунингдек улар талон-торож қилинишининг ва шикастлантирилишининг олдини олишга;

радиоактив моддалар, ядровий материаллар ва радиоактив чиқиндиларнинг бир бутунлигига нисбатан ҳар қандай тажовузларни ўз вақтида аниқ-

лаш ҳамда уларга чек қўйишга, ядровий қурилмаларнинг ва (ёки) сақлаш пунктларининг хавфсизлигига таҳдид қилувчи қўпоровчилик ҳамда террорчилик ҳаракатларини ўз вақтида аниқлашга ва уларга чек қўйишга;

йўқолган ёки ўғирланган радиоактив моддаларни, ядровий материалларни ва радиоактив чиқиндиларни топиш ҳамда қайтаришга.

Атом энергиясидан фойдаланиш объектларининг жисман химоя қилинишини таъминлашга доир талаблар атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги нормалар ва қоидалар билан белгиланади.

Атом энергиясидан фойдаланиш объектларининг жисман химоя қилинишини таъминлаш лойиҳалаштиришнинг, барпо этишнинг, ишга туширишнинг, фойдаланишнинг ва фойдаланишдан чиқаришнинг барча босқичларида, шунингдек радиоактив моддалар, ядровий материаллар ҳамда радиоактив чиқиндилар билан боғлиқ ишларни бажариш, шу жумладан уларни транспортда ташиш (ташиш) чоғида амалга оширилади.

Атом энергиясидан фойдаланиш объектларини жисман химоя қилиш эксплуатация қилувчи ташкилотлар ва хавфсизликни давлат томонидан тартибга солувчи тегишли органлар томонидан ўз ваколатлари доирасида таъминланади.

Зарур ҳолларда, атом энергиясидан фойдаланиш объектларининг жисман химоя қилинишини таъминлашга доир вазифаларни бажариш учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг тегишли бўлинмалари жалб этилиши мумкин.

Ядровий қурилмалардан ва (ёки) сақлаш пунктларидан фойдаланиш, шунингдек ишлаб чиқаришнинг, фойдаланишнинг, қайта ишлашнинг, транспортда ташишнинг ва сақлашнинг исталган босқичида турган радиоактив моддалар, ядровий материаллар ва радиоактив чиқиндилар билан ишларни амалга ошириш, агар уларнинг жисман химоя қилиниши таъминланмаган бўлса, тақиқланади.

#### **41-модда. Ядровий қурилма ва (ёки) сақлаш пункти ҳудудидаги шахсларнинг ҳуқуқларини чеклаш**

Ядровий қурилманинг ва (ёки) сақлаш пунктининг жисман химоя қилинишини таъминлаш мақсадида ядровий қурилма ва (ёки) сақлаш пункти жойлашган ҳудуддаги, шунингдек уларнинг санитария-муҳофаза зоналаридаги ҳамда хавфсизлик зоналаридаги шахсларнинг юриши ва ҳаракат қилиши чекланиши мумкин, уларнинг ашёлари ва транспорт воситалари эса кўздан кечирилиши, шу жумладан махсус воситалар қўлланилган ҳолда кўздан кечирилиши мумкин.

#### **42-модда. Ядровий қурилмалар ва (ёки) сақлаш пунктлари ҳудудларида оммавий тадбирлар**

Ядровий қурилманинг ва (ёки) сақлаш пунктининг санитария-муҳофаза зонасида ҳамда хавфсизлик зонасида рухсат этилмаган йиғилишлар,

митинглар, намоёишлар ва бошқа оммавий тадбирларни (бундан буён матнда оммавий тадбирлар деб юритилади) ўтказиш тақиқланади.

Ядровий қурилмаларнинг ва (ёки) сақлаш пунктларининг санитария-муҳофаза зонаси ҳамда хавфсизлик зонаси ташқарисида оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишга, агар бунинг натижасида ядровий қурилманинг ва (ёки) сақлаш пунктининг иш қобилияти бузилиши юз бериши мумкин бўлса, эксплуатация қилувчи ташкилотнинг ходимлари ўз хизмат мажбуриятларини бажариши қийинлашса ёхуд аҳоли ёки атроф-муҳит хавфсизлигига бошқа таҳдидлар юзага келса, йўл қўйилмайди.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган, ядровий қурилманинг ва (ёки) сақлаш пунктининг хавфсиз ишлашига таҳдид солувчи ҳаракатлар натижасида эксплуатация қилувчи ташкилотга етказилган зарарнинг ўрни айбдор шахслар томонидан суд тартибида қопланади.

### **43-модда. Шахсларнинг атом энергиясидан фойдаланиш объектларида ишлашига рухсат бериш**

Атом энергиясидан фойдаланиш объектларида ўн саккиз ёшга тўлган ва бу иш учун тиббий жиҳатдан қарши кўрсатмаларга эга бўлмаган, тегишли малака талабларига жавоб берадиган, махсус ваколатли орган томонидан бериладиган атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги ишларни олиб бориш ҳуқуқини берувчи рухсатномага эга бўлган, шунингдек мазкур ишга, агар иш давлат сирлари ва қонун билан қўриқладиган бошқа сирдан фойдаланиш билан боғлиқ бўлса, рухсат олган шахсларнинг ишлашига йўл қўйилади.

Тиббий жиҳатдан қарши кўрсатмаларнинг рўйхати ва улар татбиқ этиладиган лавозимларнинг рўйхати, шунингдек тиббий кўриклар ва психофизик текширувлар ўтказишга доир талаблар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

### **7-боб. Аварияга оид шайлик ва авария ҳолатида ҳаракат қилиш**

#### **44-модда. Аварияга оид шайликни ва авария ҳолатида ҳаракат қилишни ташкил этиш**

Аварияга оид шайликни ва авария ҳолатида ҳаракат қилишни ташкил этиш аварияга оид ташқи ҳамда ички режалар билан белгиланадиган, аварияга оид шайликни таъминлаш ва авария ҳолатида ҳаракат қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат.

#### **45-модда. Аварияга оид режаларни ишлаб чиқиш тартиби**

Аварияга оид режаларни ишлаб чиқиш тартиби, атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш чоғида юзага келган авария оқибатларини тугатиш, чеклаш ёки камайтириш чоралари, аҳолини хабардор қилиш усуллари, шунингдек аварияга оид

шайликни текшириш чоралари махсус ваколатли органнинг ёки Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг таклифлари асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

#### **46-модда. Аварияга оид ташқи режа**

Аварияга оид ташқи режада авария ҳолатида ҳаракат қилиш зоналари ҳамда давлат бошқаруви органларининг ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими кучлари ва воситаларининг атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш чоғида юзага келган фавқулодда вазият ҳолатида жисмоний шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлашга, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкани ҳимоя қилишга қаратилган ҳаракатлари белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги аварияга оид ташқи режа ишлаб чиқилишини ҳамда тегишли давлат бошқаруви органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими кучлари ҳамда воситалари томонидан уни амалга оширишга доир тадбирларнинг бажарилишини мувофиқлаштиради.

Аварияга оид ташқи режа Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

#### **47-модда. Аварияга оид ички режа**

Аварияга оид ички режа эксплуатация қилувчи ташкилотнинг ядровий қурилмани ва (ёки) сақлаш пунктини барпо этиш ёки ундан фойдаланиш чоғида юзага келган авария оқибатларини тугатишга, чеклашга ёки камай-тиришга доир ҳаракатларини белгилайди.

Аварияга оид ички режа эксплуатация қилувчи ташкилот томонидан аварияга оид ташқи режа ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилади ҳамда хавфсизликни давлат томонидан тартибга солувчи органлар билан келишилганидан сўнг тасдиқланади.

Аварияга оид ички режа ядровий қурилманинг ва (ёки) сақлаш пунктининг режалаштирилган ишга туширилиши бошланишидан камида олти ой олдин тасдиқланиши керак.

Эксплуатация қилувчи ташкилот ўз маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан аварияга оид ички режа тадбирларини ишлаб чиқади ҳамда унинг моддий-техника таъминотининг ва кадрлар билан таъминланишининг зарур даражасини сақлаб туради.

Аварияга оид ички режа ядровий қурилма ва (ёки) сақлаш пункти ишга туширилгунига қадар ҳамда бутун фойдаланиш муддати мобайнида махсус ваколатли орган ва Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан белгиланган даврийликда амалий текширувдан ўтказилади.



**48-модда. Аварияга оид шайликни ва авария ҳолатида ҳаракат қилишни таъминлашга доир талаблар**

Эксплуатация қилувчи ташкилот ўз ходимларини аварияга оид ташқи ва ички режалар билан таништириши ҳамда ходимларни ушбу режаларга мувофиқ мажбуриятларни бажаришга тайёрлаш юзасидан ўқув дастурини амалга ошириши шарт.

Ядровий қурилмада ва (ёки) сақлаш пунктида атроф-муҳитга радиациявий хавфсизликнинг белгиланган назорат даражаларидан ортиқ миқдорда радиоактив моддалар чиқишига олиб келган авария юзага келган тақдирда, эксплуатация қилувчи ташкилот:

тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органларини, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигини, ваколатли давлат бошқаруви органини, хавфсизликни давлат томонидан тартибга солувчи органларни, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, ҳудуднинг энг таҳдид солинаётган участкалари аҳолисини, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида радиациявий вазиятни мониторинг қилишнинг ягона автоматлаштирилган давлат тизими хизматларини радиациявий вазият тўғрисидаги тезкор ахборот билан таъминлаши;

радиациявий авария оқибатларини тугатиш, чеклаш ёки камайтириш бўйича аварияга оид ташқи ва ички режаларга мувофиқ ҳаракатлар қилинишини таъминлаши;

чет ташкилотларнинг ва эксплуатация қилувчи ташкилотнинг авария оқибатларини тугатишда банд бўлмаган ва иши хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ бўлмаган ходимлари эвакуация қилинишини таъминлаши;

радиоактив моддалар атроф-муҳитга чиқиб кетишининг узлуксиз мониторинг қилинишини таъминлаши;

аварияга оид ишлар амалга ошириладиган зоналарда дозиметрик назоратни таъминлаши;

авария оқибатларини тугатишда, чеклашда ёки камайтиришда иштирок этаётган шахсларга тўғри келадиган доза кўрсаткичларининг жорий мониторингини ва ҳисобга олинишини, шунингдек радиациявий хавфсизликнинг белгиланган назорат даражаларидан ортиб кетишига йўл қўймаслик юзасидан чоралар кўрилишини таъминлаши шарт.

Авария ривожланишининг олдини олишга ёки уни тугатишга доир ишлар бажарилаётганда эксплуатация қилувчи ташкилот ходимларининг радиациявий хавфсизликнинг белгиланган назорат даражаларидан кўпроқ нурланишига (лекин атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги нормалар ва қоидаларда белгиланган потенциал хавфли нурланиш дозасидан юқори бўлмаган миқдорда) йўл қўйилиши мумкин.

Эксплуатация қилувчи ташкилот мазкур ишларда иштирок этаётган ходимларни радиациявий хавфсизликнинг белгиланган назорат даражаларидан кўпроқ нурланишнинг юз бериши мумкин бўлган хавфи тўғрисида олдиндан хабардор қилиши ва бунга уларнинг ёзма розилигини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг рухсатномасини олиши шарт.

**8-боб. Радиациявий таъсир туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш**

**49-модда. Жисмоний ва юридик шахсларга радиациявий таъсир натижасида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш**

Жисмоний шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган ҳамда радиациявий таъсир билан боғлиқ ёхуд радиациявий таъсирнинг заҳарли, портловчи ёки бошқа хавфли таъсирлар билан уйғунлашувига боғлиқ бўлган зарарнинг ўрни қопланиши лозим.

Агар радиациявий таъсир туфайли етказилган зарар билан бир қаторда радиациявий таъсир сабабли етказилган зарардан асосланган равишда ажратилиб қўйилиши мумкин бўлмаган бошқа зарар етказилган бўлса, бундай зарарнинг ўрни атом энергиясидан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланиши лозим.

Эксплуатация қилувчи ташкилот томонидан радиациявий таъсир туфайли етказилган зарарнинг ўрни эксплуатация қилувчи ташкилотнинг айбидан қатъи назар қопланади.

Эксплуатация қилувчи ташкилот атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш чоғида радиациявий таъсир орқали жисмоний ва (ёки) юридик шахсларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплайди.

Эксплуатация қилувчи ташкилот енгиб бўлмас куч ёки ҳарбий ҳаракатлар натижасида юзага келган радиациявий таъсир туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қопламайди.

Қайси шахснинг қасддан содир этилган ҳаракатлари ушбу шахснинг ҳаётига ёки соғлиғига зарар етказилишига олиб келса, эксплуатация қилувчи ташкилот шу шахсга радиациявий таъсир туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қопламайди.

Битта радиациявий авария натижасидаги радиациявий таъсир туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплашнинг энг кўп умумий суммаси Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

**50-модда. Радиациявий таъсир натижасида атроф-муҳитга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш**

Эксплуатация қилувчи ташкилот томонидан йўл қўйилган, радиациявий таъсир натижасида атроф-муҳитга етказилган зарарнинг ўрни атом энергиясидан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланади.

Зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар эксплуатация қилувчи ташкилотга давлат бошқаруви органлари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тақдим этилади.

**51-модда. Радиациявий таъсир туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплашнинг молиявий таъминоти**

Эксплуатация қилувчи ташкилот радиациявий таъсир туфайли етказил-

ган зарарнинг ўрнини қоплаш учун ўз молиявий маблағларидан ва (ёки) суғурта полисидан (шартномасидан) иборат бўлган молиявий таъминотга эга бўлиши шарт.

Радиациявий таъсир туфайли етказилган зарар учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни суғурта қилиш шартлари ва тартиби, суғурта жамғармасини тузиш тартиби ва манбалари қонун ҳужжатларида белгиланади.

На эксплуатация қилувчи ташкилот, на радиациявий таъсир сабабли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун ушбу моддага мувофиқ молиявий таъминотни тақдим этган суғурталовчи:

молиявий таъминотни тўхтатиб туришдан ёки бекор қилишдан уч ой олдин бу ҳақда махсус ваколатли органни ва ваколатли давлат бошқаруви органини ёзма шаклда хабардор қилмасдан туриб;

бундай молиявий таъминот радиоактив моддаларни, ядровий материални ва (ёки) радиоактив чиқиндиларни транспортда ташишга (ташишга) тааллуқли бўлса, радиоактив моддаларни, ядровий материални ва (ёки) радиоактив чиқиндиларни транспортда ташиш (ташиш) даври мобайнида молиявий таъминотни тўхтатиб туришга ёки бекор қилишга ҳақли эмас.

#### **52-модда. Радиациявий таъсир туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплашда давлатнинг иштироки**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси радиациявий таъсир туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш суммалари тўловининг Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида эксплуатация қилувчи ташкилот учун белгиланган тўловдан ортиқ миқдори ёхуд енгиб бўлмас куч ёки ҳарбий ҳаракатлар натижасида юзага келган зарарнинг ўрнини қоплаш суммалари тўланишини таъминлайди.

#### **9-боб. Атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик**

#### **53-модда. Атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида чет давлатлар, халқаро ташкилотлар билан ахборот алмашиш**

Чет давлатлар, халқаро ташкилотлар билан атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида ахборот алмашиш Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

#### **54-модда. Ядровий қурилмадаги ва (ёки) сақлаш пунктидаги авария ҳақида чет давлатларни хабардор қилиш**

Ядровий қурилмадаги ва (ёки) сақлаш пунктидаги авария ҳақида чет давлатларни хабардор қилиш ваколатли давлат органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

**55-модда. Ядровий қурилмада ва (ёки) сақлаш пунктида авария содир бўлган тақдирда халқаро ёрдам кўрсатиш**

Ядровий қурилмада ва (ёки) сақлаш пунктида авария содир бўлган тақдирда унинг оқибатларини чеклаш ҳамда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкани ҳимоя қилиш мақсадида халқаро ёрдам кўрсатиш ҳамда олиш Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

**10-боб. Яқунловчи қоидалар**

**56-модда. Атом энергиясидан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Атом энергиясидан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**57-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**58-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**59-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 9 сентябрь,  
ЎРҚ-565-сон

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING ҚОНУНИ

**670** Баъзи давлат органларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2019 йил 17 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 24 августда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «**Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида**»ги 754–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 38-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 118-модда; 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 247-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда) **15-моддасининг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида**»ги 915–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелда қабул қилинган ЎРҚ–350-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 96-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда, № 10, 674-модда, № 12, 781-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **10-модда биринчи қисмининг ўн биринчи хатбошисидаги** «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбарининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **11-модда биринчи қисмининг еттинчи хатбошисидаги** «Ма-

---

\* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 11 сентябрда эълон қилинган.

ҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбарининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**3) 13-модданинг:**

**иккинчи қисмидаги** «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмасининг раҳбари, шунингдек ҳудуддаги профилактика инспекторлари» деган сўзлар «шунингдек ҳудуддаги профилактика инспекторлари ва уларнинг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисмининг йигирма иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмасига аъзолар қабул қилади»;

**4) 14-модда биринчи қисмининг ўн учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари билан биргаликда «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси аъзолари фаолияти устидан назоратни амалга оширади»;

**5) 25-модданинг тўртинчи қисмидаги** «ҳамда Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмасининг раҳбари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «**Судлар тўғрисида**»ги 924–ХII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган 162–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 10-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 249-модда, № 7, 324-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда; 2011 йил, № 4, 104-модда; 2012 йил, № 9/2, 244-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 4, 136-модда; 2018 йил, № 7, 486-модда, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 5, 261-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

**1) 61-модданинг:**

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга ва юридик ихтисослиги бўйича, авваламбор, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда камида беш йиллик меҳнат стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судининг, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судининг, туман (шаҳар) маъмурий судининг, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси бўлиши мумкин»;

**тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Судьялик лавозимига биринчи марта тайинланадиган номзодлар заҳирасида турган шахслар Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабида мажбурий тартибда ўқиши шарт. Ўқиш даврида улар асосий иш жойи бўйича ўртача ойлик иш ҳақи сақланмаган

ҳолда меҳнат мажбуриятларини бажаришдан озод этилади, бироқ ўқишнинг бутун даврида иш жойи (лавозими) сақланади;

2) **62-модданинг:**

**биринчи қисмидаги** «Ўттиз ёшдан» деган сўзлар «Ўттиз беш ёшдан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмидаги** «сайлов кунда ўттиз ёшга тўлган» деган сўзлар «сайлов кунда ўттиз беш ёшга тўлган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **63-модданинг:**

**тўртинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**бешинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **72-модда иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6,

300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда) **283-моддасига** куйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

куйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ушбу Кодекснинг 193-моддасида назарда тутилган депутатлик ва сенаторлик фаолиятининг кафолатлари бузилган тақдирда, тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари девонлари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари котибиятлари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузмасдан ўзининг аризасида ҳуқуқбузарнинг шахси, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жой, вақт ва бу ҳуқуқбузарликнинг моҳияти ҳақидаги маълумотларни, шунингдек ишни ҳал этиш учун зарур бўлган бошқа маълумотларни кўрсатган ҳолда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга»;

**бешинчи қисми олтинчи қисм** деб ҳисоблансин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган «**Адвокатура тўғрисида**»ги 349–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 48-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2008 йил, № 12, 641-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2018 йил, № 10, 673-модда; 2019 йил № 1, 3-модда, № 5, 267-модда) куйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **3<sup>1</sup>-модда** куйидаги мазмундаги **ўнинчи қисм** билан тўлдирилсин: «Адвокатлик гувоҳномасининг шакли ва уни бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

2) **17-модда биринчи қисмининг:**

**олтинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

**еттинчи хатбошиси олтинчи хатбоши** деб ҳисоблансин.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган «**Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида**»-ги 763–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 115-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2012 йил, № 4, 106-модда; 2014 йил, № 12, 343-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда) **8-моддасининг учинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўтказилиши режалаштирилаётган тадбирлари ҳақида хабардор қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан, чет давлатлардан, халқаро ва чет эл ташкилотларидан, чет давлатларнинг фуқароларидан ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан пул маблағлари ва мол-мулк олишни рўйхатдан



ўтказувчи орган билан келишиб олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади».

**7-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августда қабул қилинган «**Радиациявий хавфсизлик тўғрисида**»ги 120–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 7-8, 212-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 604-модда; 2011 йил, № 4, 98-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

**1) 8-модданинг:**

**биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин»;

**иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин»;

**2) 22-модданинг тўртинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**8-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган «**Чиқиндилар тўғрисида**»ги 362–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4-5, 72-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 604-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 247-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 40-модда, № 10, 671-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

**1) 6-модданинг бешинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси»;

**2) 10-модданинг номи ва биринчи хатбошисидаги** «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясининг ва «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси» деган сўзлар тегишинча «Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг» ва «Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**9-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 27 декабрда қабул қилинган «**Экологик назорат тўғрисида**»ги ЎРҚ–363-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 12, 352-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда) **11-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

**биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўртинчи қисмининг тўртинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси — саноат хавфсизлигига, радиациявий ва ядровий хавфсизликка, ер қаъридан фойдаланилаётганда ишларнинг беҳатар олиб борилишига риоя этилиши юзасидан».

**10-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майда қабул қилинган «**Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида**»ги ЎРҚ–371-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 5, 129-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 1, 5-модда, № 5, 267-модда) **21-моддаси биринчи қисмининг олтинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари билан биргаликда «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси аъзолари фаолияти устидан назоратни амалга оширади».

**11-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган «**Ички ишлар органлари тўғрисида**»ги ЎРҚ–407-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 9, 272-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 5, 267-модда) **15-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

**иккинчи қисмидаги** «ва инспекторларидан» деган сўзлар «инспекторларидан ва уларнинг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчиларидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**бешинчи қисмидаги** «жамоатчилик тузилмалари» деган сўзлар «жамоатчилик тузилмалари аъзолари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**12-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 апрелда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида**»ги ЎРҚ–427-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 4, 135-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **5-модданинг учинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Кенгаш раисининг ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади ва у бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабини бошқаради»;

2) **7-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Кенгаш ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун:

судьялик лавозимларига номзодларнинг захирасини шакллантиради;

судьялик лавозимларига номзодларни танлов асосида танлашни ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, раис ўринбосарлари ва судьялари лавозимларига тавсия этиладиган номзодлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритади;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раислари ва раис ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раиси лавозимларига тавсия этиладиган номзодлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимномалар киритади;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг судьяларини, туманлараро, туман, шаҳар судларининг, ҳарбий судларнинг раисларини ва судьяларини лавозимга тайинлайди;

Қорақалпоғистон Республикаси судларининг судьялик лавозимларига тавсия этиладиган номзодлар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига қонунга мувофиқ хулосалар (тақдимномалар) киритади;

Судьялар олий малака ҳайъатининг тавсиясига кўра судьяларни уларнинг ваколатлари муддати даврида ўз аризаларига асосан вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг судьялари, туманлараро, туман, шаҳар судларининг, ҳарбий судларнинг раислари ва судьялари лавозимларига қайтадан тайинлайди;

Судьялар олий малака ҳайъатининг тавсиясига кўра судьяларни ўз аризаларига асосан Қорақалпоғистон Республикаси судларининг судьялари, Қорақалпоғистон Республикаси туманлараро, туман, шаҳар судларининг раислари ва судьялари лавозимларига қайтадан тайинлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига тақдимномалар киритади;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси лавозимида бўлишнинг энг юқори ёшини судьянинг розилиги билан беш йилгача узайтириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимнома киритади;

Қорақалпоғистон Республикаси судларининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг, туманлараро, туман, шаҳар судларининг, ҳарбий судларнинг судьялик лавозимида бўлишнинг энг юқори ёшини судьянинг розилиги билан беш йилгача узайтиради;

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинладиган ёхуд Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан сайладиган

судьяларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимномалар (таклифлар) киритади; конунда назарда тутилган ҳолларда, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг судьяларини, туманлараро, туман, шаҳар судларининг, ҳарбий судларнинг раислари ва судьяларини лавозимидан озод қилади;

Қорақалпоғистон Республикаси судлари судьяларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига хулосалар киритади;

судьяларни давлат мукофотлари билан тақдирлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдимномалар киритади;

судьялар ва ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширувчи Кенгаш аъзоларига нисбатан хизмат текширувлари ўтказади;

судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чиқади ва материалларни судьяларнинг тегишли малака ҳайъатларига юборади;

ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширувчи Кенгаш аъзоларини интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқади;

судьяларни жиноий ёки маъмурий жавобгарликка тортиш масалалари юзасидан хулоса беради;

суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ва ягона суд амалиётини таъминлаш, одил судловга эришиш даражасини ва уни амалга ошириш сифатини яхшилаш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми кўриб чиқиши учун киритади;

судьяларнинг малака ҳайъатлари фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, уларнинг фаолиятини текширади, судьяларнинг малака ҳайъатлари раислари ҳисоботларини эшитади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг судьялар томонидан одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш масалаларига доир муурожаатларини кўриб чиқади;

судьяларнинг фаолиятини уларнинг касбига муносиблиги нуқтаи назаридан ўрганади;

Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодексини тасдиқлайди;

судьяларнинг фаолиятини ўрганиш ва баҳолаш мезонларини тасдиқлайди;

судьяларни касбий тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этишга доир дастурни тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти директорининг мазкур департамент фаолияти тўғрисидаги ахборотини ҳар йили эшитади;

судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодларнинг, янги ваколат муддатига ёки бошқа судьялик лавозимларига номзодларнинг шахсий ва касбий сифатлари даражасини ўрганиш бўйича комплекс чоратадбирларни амалга оширади;

давлат органларидан ва бошқа ташкилотлардан, шунингдек мансабдор шахслардан ҳамда фуқаролардан Кенгаш фаолияти билан боғлиқ зарур ахборотни, ҳужжатларни ва бошқа материалларни сўраб олади;

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг Регламентини тасдиқлайди.

Кенгаш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин»;

**3) 10-модданинг:**

**иккинчи хатбошисидаги** «Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот марказини» деган сўзлар «Судьялар олий мактабини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

**тўртинчи хатбошиси учинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

**4) 17-модда иккинчи қисмининг учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«номзоднинг кўрсатилган судьялик лавозимига муносиблиги ёки муносиб эмаслиги ҳақида ёхуд номзоднинг такрорий танловда иштирок этиши учун рухсат бериш ҳуқуқини қолдириш тўғрисида»;

**5) 18-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кенгаш судьялик лавозимига биринчи марта, навбатдаги ўн йиллик муддатга ва судьялик лавозимида бўлишнинг кейинги муддатсиз даврига тайинланадиган (сайланадиган) номзоднинг муносиблигини аниқлашда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раҳбарлик лавозимларига номзодни тайинлашда (сайлашда) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан зарур ахборотни сўраб олиши мумкин. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар Кенгашнинг сўрови олинган кундан эътиборан бир ойлик муддатда тегишли хулосани тақдим этиши керак»;

**6) 20-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кенгаш судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодлар захирасини (бундан буён матнда захира деб юритилади) шакллантиради.

Захирага киритилиш истагини билдирган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Кенгашга ариза билан мурожаат қилиши мумкин. Мазкур ариза икки ой ичида кўриб чиқилади.

Захирага судьялик лавозимлари учун зарур билимга, етарли ҳаётий тажрибага ва бенуқсон обрў-эътиборга эга бўлган юқори малакали юристлар орасидан ўттиз уч ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик ихтисос бўйича камида беш йиллик иш стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари киритилиши мумкин.

Қуйидаги шахслар захирага киритилиши мумкин эмас:

муқаддам судланганлар;

одил судловни амалга оширишга монелик қиладиган касалликларга ёки жисмоний нуқсонларга эга бўлганлар;

белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлар;

ўз касбий фаолиятига мос келмайдиган қилмишлар содир этганлиги

учун ваколатлари олдинги иш жойи бўйича белгиланган тартибда тугатилганлар;

судьялик лавозимига муносиб эмаслиги туфайли захирага киритишни рад этиш ҳақида Кенгаш хулосаси қабул қилинганидан кейин бир йил ўтгунига қадар захирага киритиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилганлар.

Захирага киритиш судьялик лавозимига номзоднинг ушбу Қонунда назарда тутилган мезонларга муносиблигини ўрганиш ва Кенгаш томонидан белгиланадиган тартибда ўтказиладиган имтиҳондан муваффақиятли ўтиш натижаларига кўра, Кенгашнинг қарори билан амалга оширилади.

Судьялик лавозимига номзод қуйидаги ҳолларда захирадан чиқарилади: захирадан чиқариш тўғрисида ўзи ариза берганда;

унинг ўқиш натижалари қониқарсиз баҳоланганда;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганда;

унда одил судловни амалга оширишга монелик қиладиган касалликлар ёки жисмоний нуқсонлар пайдо бўлганда;

белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганда;

вафот этганда ёки у суд қарори билан вафот этган деб эълон қилинганда;

жиноят ёки ўзининг шаъни ва кадр-қимматига доғ туширувчи бошқа хатти-ҳаракатлар содир этганда;

унинг судьялик лавозимига номуносиблиги ҳақида хулоса чиқарилганда»;

7) **24-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«24-модда. Судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодларни танлаш тартиби**

Бўш судьялик лавозимлари тўғрисидаги ахборот Кенгашнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилади. Судьялик лавозимига биринчи марта тайинланадиган номзодларни кўриб чиқиш муқобиллик асосида амалга оширилади.

Захирага киритилган судьялик лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабида ўқишни муваффақиятли тамомлаганидан кейин бўш судьялик лавозимларини тўлдириш учун танловда иштирок этиш тўғрисида бевосита Кенгашга ариза бериш ҳуқуқига эга.

Судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодларни, янги ваколат муддатига ёки бошқа судьялик лавозимларига номзодларни танлашда Кенгаш томонидан белгиланадиган тартибда турли ўрганиш усуллари — суҳбат ўтказишдан, мустақил экспертлар томонидан тест синовидан ўтказишдан, берилган муаммолар бўйича мавзуга оид рефератлар тайёрлашдан, экспресс сўровлардан фойдаланилиши мумкин.

Судьялик лавозимига номуносиблиги туфайли ўзига нисбатан Кенгашнинг захирага киритиш рад этилганлиги тўғрисидаги хулосаси чиқарилган шахс бир йил ўтгач, захирага киритиш тўғрисидаги ариза билан Кенгашга такроран мурожаат қилиши мумкин.

Захирага киритиш бошқа сабабларга кўра рад этилган шахс рад қилиш сабаблари бартараф қилинганидан кейингина захирага киритиш тўғрисидаги ариза билан Кенгашга такроран муружаат қилиши мумкин»;

8) қуйидаги мазмундаги **24<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«24<sup>1</sup>-модда. Судьянинг ваколатлари муддати тугаганидан кейин уни судьялик лавозимига ва бошқа судьялик лавозимига тайинлаш тартиби**

Янги ваколат муддатига ўз номзодини кўрсатиш истагини билдирган судья ваколатлари муддати тугашига камида олти ой қолганда аризани ва зарур ҳужжатларни тегишли судьяларнинг малака ҳайъатига беради.

Бошқа судьялик лавозимига ўз номзодини кўрсатиш истагини билдирган судья, бунинг сабаблари ва асосларини кўрсатган ҳолда Кенгашга ариза беради.

Судьялар олий малака ҳайъати судьяни янги муддатга ёки бошқа судьялик лавозимига тайинлаш мумкинлиги ҳақида Кенгашга хулоса тақдим этади.

Кенгаш вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг раислари, раис ўринбосарлари ва судьялари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раиси, туманлараро, туман, шаҳар судлари, ҳарбий судлар раислари ва судьялари лавозимларига номзодлар бўйича жамоатчилик фикрини Кенгаш томонидан тасдиқланадиган тартибга кўра ўрганadi.

Судьянинг ваколатлари муддати тугаганидан кейин Кенгаш уч ой ичида номзоднинг судьялик лавозимига муносиблиги ёки номуносиблиги ҳақидаги масалани кўриб чиқиши керак.

Агар судья ўзи даъвогар бўлган лавозим талабларига жавоб бермаса, Кенгаш уни қуйи турувчи судьялик лавозимига кўриб чиқиш масаласини кун тартибига киритишга ҳақли.

Илгари судьялик лавозимида ишлаган шахсларни судьялик лавозимига кўрсатиш тўғрисидаги масала янги ваколатлар муддатига ва бошқа судьялик лавозимларига тақдим этилган судьялар учун қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилади».

**13-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 8 сентябрда қабул қилинган «**Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида**»ги ЎРҚ-444-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 9, 508-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **8-модданинг биринчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **25-моддадаги** «Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**14-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**15-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 10 сентябрь,  
ЎРҚ-566-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

### **671 Психиатрия ёрдами кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2019 йил 17 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 24 августда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «**Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида**»-ги 938–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 338-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 112-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2002 йил, № 4-5, 74-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий

---

\* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 13 сентябрда эълон қилинган.



Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда; 2007 йил, № 12, 590, 608-моддалар; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334-модда, № 12, 472-модда; 2012 йил, № 1, 4-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 12, 341-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383, 384-моддалар; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 10, 676-модда, № 12, 783-модда; 2019 йил, № 5, 265-модда) **60-моддаси матнининг иккинчи жумласи** қуйидаги тахрирда баён этилсин:  
«Рухий ҳолати бузилган шахслар учун интернат уйларида яшовчи пенсионерларга пенсия тўланмайди».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **18-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Жиноят содир этиш вақтида ўз ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) ижтимоий хавfli хусусиятини англаган ва уларни бошқара олган шахс ақли расо шахсдир.

Ижтимоий хавfli қилмишни содир этиш вақтида ақли норасо ҳолатда бўлган, яъни руҳий ҳолати сурункали ёки вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёхуд руҳий ҳолати бошқача тарзда бузилганлиги сабабли ўз ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) аҳамиятини англай олмаган ёки уларни бошқара олмаган шахс жавобгарликка тортилмайди.

Ақли норасолик ҳолатида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсга нисбатан суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тайинланиши мумкин»;

2) қуйидаги мазмундаги **18<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«18<sup>1</sup>-модда. Ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда руҳий ҳолати бузилган шахснинг жавобгарлиги**

Жиноят содир этиш вақтида руҳий ҳолати бузилганлиги туфайли ўз ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) аҳамиятини тўлиқ даражада англай олмаган ёки уларни бошқара олмаган ақли расо шахс жавобгарликка тортилади.

Ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда руҳий ҳолати бузилган шахсга нисбатан суд томонидан жазо билан бирга тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тайинланиши мумкин»;

3) **56-модда биринчи қисмининг «ж» бандидаги «руҳий касаллиги»** деган сўзлар «руҳий ҳолатининг бузилганлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **67-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар жиноят содир этган шахсда ҳукм чиқарилгунига қадар ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган тарзда руҳий ҳолатнинг бузилиши юзага келган бўлса, у жавобгарликдан озод қилинади»;

5) **75-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳукм чиқарилганидан кейин ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган тарзда руҳий ҳолатининг бузилиши юзага келган шахс, шунингдек жазони ўташга тўсқинлик қиладиган бошқа оғир касалликка чалинган шахс жазони ўташдан озод қилиниши лозим»;

6) **91-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари руҳий ҳолати бузилган, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсларга нисбатан ушбу шахсларни даволаш ва уларнинг янги ижтимоий хавфли қилмишлар содир этишининг олдини олиш мақсадида тайинланиши мумкин.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари алкоғолизмга, гиёҳвандликка ёки захарвандликка йўлиққан ёхуд ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда руҳий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан жазолаш билан бир қаторда, даволаш учун ва жазолаш мақсадига эришишга кўмаклашувчи шароитлар яратиш учун суд томонидан тайинланиши мумкин»;

7) **92-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ижтимоий хавфли қилмишни ақли норасолик ҳолатида содир этган ёки ҳукм чиқарилгунига қадар ёхуд жазони ўташ вақтида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган тарзда руҳий ҳолатининг бузилиши юзага келган шахсга нисбатан, агар у ўзининг руҳий ҳолати ва содир этган қилмишининг хусусиятига кўра жамият учун хавф туғдирса, суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тайинланиши мумкин»;

8) **93-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари жумласига қуйидагилар киради:

а) яшаш жойи бўйича руҳий-асаб касалликлари диспансерида (туман (шаҳар) психиатрининг хонасида) мажбурий амбулатория кузатувида бўлиш ва даволаниш;

б) яшаш жойи бўйича умумий тартибли психиатрия муассасасининг умумий кузатиладиган бўлимида мажбурий даволаниш;

в) умумий тартибли психиатрия муассасасининг махсус реабилитация бўлимида мажбурий даволаниш;

г) кузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонасида мажбурий даволаниш;

д) жазони ижро этиш муассасаларининг даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш бўлимларида ҳамда маҳкумларга мўлжалланган ихтисослашган шифохонада мажбурий амбулатория кузатувида бўлиш ва даволаниш»;

9) **94-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Руҳий ҳолати бузилган, касаллигининг зўрайиши аломатлари бўлмаган шахсларга, шунингдек руҳий ҳолати вақтинча бузилган шахсларга нисбатан касаллик қайтарилишининг ва улар томонидан янги ижтимоий хавфли қилмишлар содир этилишининг олдини олиш учун яшаш жойи бўйича руҳий-асаб касалликлари диспансерида (туман (шаҳар) психиатрининг хонасида) мажбурий амбулатория кузатувида бўлиш ва даволаниш тайинланиши мумкин.

Яшаш жойи бўйича умумий тартибли психиатрия муассасасининг умумий кузатиладиган бўлимида мажбурий даволаниш ижтимоий хавфлилиги умумий асосларда амалга оширилиши мумкин бўлган даволашни талаб этадиган ҳолат билан боғлиқ бўлган, руҳий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан тайинланиши мумкин.

Умумий тартибли психиатрия муассасасининг махсус реабилитация бўлимида мажбурий даволаниш ижтимоий хавфлилиги кўпроқ ихтиёрий тартибда амалга оширилиши мумкин бўлмаган реабилитация чоралари кўрилишини талаб этадиган ҳолат билан боғлиқ бўлган, руҳий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан тайинланиши мумкин.

Кузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонасида мажбурий даволаниш ўта ижтимоий хавфли бўлган ёки ўз хулқ-атворида умумий тартибли психиатрия шифохонаси шароитларида зарур даволаш ва реабилитация чораларини амалга ошириш имконини бермайдиган қоидабузарликларга йўл қўядиган, руҳий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан тайинланиши мумкин. Руҳий ҳолати бузилган шахслар кузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонасида батамом ажратилган ҳолда сақланади ва қўриқланади.

Жазони ижро этиш муассасаларининг даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш бўлимларида ҳамда маҳкумларга мўлжалланган ихтисослашган шифохонада мажбурий амбулатория кузатувида бўлиш ва даволаниш ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда руҳий ҳолати бузилган, жиноят содир этиш вақтида руҳий ҳолати бузилганлиги туфайли ўз ҳаракатларининг

(ҳаракатсизлигининг) аҳамиятини тўлиқ даражада англай олмаган ёки уларни бошқара олмаган шахсларга нисбатан тайинланиши мумкин»;

10) **95-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«95-модда. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашни узайтириш, ўзгартириш ва тугатиш**

Рухий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашни узайтириш, ўзгартириш ва тугатиш шифокор психиатрлар комиссиясининг хулосаси асосида, жазони ижро этиш муассасаларининг даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш бўлимларида ва маҳкумларга мўлжалланган ихтисослашган шифохонада эса, тиббий-маслаҳат комиссиясининг хулосаси асосида суд томонидан амалга оширилади.

Рухий ҳолати бузилган шахс тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашга муҳтож бўлмаган ҳолларда, шунингдек бу чораларни қўллаш тугатилганда суд бундай шахсни умумий асосларда даволаш ёки ижтимоий таъминот муассасасига юбориш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун соғлиқни сақлаш органларига топшириши мумкин.

Алкоголизмга, гиёҳвандликка ёки заҳарвандликка йўлиққан шахсларга нисбатан жазо билан бир қаторда тайинланган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашни тугатиш тиббий-маслаҳат комиссиясининг хулосаси асосида суд томонидан амалга оширилади»;

11) **96-модданинг номи ва биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«96-модда. Жазо билан бирга тайинланадиган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш**

Алкоголизмга, гиёҳвандликка ёки заҳарвандликка йўлиққан ёхуд ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда рухий ҳолати бузилган шахслар томонидан жиноят содир этилган тақдирда, агар тиббий хулоса мавжуд бўлса, суд жазо тайинлаш билан бирга уларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлаши мумкин»;

12) **104-модданинг биринчи қисмидаги** «рухий касалга чалинишга ёки умуман соғлиғи бузилиб» деган сўзлар «рухий ҳолатининг бузилишига ёки соғлиғининг бошқача тарзда бузилишига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **127<sup>1</sup>-модданинг иккинчи қисмидаги** «рухий касалликлари» деган сўзлар «рухий ҳолати бузилган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9,

229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 267-модда, № 7, 386-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **51-модда биринчи қисмининг 2-бандидаги** «руҳий касаллиги» деган сўзлар «руҳий ҳолати бузилганлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **84-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«Жиноят содир этганидан кейин руҳий ҳолатининг ўз харақатлари аҳамиятини англай олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган даражада бузилиши юзага келган шахс тўғрисидаги жиноят иши ушбу Кодекснинг 61-бобида белгиланган тартибда айбдорлик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилади»;

3) **115-модданинг 3-бандидаги** «руҳий ёки жисмоний нуқсони сабабли» деган сўзлар «руҳий ҳолати бузилганлиги ёки жисмоний нуқсони сабабли» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **181-модданинг матнидаги** «руҳий касал» деган сўзлар «руҳий ҳолати бузилган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **196-модданинг биринчи қисмидаги** «руҳий касал» деган сўзлар «руҳий ҳолати бузилган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **236-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«Экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштирилишини кутаётган шахсларга, шунингдек ақли норасолик ҳолатида ижтимоий хавfli қилмиш содир этган ёки жиноят содир этганидан кейин руҳий ҳолатининг бузилиши юзага келган шахсларга нисбатан эҳтиёт чоралари уларнинг қочиб кетишининг ва бошқа ижтимоий хавfli қилмишлар содир этишининг олдини олиш, шунингдек тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ҳақидаги суд ажримининг ижросини таъминлаш мақсадида қўлланилиши мумкин»;

7) **239-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Эҳтиёт чораси фақат айбланувчиларга, судланувчиларга, маҳкумларга ва ақли норасолик ҳолатида ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган ёки жиноят содир этганидан кейин руҳий ҳолатининг бузилиши юзага келган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин»;

8) **244-модданинг иккинчи қисмидаги** «руҳий касалликка чалинган» деган сўзлар «руҳий ҳолати бузилган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **420-модданинг биринчи қисмидаги** «руҳий» деган сўз «руҳий ҳолати бузилган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **458-модданинг:**

**номидаги «руҳий касаллиги»** деган сўзлар **«руҳий ҳолати бузилганлиги»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**матни** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Суриштирув, дастлабки тергов ёки суд муҳокамаси вақтида судланувчининг руҳий ҳолати бузилганлиги ва ақли норасолиги ҳақидаги масала юзага келган ҳолларда суд ҳукм чиқариш чоғида бу масалани яна бир бор муҳокама қилиши шарт. Суд судланувчи ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш вақтида ақли норасолик ҳолатда бўлган ёки уни содир этганидан кейин ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган даражада руҳий ҳолатининг бузилиши юзага келган деб топган тақдирда, ушбу Кодекснинг 577-моддасида назарда тутилган ажримни чиқаради»;

11) **534-модда:**

**номининг русча матнидаги «освобождение»** деган сўз «**освобождения»** деган сўз билан алмаштирилсин;

**биринчи ва иккинчи қисмлари** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Маҳкум жазони ўтаётган вақтида жазони ўташга монелик қиладиган руҳий ҳолатининг сурункали бузилиши юзага келган ёки бошқа оғир касалликка дучор бўлган тақдирда судья жазонинг ижро қилинишига мутасадди органнинг тақдимномасига биноан, махсус тиббий комиссиянинг хулосасига асосан маҳкумни ўталмай қолган жазони ўташдан озод қилиш тўғрисида ажрим чиқаришга ҳақлидир.

Руҳий ҳолатининг сурункали бузилиши юзага келган маҳкумни ўталмай қолган жазодан озод қилишда судья унга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини тайинлашга ёхуд уни соғлиқни сақлаш органлари ёки қариндошлари васийлигига беришга ҳақлидир»;

**тўртинчи қисми** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Руҳий ҳолатининг бузилиши юзага келган шахслардан ташқари, оғир касалликка дучор бўлган шахсларни ўталмай қолган жазодан озод қилиш масаласини ҳал этишда судья содир этилган жиноятнинг оғирлигини, маҳкумнинг шахсини ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олади»;

12) **541-модда биринчи қисмидаги** «руҳий касал шахсларга қўлланаётган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги» деган сўзлар «руҳий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан қўлланилаётган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини

ўзгартириш, узайтириш ёки тугатиш тўғрисидаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **542-модданинг биринчи қисмидаги** «жисмоний ёки руҳий нуқсонлари бўлган» деган сўзлар «жисмоний нуқсонлари бўлган ёки руҳий ҳолати бузилган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14) **566-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жиноят содир этганидан кейин руҳий ҳолатининг бузилиши юзага келган шахснинг жинояти тўғрисидаги иш бўйича шахсда руҳий ҳолатининг жиноят содир этганидан кейин юзага келган ва жазонинг қўлланилишини истисно этадиган тарзда бузилганлиги исботланиши лозим.

Ақли норасолик ҳолатида ижтимоий хавфли қилмиш содир этганлик тўғрисидаги иш юзасидан қуйидагилар исботланиши лозим:

1) ушбу Кодекс 82-моддасининг 1, 2 ва 5-бандларида назарда тутилган ҳолатлар;

2) қилмишни содир этган пайтида шахснинг руҳий ҳолати сурункали ёки вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёки руҳий ҳолатининг бошқача тарзда бузилганлиги, буларнинг оқибатида у ақли норасолик ҳолатида бўлганлиги, яъни ўз ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) аҳамиятини англай олмаганлиги ёки уларни бошқара олмаганлиги;

3) мазкур шахснинг суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси вақтидаги руҳий ҳолати.

Жиноят содир этганидан сўнг руҳий ҳолати бузилган шахснинг иши бўйича, худди шунингдек ижтимоий хавфли қилмишни ақли норасолик ҳолатида содир этган шахснинг иши бўйича шахснинг бундан буёнги хулқатвори унинг ўзи ва атрофдагилар учун хавф туғдириши мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги, унинг даволанишга муҳтожлиги ёки муҳтож эмаслиги, унга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилишига зарурат борлигини ёки йўқлигини ва айнан қандай чоралар қўллаш лозимлигини ҳал қилиш учун асос бўладиган ҳолатлар исботланиши лозим»;

15) **567-модданинг матнидаги** «руҳий касаллиги» деган сўзлар «руҳий ҳолатининг бузилганлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16) **568-модда биринчи қисмининг:**

**1 — 4-бандлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир этган пайтда руҳий ҳолати ўз ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) аҳамиятини англай олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган даражада сурункали ёки вақтинча бузилганлик, ақли заифлик ёки руҳий ҳолатининг бошқача тарзда бузилиши ҳолатида бўлганлиги;

2) ҳозирги вақтда шахснинг руҳий ҳолати бузилганлиги оқибатида ҳукм қилиш ва жазолашнинг унга ахлоқ тузатиш жиҳатидан таъсир кўрсата олиши ёки кўрсата олмаслиги;

3) ушбу руҳий ҳолатнинг бузилиши сурункалими ёки шахс муайян муддат мобайнида тузалиши мумкинми;

4) шахс дучор бўлган руҳий ҳолатнинг бузилиши янги ижтимоий хавфли қилмишни келтириб чиқариши ёки бунга сабаб бўлиши мумкинми»;

**6-бандидаги** «руҳий нуқсонлари борми» деган сўзлар «руҳий ҳолати бузилганми» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

17) **569-модданинг биринчи қисмидаги** «Башарти гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг руҳий ёки бошқа оғир касаллиги» деган сўзлар «Башарти гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг руҳий ҳолати бузилганлиги ёки бошқа оғир касаллиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18) **571-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар суд-психиатрия экспертизасининг хулосасига кўра, ҳимоя остидаги шахс руҳий ҳолатининг бузилиши жиноят содир этилгандан сўнг юзага келган ёки у ижтимоий хавфли қилмишни ақли норасолик ҳолатида содир этган бўлса ёхуд унинг ақли расолигини истисно этмайдиган, бироқ руҳий ҳолати ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқини мустақил амалга оширишини қийинлаштирадиган тарзда бузилган бўлса, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳимоячининг ишда иштирок этиши шартлиги ҳақидаги қоида амал қилишда давом этади»;

19) **576-модда биринчи қисмининг:**

**1-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) жиноят содир этилганми ёки ақли норасолик ҳолатида ижтимоий хавфли қилмиш содир этилганми»;

**3-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3) ҳозирги вақтда мазкур шахснинг руҳий ҳолати бузилганми»;

**4-бандидаги** «руҳий касалликка дучор бўлиб қолган» деган сўзлар «руҳий ҳолатининг бузилиши юзага келган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

20) **577-модда:**

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кейинчалик руҳий ҳолатининг бузилиши юзага келган шахс содир этган жиноят тўғрисидаги ёки ақли норасолик ҳолатида содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш ҳақидаги иш бўйича суд мажлисида чиқарилган суд ажрими қуйидаги қоидалар асосида тузилади»;

**тўртинчи қисмининг 1-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1) шахсни жиноят содир этган, кейинчалик унда руҳий ҳолатининг бузилиши юзага келган деб эътироф этиш ёхуд уни ижтимоий хавфли қилмишни ақли норасо ҳолатда содир этган деб топиш тўғрисида, шунингдек бу шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ёки қўлламаслик тўғрисида»;

**бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Кейинчалик руҳий ҳолатининг бузилиши юзага келган шахс содир этган жиноят ёки ақли норасолик ҳолатида содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш туфайли мулккий зиён етказилган бўлса, зиённинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги масала фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида ҳал этилади»;

21) **578-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:



**«578-модда. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини тугатиш ёки ўзгартириш**

Ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилган шахс соғайган тақдирда ёхуд руҳий ҳолати бузилган шахс соғлигининг ҳолати у суд томонидан дастлаб белгиланган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларидан бошқа хилдаги тиббий чорага мухтож бўладиган ёхуд бундай хилдаги чораларга мухтож бўлмайдиган тарзда ўзгарган тақдирда, суд тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини тугатади ёки ўзгартиради»;

22) **579-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жиноят содир этганлиги ва бунинг оқибатида руҳий ҳолатининг бузилиши юзага келганлиги туфайли ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахс соғайган тақдирда, суд иш юритишни шахснинг руҳий ҳолати бузилган босқичдан бошлаб умумий тартибда тиклаш тўғрисидаги масалани ҳал қилиши керак»;

23) **580-модда:**

**номи** ва **биринчи қисмининг биринчи хатбошиси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«580-модда. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини узайтириш, ўзгартириш ёки тугатиш ва иш юритишни умумий тартибда тиклаш**

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини узайтириш, ўзгартириш ёки тугатиш ва иш юритишни умумий тартибда тиклаш тўғрисидаги масалаларни суд томонидан кўриб чиқишга қўйидагилар сабаб бўлади»;

қўйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси тайинланган, руҳий ҳолати бузилган шахсларни шифокорлар комиссиялари ёки тиббий-маслаҳат комиссиялари томонидан текширувдан ўтказиш олти ойда камида бир марта амалга оширилади»;

**иккинчи — ўнинчи қисмлари** тегишинча **учинчи — ўн биринчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**учинчи қисмидаги** «бекор қилиш ёки ўзгартириш» деган сўзлар «узайтириш, ўзгартириш ёки тугатиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**ўнинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини узайтириш, ўзгартириш ёки тугатиш ҳақида, шунингдек уни узайтиришни, ўзгартиришни ёки тугатишни рад этиш тўғрисида суд ажрим чиқаради, бу ажрим суд мажлисида ўқиб эшиттирилади»;

**ўн биринчи қисми** чиқариб ташлансин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотно-

маси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 3, 156, 160, 161-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда) қуйидаги ўзгаришлар киритилсин:

1) **20-модданинг матни** қуйидаги тахририда баён этилсин:

«Ғайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этган вақтида ақли норасолик ҳолатида бўлган шахс, яъни руҳий ҳолатининг сурункали ёки вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёхуд бошқа хил касаллик оқибатида ўз ҳаракатининг (ҳаракатсизлигининг) аҳамиятини идрок эта олмаган ёки бошқара олмаган шахс маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас»;

2) **188<sup>3</sup>-модданинг иккинчи қисмидаги** «руҳий касалликлари» деган сўзлар «руҳий ҳолати бузилган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3) **296-модданинг биринчи қисмидаги** «руҳий касалликлари» деган сўзлар «руҳий ҳолатининг бузилганлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган «**Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида**»ги 265–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 128-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ах-

боротномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 10, 473-модда; 2010 йил, № 5, 177-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 5, 265, 267-моддалар) **22-моддасининг иккинчи қисмидаги** «руҳий касалликларга чалинган» деган сўзлар «руҳий ҳолати бузилган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган 409–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 6, 175-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 248-модда, № 9, 422-модда, № 12, 595-модда; 2008 йил, № 4, 187-модда, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 4, 136-модда, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 9, 334-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 10, 605-модда; 2019 йил, № 3, 165-модда, № 5, 267-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киририлсин:

**1) 15-модда иккинчи қисмининг:**

**иккинчи хатбошисидаги** «руҳий касалларга» деган сўзлар «руҳий ҳолати бузилган шахсларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«алкоголизмга, гиёҳвандликка ёки заҳарвандликка йўлиққан ёхуд руҳий ҳолати ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда бузилган маҳкумларга нисбатан — соғлиқни сақлаш органларининг тиббий муассасалари томонидан, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганда эса, жазони ижро этиш муассасаларининг даволаш-профилактика ёрдами кўрсатиш бўлимларида ҳамда маҳкумларга мўлжалланган ихтисослашган шифохонада»;

**2) 181-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«181-модда. Руҳий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тартиби**

Руҳий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари соғлиқни сақлаш органлари томонидан суд-психиатрия экспертизаси хулосасига мувофиқ қуйидаги тартибда қўлланилади:

мажбурий амбулатория кузатувида бўлиш ва даволаниш руҳий ҳолати бузилган шахснинг яшаш жойи бўйича руҳий-асаб касалликлари диспансерида (туман (шаҳар) психиатрининг хонасида) амалга оширилади;

руҳий ҳолати бузилган шахсни жамиятдан батамом ажратиб мажбурий даволаш, унинг руҳий ҳолатига қараб, умумий тартибли психиатрия муассасасининг умумий кузатиладиган бўлимида ёки умумий тартибли психиатрия муассасасининг махсус реабилитация бўлимида ёхуд кузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонасида амалга оширилади»;

**3) 182-модда:**

**номи** куйидаги тахрирда баён этилсин:

**«182-модда. Жазо билан бирга тайинланган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тартиби»;**

куйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Рухий ҳолати ақли расоликни истисно этмайдиган тарзда бузилган маҳкумларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари куйидагиларга нисбатан қўлланилади:

жамиятдан батамом ажратиб қўйиш билан боғлиқ бўлмаган жазо чораларига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан — соғлиқни сақлаш органларининг тиббий муассасалари томонидан;

озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахсларга нисбатан — жазони ўташ жойида, озод этилганидан кейин даволашни давом эттириш зарур бўлганда эса, соғлиқни сақлаш органларининг тиббий муассасалари томонидан умумий асосларда»;

**4) 184-модданинг:**

**номи** куйидаги тахрирда баён этилсин:

**«184-модда. Рухий ҳолати бузилган шахсларни кўчириш»;**

**матнидаги** «Касалларни» деган сўз «Рухий ҳолати бузилган шахсларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**5) 187-модданинг матнидаги** «Рухий касалларни» деган сўзлар «Рухий ҳолати бузилган шахсларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**7-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган **«Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»**ги 813–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 210-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 4, 138-модда, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 5, 267-модда) **8-моддаси биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «рухий касалликлар» деган сўзлар «рухий ҳолатининг бузилганлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**8-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августда қабул қилинган **«Психиатрия ёрдами тўғрисида»**ги 123–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 7-8, 215-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 12/2, 363-модда) **17-моддасининг иккинчи қисмидаги** «Рухий хасталик» деган сўзлар «Рухий ҳолатнинг бузилиши» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**9-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрда қабул қилинган **«Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбу-**

**зарликларнинг профилактикаси тўғрисида**»ги ЎРҚ–263-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 9, 343-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 5, 267-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **12-модда учинчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги** «руҳий касаллик» деган сўзлар «руҳий ҳолатининг бузилганлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **14-модда иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «руҳий касаллик» деган сўзлар «руҳий ҳолатининг бузилганлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **20-модда биринчи қисмининг:**

**саккизинчи хатбошисидаги** «руҳий касаллик» деган сўзлар «руҳий ҳолатининг бузилганлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**ўн бешинчи хатбошисидаги** «руҳий касаллик» деган сўзлар «руҳий ҳолатининг бузилганлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**10-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 29 сентябрда қабул қилинган «**Жиноят ишини юритиш чоғида қамокда сақлаш тўғрисида**»ги ЎРҚ–298-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 9, 251-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2019 йил, № 5, 267-модда) **40-моддасининг иккинчи қисмидаги** «руҳий касалликка чалинган» деган сўзлар «руҳий ҳолати бузилган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**11-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 22 январда қабул қилинган ЎРҚ–460-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 1-илова, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 5, 261-модда) **56-моддаси иккинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «жисмоний ёки руҳий нуқсонлари» деган сўзлар «жисмоний нуқсонлари ёки руҳий ҳолатининг бузилганлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**12-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 январда қабул қилинган ЎРҚ–461-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 2-илова, № 7, 433-модда, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 5, 261, 266-моддалар) **53-моддаси иккинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «жисмоний ёки руҳий нуқсонлари» деган сўзлар «жисмоний нуқсонлари ёки руҳий ҳолатининг бузилганлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**13-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 25 январда қабул

қилинган ЎРҚ–462-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 3-илова, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 5, 261-модда) **50-моддаси иккинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «жисмоний ёки рухий нуқсонлари» деган сўзлар «жисмоний нуқсонлари ёки рухий ҳолатининг бузилганлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**14-модда.** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**15-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;  
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**16-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 12 сентябрь,  
ЎРҚ–567-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## **672** Профессional таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\*

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, меҳнат бозори талабларига мос юқори малакали кадрларни тайёрлаш, таълим сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш, инновацион илм-фан ютуқларини амалиётга татбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш орқали мамлакатда таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, профессионал таълим дастурлари ЮНЕСКО ташкilotи томонидан қабул қилинган Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи (МСКО) даражалари билан уйғунлашмаганлиги, ўқув жараёнига Ўзбекистоннинг Миллий квалификация тизими тўлақонли жорий этилмаганлиги тайёрланаётган кадрларнинг меҳнат бозорида муносиб ўрин эгаллашларига тўсқинлик қилмоқда.

Профессional таълим тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш, бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим босқичларини жорий қилиш орқали меҳнат бозори учун малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ҳамда мазкур жараёнга иш берувчиларни кенг жалб қилиш мақсадида:

1. 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикасида Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи (кейинги ўринларда — Халқаро таснифлагич) даражалари билан уйғунлашган янги бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизими ҳамда табақалаштирилган таълим дастурлари жорий этиладиган таълим муассасалари тармоғи ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар:

Халқаро таснифлагичнинг 3-даражасига мос келувчи таълим дастурлари асосида 9-синф битирувчиларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган бошланғич профессионал таълим босқичида кадрлар тайёрлайдиган таълим муассасалари рўйхати 1-иловага\*\* мувофиқ;

Халқаро таснифлагичнинг 4-даражасига мос келувчи таълим дастурла-

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 6 сентябрда эълон қилинган.

\*\* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ри асосида ўрта профессионал таълим босқичида кадрлар тайёрлайдиган таълим муассасалари рўйхати 2-иловага\* мувофиқ;

Халқаро таснифлагичнинг 5-даражасига мос келувчи таълим дастурлари асосида олий таълим тизими билан интеграциялашган ўрта махсус профессионал таълим босқичида кадрлар тайёрлайдиган, олий таълим муассасалари ҳузурида фаолият юритадиган таълим муассасалари рўйхати 3-иловага\* мувофиқ;

Касбга ўқитиш марказларини ташкил этиш учун Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимида ўтказиладиган касб-хунар коллежлари рўйхати 4-иловага\* мувофиқ;

Олий таълим муассасалари қувватларини ошириш, истиқболда хорижий олий таълим муассасалари ва уларнинг филиалларини ташкил этиш учун бериладиган касб-хунар коллежлари рўйхати 5-иловага\* мувофиқ;

Олий таълим муассасаларининг кўп тармоқли ўқув марказлари ва амалиёт полигонларини ташкил этиш учун бериладиган касб-хунар коллежлари рўйхати 6-иловага\* мувофиқ;

Биолари умумий ўрта таълим муассасалари сифатида фойдаланиладиган касб-хунар коллежлари рўйхати 7-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига зарур ҳолларда ушбу банд билан тасдиқланган рўйхатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

### 3. Белгилаб қўйилсинки:

а) бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим муассасаларига Халқаро таснифлагич бўйича асосий таълим дастурларидан ташқари қўйи даражадаги таълим дастурлари бўйича кадрлар тайёрлаш ҳуқуқи берилди;

б) тизимда мос равишда бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим дастурлари жорий этилган касб-хунар мактаблари, коллежлар ва техникумлардан иборат профессионал таълим муассасалари тармоғи ташкил этилади;

### в) касб-хунар мактабларида:

кадрлар тайёрлаш умумтаълим муассасаларининг 9-синф битирувчилари ҳисобидан шакллантирилган гуруҳларда 2 йиллик умумтаълим ва мутахассислик фанларининг интеграциялашган дастурлари асосида кундузги таълим шаклида амалга оширилади;

таълим олаётган ўқувчилар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида ойлик стипендия ҳамда уч маҳал овқат билан таъминланади. Бунда, касб-хунар мактаблари ўқувчиларини уч маҳал овқат билан таъминлаш ёки мазкур овқат пулларини уларга тўлаб бериш ҳуқуқига эга;

жорий сақлаш, фаолиятни юритиш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш ва кадрлар тайёрлаш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

---

\* 2 — 7-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



г) коллежларда:

кадрлар тайёрлаш Халқаро таснифлагичнинг камида 3-даражасига мос таълим дастурларини тамомлаган, «Хаёт давомида таълим олиш» принципи асосида камида умумий ўрта маълумотга эга бўлган шахслар ҳисобидан касблар ва мутахассисликларнинг мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда 2 йилгача муддатда кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклларида давлат буюртмаси ҳамда тўлов-контракт асосида амалга оширилади;

жорий сақлаш, фаолиятни юритиш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш ва кадрлар тайёрлаш харажатлари тегишли вазирлик, идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, ўқувчиларни давлат буюртмаси ва тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

д) техникумларда:

кадрлар тайёрлаш Халқаро таснифлагичнинг камида 3 ёки 4-даражасига мос таълим дастурларини тамомлаган, «Хаёт давомида таълим олиш» принципи асосида камида умумий ўрта маълумотга эга бўлган шахслар ҳисобидан шакллантирилган гуруҳларда касблар ва мутахассисликларнинг мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда 2 йилдан кам бўлмаган муддатда кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклларида давлат буюртмаси ҳамда тўлов-контракт асосида амалга оширилади;

ўрта махсус таълим дастурларини муваффақиятли тамомлаган битирувчилар ўз соҳасига мос бакалавриат таълим йўналишлари бўйича кириш имтиҳонларисиз яқка тартибдаги суҳбат орқали олий таълим муассасаларида 2-курсдан ўқишини давом эттириш ҳуқуқига эга бўлади;

жорий сақлаш, фаолиятни юритиш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш ва кадрлар тайёрлаш харажатлари тегишли вазирлик, идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, ўқувчиларни давлат буюртмаси ва тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

е) касб-ҳунар мактаблари, коллежлар ва техникумларга идоравий бўйсунувидан қатъи назар ўқув-методик раҳбарлик қилиш ҳамда бу соҳада давлат сиёсатини юритиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2020 йил 1 январдан янги ташкил этиладиган бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим муассасаларининг таъминотиغا, шу жумладан уларнинг жорий сақланишига, фаолиятини юритишига, моддий-техник базасини мустаҳкамлашга Давлат бюджети параметрлари доирасида зарур молиялаштиришни назарда тутсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфлари ўқувчиларига касбий таълим беришга ихтисослашган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуаларини тугатиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки, умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфла-

ри ўқувчиларига касбий таълим беришга ихтисослашган ўқув-ишлаб чиқариш мажмуалари тугатилиши ҳисобига бўшайдиган маблағлар профессионал таълим тизимини молиялаштиришга йўналтирилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Савдо-саноат палатаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

а) икки ой муддатда Миллий квалификация тизимига мувофиқ Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчи касблари классификаторини қайта кўриб чиқсин;

б) илғор хорижий тажрибалар асосида:

уч ой муддатда Ўзбекистон Республикасида миллий квалификация рамакасини;

2020 йил 1 январгача иқтисодиётнинг барча тармоқлари учун Квалификация рамакаларни;

2020 йил 1 апрелгача Миллий профессионал стандартларни ишлаб чиқсин ва амалиётга жорий этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

а) қуйидагиларни:

икки ой муддатда Ўзбекистон Республикасидаги ўрта ва ўрта махсус профессионал таълими тўғрисидаги низомни тасдиқлашни;

уч ой муддатда касб-хунар мактаблари, коллежлар ва техникумларнинг намунавий уставларини тасдиқлашни;

2020 йил 1 январгача ҳудудларда инвестицион лойиҳалар асосида яратилаётган иш ўринлари, кадрларга бўлган реал эҳтиёжлардан келиб чиқиб, таълим муассасаларининг ихтисослашувини инобатга олиб, мавжуд жиҳозларни қайта тақсимлашни;

2020 йил 1 апрелгача идоравий бўйсунувидан қатъи назар профессионал таълим муассасаларининг ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълим усталарини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг янги тизимини жорий этишни назарда тутувчи ҳукумат қарори лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) 2020 йил 1 июнгача бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизими учун таълим дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси оммавий ахборот воситаларида ушбу Фармоннинг мақсад ҳамда вазифаларини кенг ёритиш бўйича чиқишлар ва мавзуга оид кўрсатувларни ташкил этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон

Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдухакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 6 сентябрь,  
ПФ-5812-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**

**673 Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳисоб-китоблар тизимига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда ушбу соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Хусусий секторни қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилинган комплекс чора-тадбирлар натижасида тадбиркорлик субъектлари сонини янада кўпайтириш ҳамда улар томонидан истеъмолчиларга кўрсатилаётган хизматлар турларини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Мамлакат иқтисодиётини узоқ муддатли ривожлантириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётган шароитда ахборот технологиялари воситасида истеъмолчилар, тадбиркорлик субъектлари ва давлат солиқ хизмати органларининг уйғунлашган фаолияти алоҳида аҳамият касб этади.

Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасини янада эркинлаштириш, унинг ҳажмини кескин ошириш, ҳисоб-китоблар тизимига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий қилиш ҳамда ушбу соҳада жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Марказий банки, Савдо-саноат палатасининг савдо (хизмат кўрсатиш) шохобчаларида аҳоли билан нақд пулда ва (ёки) банк пластик карталари орқали амалга оширилган ҳисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотларни давлат солиқ хизмати органларига онлайн режимида узатиб бориш функциясига эга бўлган маълумотлар алмашинуви платформаси — виртуал кассаларни (кейинги ўринларда — виртуал касса) онлайн назорат касса маши-

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 7 сентябрда эълон қилинган.

налари (кейинги ўринларда — онлайн-НКМ) қаторида жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги «Янги технологиялар» илмий-ахборот маркази» Давлат унитар корхонаси онлайн режимида қабул қилинган фискал маълумотларни мустақил ва доимий равишда қабул қилиш, қайта ишлаш, криптографик ҳимоя қилиш ва сақлаш ишларини бажарувчи фискал маълумотлар оператори (кейинги ўринларда — оператор) этиб белгилансин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) тадбиркорлик субъектлари онлайн-НКМ ёки виртуал кассадан фойдаланишга ўтган тақдирда:

уларга нисбатан амалдаги фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарини ишлатиш, кассир-операциячи томонидан назорат-касса дафтари юритиш ҳамда иш куни охирида ҳар бир назорат-касса машинаси бўйича кунлик ҳисоботни чиқариб олиш мажбуриятлари бекор қилинади;

кунлик ўртача нақд пул тушуми миқдоридан қатъи назар нақд пулни банк кассаларига инкассация хизматлари орқали ўзлари белгиланган даврларда ёки мустақил равишда топшириш ҳуқуқига эга;

уларга ҳисобланган ва тўланиши лозим бўлган фойда солиғи ёки ягона солиқ тўлови ёхуд қатъий белгиланган солиқ суммасини онлайн-НКМни 2021 йил 1 январга қадар давлат солиқ хизмати органларида рўйхатга қўйиш шарти билан, унинг ҳар бирини харид қилиш, ўрнатиш ва ишга тушириш билан боғлиқ харажатлар суммасига, лекин базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваридан ошмаган миқдорда камайтириш ҳуқуқи берилади;

виртуал касса дастурий маҳсулотининг асос қисми (базаси) уларга Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан бепул берилади;

б) жисмоний шахсларнинг банк пластик карталари ёки чегирма (дисконт) карталарига оммавий оферта шартлари асосида ўтказилган бонуслар (пул, балл ва бошқа бирликлар) шаклидаги маблағлар (cashback) жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи базаси сифатида қаралмайди;

в) жисмоний шахсларнинг уй ҳўжалиги шароитида, шу жумладан деҳқон ҳўжалигида етиштирилган чорвачилик, асаларичилик ва деҳқончилик маҳсулотларини табиий ва қайта ишланган ҳолда, саноатда қайта ишлашдан ташқари, сотишдан, шунингдек, ҳайвонларни тирик ёки уларни сўйиб сотишдан оладиган даромадлари жисмоний шахслардан олинган даромад солиғидан озод қилинишида, реализация қилинган маҳсулот жисмоний шахс ёки унинг оила аъзоларига ажратилган томорқа ер участкасида етиштирилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни талаб қилиш тартиби бекор қилинади.

4. Нақд пул тушумига эга бўлган тадбиркорлик субъектларининг онлайн назорат касса машиналари ёки виртуал кассадан фойдаланишга босқичма-босқич ўтказиш графиги иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2020 йил 1 январдан бошлаб ҳар йили олис, етиб бориш қийин бўлган аҳоли пунктлари рўйхатини тасдиқлайди ва ушбу ҳудудларда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига мазкур Фармон билан тасдиқланган график татбиқ этилмайди.

5. Белгилансинки, онлайн-НКМ ёки виртуал кассадан фойдаланишга ўтган тадбиркорлик субъектлари томонидан:

тақдим қилинган харид чекида (кейинги ўринларда — чек) товарлар (ишлар, хизматлар) номи, миқдори, қиймати (нархи), суммаси, қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлганда қўшилган қиймат солиғи ставкаси ва суммаси, шунингдек QR-код ва фискал белги мажбурий тартибда акс этирилади. Ушбу маълумотлар акс этирилмаган чеклар ҳақиқий ҳисобланмайди;

маълумотларни операторга реал вақт режимида етказиб беришнинг техник имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда чеклар оффлайн режимида берилиши мумкин. Бунда маълумотлар операторга 24 соат мобайнида узатилиши шарт;

тўлов терминали орқали қабул қилинган тўловлар учун харидорларга тўлов терминали чеки билан бирга онлайн-НКМ ёки виртуал касса чеки ҳам берилиши шарт.

Ушбу Фармон билан тасдиқланган графикда кўрсатилган муддатлар тугагандан кейин онлайн-НКМ ёки виртуал кассадан фойдаланмасдан товарларни реализация қилиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш, онлайн-НКМ ёки виртуал касса орқали чек тақдим этмаслик ёки фискал белгига эга бўлмаган чекларни тақдим қилиш — фискал хотирали назорат-касса машиналарини ёки ҳисоб-китоб терминалларини ишлатиш мажбурий бўлгани ҳолда уларни ишлатмасдан савдони амалга оширганлик ва хизматлар кўрсатганлик деб баҳоланади ҳамда қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлигининг 2019 йил 1 октябрдан Тошкент шаҳридаги онлайн-НКМ ёки виртуал кассадан фойдаланишга ўтган тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим қилинган чеклардаги QR-код ёки фискал белгилар асосида ютуқли ўйинларни ташкил қилиш бўйича тажриба ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2019 йил 1 ноябрга қадар ютуқли ўйинлар ташкил этиш учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бир миллиард сўм миқдорида маблағ ажратсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Молия вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 июлга қадар тажриба натижаларига кўра уни Республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам жорий этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига асослантилган таклиф киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Капитал бозори-

ни ривожлантириш агентлиги билан биргаликда 2019 йил 1 октябрга қадар чекларни рўйхатдан ўтказган жисмоний шахслар орасида ютуқли ўйинларни ўтказиш бўйича тартиб ишлаб чиқсин ва ўрнатилган тартибда тасдиқласин.

9. «Ўзэлтехсаноат» уюшмасига Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда:

уюшма таркибига кирувчи корхоналар негизида онлайн-НКМ, маълумотларни онлайн режимда давлат солиқ хизмати органларига узатиш функциясига эга бўлган махсус қурилмалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

онлайн-НКМ ва виртуал кассанинг узлуксиз ишлашини таъминлаш учун барча ҳудудларда техник хизмат кўрсатиш марказларини ташкил этиш тавсия этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси 2019 йил 1 октябрга қадар муддатда:

тадбиркорлик субъектлари томонидан сотилган маҳсулотлар (ишлар ва хизматлар) бўйича маълумотларни давлат солиқ хизмати органларига онлайн режимда узатишни таъминловчи виртуал касса ҳамда фискал модул учун махсус дастурий таъминотни ишлаб чиқсин ва жорий қилсин;

харидорлар томонидан чеклардаги QR-код ёки фискал белгиларни мобиль илова ёки Давлат солиқ қўмитасининг расмий сайти орқали рўйхатга олиш тизимини жорий қилсин;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланилиши рухсат этилган онлайн-НКМ, виртуал касса ва фискал модулга қўйиладиган техник талабларни, уларнинг ягона реестрини ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш марказларининг Давлат реестрини юритишни, шунингдек, давлат солиқ хизмати органларида рўйхатга қўйиш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Молия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда онлайн-НКМ ёки виртуал касса орқали чек тақдим этмаслик ёки QR-кодга (ёхуд фискал белгиларга) эга бўлмаган чекларни тақдим қилиш ҳаракатлари юзасидан «масофадан текширув» тизимини ҳамда жавобгарликка тортиш тартибини ишлаб чиқсин ва ўрнатилган тартибда тасдиқласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.А. Мусаев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига — ушбу Фармон билан тасдиқланган графикка асосан республикадаги нақд пул тушумига эга бўлган тадбиркорлик субъектларини онлайн-НКМ ёки виртуал кассадан фойдаланишга босқичма-босқич ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.А. Мусаев, молия вазирининг биринчи ўринбосари Т.А. Ишметов, Тошкент шаҳар ҳокими Ж.А. Ортиқхўжаев зиммасига — Тошкент шаҳридаги онлайн-НКМ ёки виртуал кассадан фойдаланишга ўтган тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим қилинган чеклардаги QR-код ёки фискал белгилар асосида ютуқли ўйинларни ташкил қилиш бўйича жавобгарлик юклансин.

13. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий теле-

радиокомпаниясига мазкур Фармоннинг мақсад ва вазифалари, мазмун-моҳияти ва унинг амалга ошириш жараёнларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш тавсия этилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 августдаги «Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–1504-сон Фармони 3-бандининг бешинчи хатбошиси қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«нақд пул тушумига эга бўлган барча хўжалик юритувчи субъектлар нақд пул тушумини банкларга топширадилар. Бунда, базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 бараваридан ортиқ миқдорда кунлик ўртача нақд пул тушумига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар нақд пул тушумини банк кассаларига ҳар кун иккаса хизмати орқали ёки мустақил равишда топширадилар. Кўрсатилган ҳажмдан кам бўлган кунлик ўртача нақд пул тушумига эга бўлган ёки онлайн назорат-касса машиналаридан (ёхуд виртуал кассадан) фойдаланишга ўтган хўжалик юритувчи субъектлар нақд пул тушумини банк кассаларига иккаса хизматлари орқали ўзлари белгилайдиган даврларда ёки мустақил равишда топшириш ҳуқуқига эга».

15. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг янги тахрирдаги лойиҳасида ушбу Фармонда кўрсатиб ўтилган нормаларни назарда тутсин.

17. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А. Гулямов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 6 сентябрь,  
ПФ–5813-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги  
ПФ–5813-сон Фармониغا  
ИЛОВА

**Нақд пул тушумига эга бўлган тадбиркорлик  
субъектларини онлайн назорат касса машиналари ёки  
виртуал кассадан фойдаланишга босқичма-босқич ўтказиш  
ГРАФИГИ**

Т/р	Тадбиркорлик субъектлари тоифаси	Муддати
1.	Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари, дори-дармон, автомобилларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ ёқилғиси савдоси билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари	2020 йил 1 январь
2.	Ўтган йил якунлари бўйича йиллик обороти (тушуми) беш миллиард сўмдан ошган тадбиркорлик субъектлари	2020 йил 1 август
3.	Ўтган йил якунлари бўйича йиллик обороти (тушуми) юз миллион сўмдан ошган ёки йил давомида ушбу чегаравий миқдорга етган тадбиркорлик субъектлари	2021 йил 1 январь
4.	Барча тадбиркорлик субъектлари	2022 йил 1 январь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ

**674 Ўзбекистон Республикасида санитария-эпидемиология хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Мамлакатимизда сўнгги йилларда санитария-эпидемиологик осойишталикни сақлаш, яшаш муҳити хавфсизлигини ва инсон соғлигини муҳофаза қилишни таъминлаш, санитария-эпидемиология назорати хизмати тизимини такомиллаштириш, ушбу соҳада малакали кадрларни тайёрлашга йўналтирилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, битта давлат органи доирасида бир вақтнинг ўзида давлат санитария-эпидемиологик осойишталикни таъминлаш функцияларининг ушбу соҳада рухсат бериш ва назорат функциялари билан бирга амалга оширилиши Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиология хизмати фаолияти самарадорлигини таъминлашга тўсқинлик қилувчи тизимли муаммолар юзага келишига олиб келди.

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 9 сентябрда эълон қилинган.



Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиология хизмати фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштиришнинг самарали механизмларини жорий этиш, унинг институционал салоҳиятини ошириш, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этилиши соҳасида таъсирчан мониторинг ва назоратни йўлга қўйиш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясида белгиланган вазифаларга мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг:

а) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитария-эпидемиология назорати хизмати ташкилотлари ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари (кейинги ўринларда — санитария-эпидемиология назорати хизмати) негизида:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлинмаларини (кейинги ўринларда — Давлат инспекцияси);

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлигини (кейинги ўринларда — Агентлик) ташкил этиш;

б) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Санитария-эпидемиология назорати бош бошқармасини тугатиш ва унинг штат бирликларини Агентликка ўтказиш;

в) қайта ташкил этилаётган Республика давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг лаборатория хизмати негизида, молиялаштиришнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинган ҳолда, Агентлик ҳузуридаги Лаборатория комплексини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қўйидагилар:

а) Давлат инспекциясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

санитария-эпидемиология назорати соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятини самарали мувофиқлаштириш ва улар билан ҳамкорлик қилишни таъминлаш;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига (СанҚваН) риоя қилиниши бўйича белгиланган тартибда текширишлар ўтказиш ва санитария-эпидемиологик осойишталик соҳасида қонун бузилишлар бўйича маъмурий жавобгарлик чораларини белгиланган тартибда қўллаш;

озик-овқат хом ашёси ва истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва сотиш фаолияти билан шуғулланувчи объектлар фаолияти, шунингдек, зарур халқаро амалиётларни қўллаш тажрибасига асосланган стандартлар талабларига риоя қилиш устидан назорат қилиш методологиясини ишлаб чиқиш ва жорий этишда иштирок этиш;

хавф-хатарларни барвақт аниқлашни таъминлаш, баҳолаш ва бартараф этиш мақсадида келиб чиқиши озиқ-овқат билан боғлиқ касалликлар усти-

дан миллий мониторинг олиб бориш ва назорат қилиш тизимини жорий этиш;

тармоқнинг тегишли кадрларга бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг илғор усулларини тизимли асосда жорий этиш;

б) Агентликнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб бориш, давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг фаолиятини самарали мувофиқлаштириш ва улар билан ҳамкорлик қилишни таъминлаш;

санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларини (СанҚвН) халқаро стандартлар ва нормаларга мувофиқ уйғунлаштириш ва долзарблигига қараб такомиллаштиришни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

юқумли бўлмаган, юқумли, паразитар касалликлар юзага келиши ва тарқалишининг олдини олишга қаратилган эпидемияга қарши ва санитария-гигиеник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

юқумли ва паразитар касалликлар юзага келиши ва тарқалишининг олдини олишга қаратилган профилактик дезинфекция, дезинсекция, дератизация тадбирлари ўтказилишини ташкил қилиш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

жамоат саломатлигини таъминлаш соҳасида потенциал хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва бошқариш жараёнида хавф-хатарларни таҳлил қилиш ва илмий асосланган ёндашувлар асосида озик-овқат хавфсизлиги соҳасидаги сиёсатни амалга оширишга кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудда ўлатнинг табиий ўчоқлари эпизоотологик мониторингини олиб боришни, ўлат ва ўта хавфли инфекциялар бўйича эпидемиологик назорат ҳамда профилактик ва эпидемияга қарши комплекс тадбирлар амалга оширилишини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

санитария, гигиена, эпидемиология, паразитология, микробиология, вирусологиянинг долзарб масалалари бўйича истиқболли йўналишларни белгилаш ҳамда фундаментал ва амалий илмий тадқиқотлар олиб борилишини мувофиқлаштириш;

барча ижтимоий гуруҳларни қамраб олган ҳолда фуқароларни санитария-гигиеник ўқитиш ва тарбиялашни ташкил этишга қаратилган амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали аҳолининг санитария маданияти даражасини ошириш;

тармоқнинг жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда кадрларни ўқитиш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг илғор усулларини тизимли асосда жорий этиш.

3. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-

эпидемиология назорати давлат инспекциясининг ташкилий тузилмаси 1-иловага\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекциясининг бошқарув ходимлари чекланган сони 28 нафардан иборат марказий аппарати тузилмаси 2-иловага\* мувофиқ;

Давлат инспекциясининг ҳудудий бошқармалари ходимларининг чекланган сони 4 179 нафардан иборат этиб;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати бошқармаларининг намунавий тузилмаси 3-иловага\* мувофиқ;

давлат санитария-эпидемиология назорати бошқармаси туман (шаҳар) филиалининг намунавий тузилмаси 4-иловага\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлигининг ташкилий тузилмаси 5-иловага\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлигининг бошқарув ходимлари чекланган сони 45 нафардан иборат бўлган марказий аппарати тузилмаси 6-иловага\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси давлат санитария-эпидемиология хизматининг қўшиб олиш, қўшиб юбориш, ўзгартириш ва тугатиш йўли билан фаолияти оптималлаштирилаётган ташкилотлари (лабораториялари ва бўлинмалари) рўйхати 7-иловага\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4055-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар рўйхати 8-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйидагиларга:

Давлат инспекцияси бошлиғига зарур ҳолларда Давлат инспекцияси марказий аппарати ва унинг ҳудудий бошқармалари тузилмасига уларнинг бошқарув ходимлари чекланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш;

Агентлик директориغا зарур ҳолларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири билан келишилган ҳолда Агентликнинг марказий аппарати тузилмасига бошқарув ходимлари чекланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

а) Давлат инспекцияси бошлиғи бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария инспектори ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

---

\* 1 — 8-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Давлат инспекцияси бошлигининг ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Давлат инспекцияси бошлиғи ва ўринбосари мақоми, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шароитлари бўйича тегишинча вазир ва вазир ўринбосарига тенглаштирилади;

б) Агентлик директори бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачлари ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Агентлик директорининг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Агентлик директори мақоми, маиший, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шароитлари бўйича Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосарига тенглаштирилади;

в) Давлат инспекцияси ва Агентлик ходимларига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тегишли лавозимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари татбиқ этилади;

г) Давлат инспекцияси ва Агентлик, шунингдек, уларнинг ҳудудий бўлинмалари ва идоравий мансуб ташкилотлари таъминоти билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

5. Давлат инспекцияси ва Агентлик ҳузурида юридик шахс ташкил этмасдан бюджетдан ташқари моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармалари (кейинги ўринларда — тегишинча Давлат инспекцияси жамғармаси ва Агентлик жамғармаси) ташкил этилсин.

Белгилансинки, тугатилаётган давлат санитария-эпидемиология назорати марказларининг бюджетдан ташқари ҳисоб рақамларидаги барча маблағлар Агентлик жамғармасига тўлиқ ўтказилади.

6. Қуйидагилар маблағларни шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

а) Давлат инспекцияси жамғармаси:

санитария-эпидемиология қонунчилигини бузганлик учун қўлланилган жарималар суммасидан ва жарималарни тўлаш кечиктирилганлиги учун ҳисобланган пенялардан тушган маблағларнинг 50 фоизи;

жамғарма маблағларини тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан олинган даромадлар;

халқаро молия институтлари ва ташкилотларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг белгиланган тартибда жалб этиладиган грант ва ҳомийлик маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

б) Агентлик жамғармаси:

идоравий мансуб ташкилотлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга ихтисослашган пуллик хизматлар кўрсатишдан тушган тушумларнинг уларни амалга оширишга кетган жами харажатлар қоплангандан кейин қолган суммасининг 15 фоизи;

жамғарма маблағларини тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан олинган даромадлар;

халқаро молия институтлари ва ташкилотларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг белгиланган тартибда жалб этиладиган грант ва ҳомийлик маблағлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. Белгилансинки:

а) Давлат инспекцияси жамғармаси маблағларидан қўйидаги мақсадларда фойдаланилади:

Давлат инспекциясининг фармойиш бериш ва бошқариш функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ, шу жумладан текширишларнинг электрон маълумотлар базаларини шакллантириш ва юритиш харажатларини қоплаш;

Давлат инспекцияси ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий таъминлаш, шунингдек, уларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш;

Давлат инспекцияси олдига қўйилган вазифаларни амалга ошириш доирасида хорижий ва маҳаллий мутахассисларни жалб этиш бўйича харажатлар;

б) Агентлик жамғармаси маблағларидан қўйидаги мақсадларда фойдаланилади:

Агентликнинг фармойиш бериш ва бошқариш функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ, шу жумладан санитария-эпидемиологик осойишталикнинг электрон маълумотлар базаларини шакллантириш ва юритиш харажатларини қоплаш;

Агентлик ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий таъминлаш, шунингдек, уларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш;

Агентлик олдига қўйилган вазифаларни амалга ошириш доирасида хорижий ва маҳаллий мутахассисларни жалб этиш бўйича харажатлар.

Белгилансинки, Давлат инспекцияси бепул асосида ўз ташкилотларини Агентлик биноларининг бўш майдонларида жойлаштириш ва унинг лабораториялари хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Давлат инспекцияси ва Агентлик фаолиятини ташкил этиш, шунингдек, 2019 — 2026 йилларда санитария-эпидемиологик осойишталик хизматини янада такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни тасдиқлаш бўйича Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

а) 2019 йил 1 ноябрга қадар ушбу Фармон қоидаларини ҳисобга ол-

ган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) 2019 йил 1 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан келишган ҳолда, Агентлик ташкилотлари ходимларининг штат бирликлари нормативларини қўйидагиларни ҳисобга олиб, тасдиқласин:

замонавий лаборатория ускуналарини жорий этиш, штат жадвали ва лавозим мажбуриятларини ўрганиш, хизмат юкламасини таҳлил қилиш, хронометраж текширувига асосланган ҳолда ишлар ҳажмини ходимлар ўртасида тўғри тақсимлаш;

2020 йил 1 апрелга қадар санитария-эпидемиология назорати хизматлари ходимлари сонини 7 минг штат бирлигига босқичма-босқич мақбул-лаштириш ва штат бирликларининг бир қисмини Давлат инспекциясига бериш;

в) уч ой муддатда Агентлик ва Давлат инспекцияси фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этсин;

г) икки ой муддатда:

конун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ушбу Фармонга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 9 сентябрь,  
ПФ-5814-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**675 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлигини ташкил этиш тўғрисида\***

Ўтган давр мобайнида узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматларидан фойдаланиш имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий талабларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, иқтидорли ёшлар билан ишлашнинг ягона ва самарали тизимини яратиш, ёш авлоднинг истеъдоди ва салоҳиятини рўёбга чиқариш учун бундай ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, илғор хорижий тажрибалар талаблари асосида дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмаларни, шу жумладан электрон шаклда нашр этиш, шунингдек, халқаро майдонда мамлакатимиз манфаатларини профессионал ва юқори даражада муносиб ифода эта оладиган, талаб юқори бўлган мутахассисларни тайёрлашни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш зарур бўлмоқда.

Иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш, ўқитиш ва тарбиялаш, ёш истеъодларни янада қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмаларни тайёрлаш ва нашр этишдаги муаммоларни бартараф қилиш ишларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, шунингдек, умумтаълим муассасалари фаолиятини бошқариш ва ташкил этишнинг махсус тизимини яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар Агентликнинг идоравий бўйсунувига ўтказилсин:

Президент мактаблари;

тасдиқланган штат жадвалини ва уларни молиялаштиришнинг амалдаги тартибини сақлаб қолган ҳолда Халқ таълими вазирлигининг ҳудудий органлари ҳузуридаги Абдулла Орипов, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Муҳаммад Юсуф, Ибройим Юсупов, Эркин Воҳидов, Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий, Ҳалима Худойбердиева ва Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаблари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Исҳоқхон Ибрат номидаги ижод мактаби (кейинги ўринларда — ижод мактаблари);

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Мирзо Улуф-

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 10 сентябрда эълон қилинган.

бек номидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати ва Абу Али Ибн Сино номидаги ёш биологлар ва кимёгарлар ихтисослаштирилган мактаб-интернати (кейинги ўринларда — ихтисослаштирилган мактаблар).

3. Қўйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларда ёшларни аниқлаш, танлаш, ўқитиш ва тарбиялаш соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни самарали амалга ошириш;

давлат таълим стандартларига мувофиқ Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар фаолиятини ягона шаклда мувофиқлаштириш ва услубий раҳбарликни амалга ошириш;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларнинг ўқув-тарбиявий жараёнига илғор таълим шакллари, педагогик технологиялар ва ахборот янгиликларини жорий этиш;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар ўқувчиларида ватанпарварлик ва Ватанга муҳаббат, бағрикенглик туйғуларини, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга нисбатан ҳурматни шакллантириш, уларнинг маънавий, ахлоқий, интеллектуал ва жисмоний ривожланиши даражасини янада ошириш;

халқаро ташкилотлар ва экспертларни жалб қилган ҳолда Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар педагогик кадрларини танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг илғор ва шаффоф ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш ва уйғунлаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ушбу муассасалардаги бино ва иншоотлардан фойдаланиш бўйича ишларни мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Агентлик республика давлат бошқаруви органи ҳисобланади;

Агентликнинг ўз ваколати доирасида қабул қилган қарорлари барча давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар Агентлик фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар учун ўрнатиладиган давлат таълим стандартлари Агентлик томонидан тасдиқланади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги қошидаги «O‘qituvchi» илмий-услубий нашриёт маркази (кейинги ўринларда — Марказ) Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар учун дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмаларни тайёрлаш ва нашр этиш билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштиради;

Марказ Агентлик буюртмаси асосида давлат харидлари тўғрисидаги



қонун ҳужжатларига мувофиқ дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмаларнинг, шу жумладан электрон кўринишда тайёрланиши ва нашр этилишини таъминлайди ва улар кейинчалик Агентлик томонидан тасдиқланади.

5. Агентлик иш самарадорлигининг қуйидаги энг муҳим кўрсаткичлари белгилансин:

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларнинг ўқувчиларида, шу жумладан ватанпарварлик, Ватанга беқиёс муҳаббат ва содиқлик туйғуларини, миллий ва умуминсоний қадриятларга нисбатан чуқур ҳурматни шакллантиришга йўналтирилган таълим-тарбия жараёни сифатини ошириш;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар битирувчиларининг давлат ва чет тилларини мукамал билиши;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларга малакали ва тажрибали, чуқур билимларга эга, давлат ва чет тилларини, замонавий педагогик технологиялар ва ўқитишнинг инновацион услубларини биладиган педагогларни жалб қилиш;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар битирувчиларининг олий таълим муассасаларида таълим олишни давом эттиришлари учун, шу жумладан ихтисослаштирилган олий таълим тизимининг фаолият юритиши орқали керакли шароитларни яратиш;

Президент мактаблари битирувчиларининг камида 20 фоизи халқаро тан олинган ташкилотлар рейтингда олий таълим муассасалари орасида дастлабки 1 000 та поғонани эгаллаган етакчи хорижий олий таълим муассасаларига ўқишга кириши;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар битирувчиларига давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, республика аҳамиятига эга бошқа ташкилотлар, дипломатик ваколатхоналар, йирик компания ва бирлашмаларга ишга жойлашишда кўмаклашиш;

ўқитишнинг инновацион шакл ва услубларини жорий қилган ҳолда талаб юқори бўлган таълим йўналишлари бўйича ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар сонини кўпайтириш;

барча Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларда миллий ва жаҳон адабиёти, мусиқа, кино, ҳайкалтарошлик, амалий санъат ва бошқа ижодий йўналишлардаги асарларга эга бўлган замонавий кутубхоналарнинг ишлаши;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларда ўқув-услубий жараённи автоматлаштиришни таъминлаш ва уларни юқори тезликдаги Интернет тармоғига улаш;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар ўқув жараёнига таълимнинг илғор шакллари, педагогик технологиялар ва ахборот янгиликларини жорий этиш мақсадида хорижий таълим ташкилотлари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни замонавий спорт зал, инвентарь, ускуна ва бошқа жиҳозлар билан таъминлаш.

Агентлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу бандда назарда тутилган мақсадли кўрсаткичларни ўз вақтида бажариш ва уларга эришиш бўйича чоралар кўрсин.

6. Агентлик ҳузурида Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилсин ва уни шакллантириш манбалари этиб қўйидагилар белгилансин:

жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия ташкилотлари ва хорижий давлатларнинг грантлари ва техник кўмак кўрсатиш маблағлари;

Жамғарманинг вақтинча бўш турган маблағларини жойлаштиришдан олинган даромадлар;

конун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа тушумлар.

Бунда мазкур Фармоннинг 2-бандида назарда тутилган Агентлик бўйсунувига ўтказиладиган ташкилотларни таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағлар ажратилади.

Белгилансинки, Жамғарма маблағлари қўйидагиларга йўналтирилади:

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, шу жумладан зарур ҳолларда ўқув устахоналари ва лабораториялари, спорт заллари, майдончалар ва бошқа инфратузилма объектларини ташкил этган ҳолда ўқув корпусларини кенгайтириш ишларини молиялаштириш;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда ва тасдиқланган меъёрлардан келиб чиқиб, энг янги ўқув-лаборатория, илмий, ишлаб чиқариш ва спорт жиҳозлари, муסיқа асбоблари, компьютер техникаси, мебель ва асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш) ишларини молиялаштириш;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларда ўқув-услугий раҳбарликни таъминлаш, таълим жараёнини юритиш бўйича хизмат кўрсатувчи ихтисослашган хорижий ташкилотлар хизматига ҳақ тўлаш;

Агентликка юқори малакали мутахассисларни, шу жумладан хорижий экспертларни ва чет элда истиқомат қилаётган ватандошларимизни фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида ишлаш учун жалб қилиш;

Агентлик фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бошқа чора-тадбирлар.

7. Белгилансинки, Агентлик Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар фаолиятини молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларнинг тасарруф этувчиси ҳисобланади.

8. Агентлик, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб қўйидагиларни назарда тутувчи тартибни ўрнатиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

ижод мактабларида ҳар бир синфдаги ўқувчилар сони 20 нафарни ташкил қилади, 7-синфларга қабул қилиш эса ижодий танловлар, тест ва бошқа синовлар асосида амалга оширилади;

ижод мактабларида ўқувчилар сонидан қатъи назар 1 штат бирлигида кутубхоначи лавозими киритилади;

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари мунтазам равишда ижод мактабларида ўқувчиларнинг ижодий истеъдодини ривожлантиришга қаратилган машғулотлар олиб боради;

ижод мактабларида ўқитувчилик фаолияти билан шуғулланаётган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари меҳнатига ҳақ тўлаш умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари меҳнатига соатбай ҳақ тўлашга мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига бир ой муддатда ижод мактабларини миллий ва жаҳон адабиёти, мусиқа, кино, ҳайкалтарошлик, амалий санъат ва бошқа ижодий йўналишлардаги 100 та энг яхши асарлар (бестселлерлар) билан таъминлаш тавсия этилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 январга қадар ижод мактабларининг кутубхоналарини Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ахборот-ресурс базасига уланишини таъминласин.

10. Тошкент вилояти ҳокимлиги ва «Чорвоқ» эркин туристик зонаси дирекцияси» ДУК Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар ўқувчилари учун ёзги спорт-соғломлаштириш оромгоҳи, шунингдек, Агентлик ва Марказ ходимлари учун дам олиш зонаси қурилиши учун қулай табиий шароитларга эга ер участкасини ажратиш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Агентлик фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритсин.

Халқ таълими вазирлиги икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳақимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 9 сентябрь,  
ПФ-5815-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**676 Ўзбекистон Республикасида нотариат тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Сўнгги йилларда мамлакатимизда нотариат институтининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш ҳамда нотариал идоралар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга ҳуқуқий хизмат кўрсатиш сифати даражасини ошириш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, нотариал хизматлар кўрсатишнинг тезкорлигини ошириш, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда, жумладан хусусий мулк эгалари ўз мулкни эркин тасарруф этиши ва ундан фойдаланишида ортиқча бюрократик тўсиқ ва ғовларни олиб ташлаш ҳамда соҳани рақамлаштириш бўйича қатор мақсадли вазифаларни амалга ошириш замон талабларидан бири бўлиб қолмоқда.

Нотариат институтини рақамлаштирилган моделга ўтказиш, нотариал ҳаракатларни амалга ошириш жараёнларини тубдан содаллаштириш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан нотариат соҳасини тартибга солиш мақсадида «Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизими яратилганлиги ва унда қўйидаги имкониятлар мавжудлиги маълумот учун қабул қилинсин:

барча нотариал ҳаракатларни ахборот тизим орқали онлайн тарзда мониторинг қилиш, ноқонуний хатти-ҳаракатларни тўхтатиш ҳамда фуқароларнинг шахсини аниқлашда замонавий текшириш усулларидан фойдаланиш;

нотариал ҳаракатларни ахборот тизимда мажбурий қайд этиш ва ҳар бир ҳужжатга такрорланмайдиган махсус рақам бериш, шу орқали суистеъмолчиликларнинг олдини олиш;

бажарилган нотариал ҳаракатларни ягона электрон базада қайд қилиш, сохта нотариал ҳужжатларнинг расмийлаштирилишига йўл қўймаслик ва ҳужжатлар ҳақидаги маълумотлар тарихини сақлаш;

мамлакатнинг бутун ҳудуди бўйлаб экстерриториаллик тамойили асосида нотариал хизматларни кўрсатишнинг сифати ва тезкорлиги, ходимлар томонидан ўз функционал вазифаларининг лозим даражада бажарилиши устидан масофадан туриб назорат қилиш;

нотариал ҳаракатлар учун тўловларни автоматик тарзда ҳисоблаш ва электрон тўловларни ўтказиш, уларни тасдиқловчи хабарлар юбориш ҳамда идоралараро электрон ахборот алмашиш.

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 10 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги нотариал фаолият тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, уларни умумлаштириш жараёнларини комплекс автоматлаштириш ҳамда нотариал ҳаракатларни амалга оширишда тегишли давлат органлари билан ахборот ҳамкорлигининг барча турларини таъминлаш мақсадида «Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизимини техник таъминлаш ва юритишга масъул орган этиб белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2020 йил 1 январдан давлат нотариал идораларини босқичма-босқич нодавлат нотариал идоралар этиб қайта ташкил қилиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки:

давлат нотариал идораларини нодавлат нотариал идоралар этиб қайта ташкил қилиш адлия органларида нодавлат нотариал идораларни рўйхатдан ўтказиш, шунингдек, фаолият юритаётган нотариусларга уларнинг аризаларига асосан нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия бериш орқали амалга оширилади;

тегишли нотариал округда қонун ҳужжатларига мувофиқ етарли миқдордаги нодавлат нотариал идоралар ташкил этилгунига қадар давлат нотариал идоралари ўз фаолиятини давом эттиради;

нотариус ўз касбий мажбуриятларини бузиши оқибатида етказиладиган зарардан жисмоний ва юридик шахсларни ҳимоя қилиш мақсадида нодавлат нотариал идоралар нотариусларининг фуқаролик жавобгарлиги суғурталанади;

нодавлат нотариал идораларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи учун лицензия бериш адлия органлари томонидан амалга оширилади.

3. Қўйидагилар нодавлат нотариал идоралар фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик учун ундириладиган давлат божи суммасининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда нодавлат нотариал идораларда қоладиган қисми;

ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатларни амалга оширганлик, шунингдек, нотариатнинг фаол модели доирасида хизматларни кўрсатганлик учун олинадиган тўловлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг барча нотариал идоралар нотариусларининг аъзолигига асосланган Ўзбекистон Нотариал палатасини ташкил этиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

Қўйидагилар Ўзбекистон Нотариал палатасининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

нотариал идоралар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш ҳамда қонун ҳужжатларининг бир хилда қўлланилишини таъминлашга доир таклифлар ишлаб чиқиш;

низоларнинг олдини олувчи институт сифатида нотариат ролини мустаҳкамлаш, нотариуслик касби нуфузини ошириш, шунингдек, нотариусларнинг касбий тайёргарлиги ва малакаси оширилишини ҳамда уларнинг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурталанишини ташкил этиш;

ягона нотариал амалиётни таъминлаш чораларини кўриш, нотариал идоралар фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотларни тўплаш ва ўрганиш, ижобий иш тажрибасини оммалаштириш ҳамда нотариусларга услубий ёрдам кўрсатиш;

аҳолининг ҳуқуқий билимлари ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган ҳуқуқий тарғибот тадбирларини амалга ошириш;

давлат органлари, бошқа ташкилотлар билан муносабатларда, судда ва бошқа ҳолларда нотариусларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш;

нотариуслар томонидан қонун ҳужжатларига, касб этикаси қоидалари ва касб мажбуриятларига риоя этилиши устидан мониторингни амалга ошириш ҳамда уларнинг касбига лойиқлиги масаласини кўриб чиқиш ҳақида Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги малака комиссияларига таклиф киритиш.

5. Белгилансинки, Ўзбекистон Нотариал палатаси:

нотариал идоралар нотариусларини бирлаштирувчи республика нодавлат нотижорат ташкилоти ҳисобланади;

нотариусларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган фаолиятига аралашмаслик принципи асосида иш юритади;

нотариусларнинг кириш ва аъзолик бадаллари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Нотариал палатаси билан биргаликда:

нодавлат нотариал идоралар нотариуслари томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан тизимли ва қатъий назорат ўрнатсин;

уч ой муддатда мазкур Фармон талабларидан келиб чиқиб ҳамда нодавлат нотариал идоралар фаолиятини ҳар томонлама тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. 2019 — 2021 йилларда Нотариат институтини янада такомиллаштириш бўйича «Йўл харитаси» иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

8. 2020 йил 1 январдан мол-мулк билан боғлиқ битимларни расмийлаштиришда қўйидаги талаблар бекор қилинсин:

қурилиши тугалланмаган уй-жойларни бошқа шахсга ўтказишда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг рухсатини олиш;

васийликдаги шахс номидан мол-мулкларни ижара (аренда)га беришда

---

\* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

васийлик ва ҳомийлик органларининг рухсатини олиш (бу ҳақда васийлик ва ҳомийлик органларини хабардор этиш шарт билан).

9. Қўйидаги битимларни мажбурий нотариал тасдиқлаш тартиби бекор қилинсин:

2019 йил 1 октябрдан — транспорт воситаси эгасининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полисида кўрсатилган транспорт воситаси эгасининг яқин қариндошлари (ота-она, эр (хотин), болалар, ака-укалар, опа-сингиллар) ўртасида транспорт воситасидан фойдаланиш ва бошқариш тўғрисидаги ишончномани;

2020 йил 1 январдан — юридик шахсларнинг, хусусан банк ва бошқа кредит ташкилотларининг қорхонани ижара ва текин фойдаланишга бериш ҳамда бирламчи бозордаги кўчмас мулк ва транспорт воситаларини олишда ипотека, гаров ва лизинг шартномаларини. Бунда, гаров (ипотека) шартномаларини расмийлаштирган банк ва бошқа кредит ташкилотлари мол-мулкка тақиқ қўйиш ва тақиқни ечишни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда «Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизими орқали мустақил амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Адлия вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 декабрга қадар банк ва бошқа кредит ташкилотларига мазкур бандда назарда тутилган гаров (ипотека) шартномалари доирасида тақиқ қўйиш ва тақиқни ечиш имкониятларини яратиш бўйича таклиф киритсин.

10. 2020 йил 1 январдан қўйидаги нотариал ҳаракатлар жорий этилсин:

фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда судгача бўлган жараёнда далилларни таъминлаш (гувоҳларнинг кўрсатувларини ёзиб олиш, ёзма ва ашёвий далилларни кўздан кечириш ва гувоҳлантириш, экспертиза тайинлаш, Интернет тармоғидаги фактларни тасдиқлаш);

фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда, шу жумладан мулкӣ ва мерос масалаларида медиатор вазибаларини бажариш;

яратилган муаллифлик ва турдош ҳуқуқ объектининг тақдим этилган вақтини тасдиқлаш.

11. 2020 йил 1 январдан шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

кўчмас мулклар бўйича битимларни нотариал тасдиқлашда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг ваколатларига кирадиган коммунал хизматлар бўйича қарздорликлар ҳақида маълумотларни фақат Мажбурий ижро бюроси ахборот тизими орқали онлайн режимда текшириш тартиби ўрнатилган ҳолда, тегишли коммунал ташкилотлардан бундай қарздорлик мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома олиш талаби бекор қилинади;

битимлар бўйича тарафларнинг тўлов мажбуриятларини бажариши ихтиёрий равишда нотариус депозити орқали амалга оширилади. Бунда кўчмас мулклар бўйича битимларни нотариал тасдиқлашда муайян қарздорликлар аниқланганда, уларни тегишли маблағни нотариус депозитига ўтқа-

зиш орқали тўлаш ёки уларнинг асослигини текшириш имконияти мавжуд бўлади;

битимларни нотариал тасдиқлашни тарафлар турли ҳудудларда жойлашган нотариал идорада масофадан туриб хизмат кўрсатиш орқали видеоконференцалоқа режимида амалга ошириш имконияти яратилади;

очиқ ахборот тизимида жойлаштирилган нотариал тасдиқланган аризалар, ижара шартномалари ва ишончномалар мулкни бегоналаштириш билан боғлиқ бўлмаган ҳаракатларни амалга оширишда ҳужжатнинг қоғоз шакли билан тенг ҳуқуқий кучга эга бўлади ва давлат органи ёки мансабдор шахс уларни тан олишдан бош тортиши тақиқланади;

республика ҳудудида нотариал тасдиқланган аризалар, ижара шартномалари ва ишончномалар асосида нотариал ҳаракатларни амалга оширишда ушбу аризалар, ижара шартномалари ва ишончномаларни тақдим этмасдан, уларни ноёб рақам орқали текширтириш имконияти яратилади;

нотариал ҳаракатни амалга ошириш истагини билдирган шахсга нотариал ҳаракат расмийлаштирилиши учун зарур бўлган ҳужжат нусхаларини нотариал идорага электрон тармоқ орқали олдиндан жўнатиш йўли билан электрон навбат олиш ва тегишли ҳужжатларни тайёрлаб қўйиш имконини берувчи хизмат жорий қилинади;

Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёрдамида электрон мурожаат юбориш орқали идоравий нотариал архивда мавжуд бўлган ҳужжатларнинг электрон имзо билан тасдиқланган нусхасини олиш имконини берувчи хизмат тақдим этилади.

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда:

а) 2020 йил 1 январгача, эксперимент тариқасида, соҳага замонавий инновацион ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларда камида 2 тадан ва Тошкент шаҳрида камида 5 та нотариал идораларда нотариал идорага келмасдан туриб:

мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ бўлмаган битимларни (ижара ва текин фойдаланишга бериш шартномаларини, бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ бўлмаган ишончномаларни), ижро хатларини, ҳужжатларнинг бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинганлигини шаҳодатлашни электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда расмийлаштиришни;

аризаларни (прописка қўйишга розилик, вояга етмаган фарзандни чет элга чиқишга розилик аризаларини ва мажбуриятномаларни) электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда ҳамда видеоконференцалоқа орқали расмийлаштиришни жорий этсин.

Бунда, масофадан туриб хизмат кўрсатиш орқали расмийлаштирилган ҳужжатнинг асл нусхасини буюртмачига курьер хизмати орқали етказиб бериш имконияти таъминланиши йўлга қўйилсин;

б) эксперимент натижалари асосида 2021 йил 1 январга қадар ушбу амалиётни барча нотариал идораларга татбиқ этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига асослантирилган таклифларни киритсин.



13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг аҳолига кўрсатилаётган давлат ва ҳуқуқий хизматлар сифатини доимий баҳолаб бориш, рейтингларни аниқлаш, шунингдек, «сирли миждоз» тадбирларини ўтказиш орқали давлат хизматлари марказлари, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари ҳамда нотариал идоралар ходимлари томонидан содир этиладиган суистеъмолчиликларни аниқлаш мақсадида профессионал консалтинг фирмаларини шартнома асосида жалб қилиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги идоравий нотариал архивларда сақланаётган кўчмас мулк ҳуқуқининг вужудга келишини назарда тутувчи битимларни рақамли кўринишга ўтказилиши ҳамда ягона электрон нотариал архив фонди шакллантирилишини 2024 йил 1 январга қадар яқунласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 9 сентябрь,  
ПФ-5816-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**677 Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг  
ҳуқуқий ва институционал тизимини тубдан такомил-  
лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-4126-сон қарорини самарали амалга ошириш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамасининг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида ягона давлат сиёсатини ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиришни амалга оширувчи ваколатли давлат органи ҳисобланувчи Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Агентлигини (кейинги ўринларда — Агентлик) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин, қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалий ижросини таъминлаш;

истеъмолчиларнинг товарлар (ишлар, хизматлар), уларнинг ишлаб чиқарувчиси, ижрочиси ва сотувчиси тўғрисидаги ҳаққоний ва тўлиқ маълумотларни, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда олиш имкониятларини таъминлаш;

аҳолининг истеъмолчилик билими ва саводхонлигини оширишга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

истеъмолчиларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ёрдам кўрсатиш;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш, шунингдек, товарлар (ишлар, хизматлар) хавфсизлиги ва уларнинг сифатини назорат қилиш соҳасида ҳамкорлик қилиш;

истеъмолчилар ҳуқуқи бузилиши сабабларини таҳлил қилиш, уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрлаш ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқи бузилиши ҳолатларининг олдини олиш;

тадбиркорлик ва истеъмолчилик маданиятини такомиллаштириш, реклама соҳасида ноҳалол рақобатга ва нотўғри рекламанинг юзага келишига йўл қўймаслик мақсадида реклама бозорини тартибга солиш;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тар-

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 12 сентябрда эълон қилинган.

тибга солиш соҳасида фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

истеъмол бозорини, давлат томонидан нарх-навоси тартибга солинадиган товарларга (ишларга, хизматларга) нархларнинг динамикаси ва нарх шаклланиши механизмларини ўрганиш;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш масалалари бўйича хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш.

## 2. Қўйидагилар:

Агентликнинг марказий аппарати бошқарув ходимларининг чекланган сони 38 нафардан иборат тузилмаси 1-иловага\* мувофиқ;

2019-2020 йилларда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг (кейинги ўринларда — Қўмита) ҳудудий бошқармаларига уларнинг ташкилий тузилмасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама фаолиятини тартибга солиш бошқармаларини ташкил этиш учун қўшимча 142 нафар штат бирлиги ажратилсин.

Белгилансинки, Агентлик ва Қўмита ҳудудий бошқармаларининг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама фаолиятини тартибга солиш бошқармалари штат бирликлари 2019 йилда тегишли вазирлик ва идоралар, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини мақбуллаштириш ҳисобидан жамланади.

## 4. Агентликка қўйидаги ҳуқуқлар берилсин:

а) чакана савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида товарлар ва хизматларнинг назорат харидини ўтказиш, уларни истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мослиги жиҳатидан экспертизадан (тестдан) ўтказилишини ташкил қилиш;

б) истеъмолчилардан ариза ва шикоятлар тушган ҳолларда истеъмолчилар ҳуқуқларига риоя қилинишини ўрганиш;

в) истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари мавжуд бўлганда, тадбиркорлик субъектларида (молиявий-хўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда) текширишлар ўтказиш;

г) истеъмолчиларга товарларни (ишларни, хизматларни) яроқлилик муддати, сақлаш ва хизмат кўрсатиш муддатини бузган ҳолда реализация қилиш ҳолати аниқланганда:

ўз ваколатлари доирасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан давлат органларига, мулкчилик шаклидан қатъи назар ташкилот, муассаса ва корхоналарга, шунингдек, яқка тартибдаги тадбиркорларга бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритиш;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши аломатлари аниқланганда материалларни

---

\* 1-2-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ваколатли органларга, шунингдек, тегишли фаолиятни амалга ошириш учун берилган лицензиянинг (рухсат берувчи ҳужжатларнинг) амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш (бекор қилиш) тўғрисидаги масаласини ҳал этиш учун тегишли органлар ва ташкилотларга юбориш;

истеъмолчиларнинг номуайян доираси ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, истеъмолчилар ҳуқуқларини бузган шахсларга нисбатан ҳуқуқий таъсир кўрсатиш чораларини қўллаш учун судларга аризалар билан мурожаат қилиш;

д) даврий босма нашрлар, китоб маҳсулотлари назорат нусхалари, теле ва радиодастурлар эфирларида жойлаштирилган ҳужжатли материаллар, рекламани тайёрлаш, жойлаштириш ва тарқатишга оид материалларни бепул олиш.

Агентлик ва Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари зиммасига юклатилган вазифаларга мувофиқ судларга кўриб чиқиш учун киритиладиган даъволар бўйича давлат божи тўлашдан озод қилинсин.

#### 5. Белгилансинки:

Агентлик таъминоти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш ҳақида Агентлик ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлар вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, мансабдор шахслар, шунингдек, фуқаролар ҳамда мулкчилик шакли ва идоравий мансублигидан қатъи назар хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ижро этиш учун мажбурийдир;

вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, мансабдор шахслар, шунингдек, мулкчилик шакли ва идоравий мансублигидан қатъи назар хўжалик юритувчи субъектлар Агентликнинг талабига биноан унга юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун зарур маълумотларни тақдим этишлари шарт;

Агентлик тугатилган Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш йўналишидаги барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Агентликка Қўмита раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади;

Агентлик директорининг ўринбосари Қўмита раиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Агентлик директори меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизматларидан фойдаланиш шароитларига кўра вазир ўринбосарига тенглаштирилади;

Агентлик ходимларига нисбатан Қўмита ходимлари учун назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари ва тиббий хизмат кўрсатиш тартиби қўлланилади.

#### 6. Агентлик директорига Қўмита раиси билан келишилган ҳолда:

зарур ҳолларда, Агентлик марказий аппаратининг тасдиқланган тузил-

масига Агентлик бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш;

Агентлик бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Қўмитанинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бошқармаларининг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама фаолиятини тартибга солиш бошқармалари тузилмаси ва бошқарув ходимларининг чекланган сони бўйича таклифлар киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Қўмитанинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан иш ҳақи миқдори ҳамда бошқа тўловларни белгилаш орқали малакали маҳаллий ва хорижий мутахассисларни ходим ва маслаҳатчи сифатида жалб қилиш;

Агентлик ходимлари учун, қонунчиликда назарда тутилган бошқа тўловлардан қатъи назар, Қўмитанинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан, улар эгаллаган асосий лавозими бўйича лавозим маошларига (тариф ставкаларига) устамалар ва бошқа рағбатлантирувчи тўловлар белгилаш.

7. Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва Агентлик:

а) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Ўзстандарт» агентлиги билан биргаликда 2020 йил 1 февралга қадар «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин, унда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳуқуқларини, истеъмолчилар ҳуқуқларининг бузилиши ҳолатлари аниқланганда Агентликнинг ушбу ташкилотлар билан ҳамкорлигини, товарлар (ишлар, хизматлар) мустақил экспертизасини ўтказиш механизмини назарда тутсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ушбу Фармонга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А. Ғуломов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 11 сентябрь,  
ПФ–5817-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**678** Хитой Халқ Республикаси, шу жумладан Хитой Халқ Республикасининг Гонконг махсус маъмурий ҳудуди фуқаролари учун Ўзбекистон Республикасига киришда визасиз режимни белгилаш тўғрисида\*

Мамлакатлар ўртасида маданий, илм-фан, таълим алмашинувига, инвестицион иқлимни яхшилашга ва мамлакатимиз туристик салоҳиятини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатадиган Ўзбекистон Республикаси ҳамда Хитой Халқ Республикаси ўртасида халқаро муносабатларни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. 2020 йил 1 январдан бошлаб Хитой Халқ Республикаси, шу жумладан Хитой Халқ Республикасининг Гонконг махсус маъмурий ҳудуди фуқаролари учун ташувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари бўлинмаларига йўловчилар тўғрисида дастлабки маълумотларни ўз вақтида тақдим қилган ҳолда қайтиш авиачиптаси мавжуд бўлган шартларда мамлакатимиз халқаро аэропортлари орқали 7 кундан кўп бўлмаган муддатга Ўзбекистон Республикасига визасиз кириш тартиби белгилансин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В. Махмудов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 12 сентябрь,  
ПФ-5819-сон

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 12 сентябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**679 Диний-маърифий соҳа фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Мамлакатимизда миллий анъана ва қадриятларимизни ривожлантириш, улуғ аллома аждодларимиз илмий меросини чуқур ўрганиш, ёшларимизни Ватанга муҳаббат, илм-маърифатли, интеллектуал баркамол авлод этиб тарбиялашга давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида эътибор қаратилмоқда.

Бу соҳада олиб борилаётган ислохотлар дунё миқёсида ҳам муносиб эътироф этилиб, диний бағрикенгликнинг намунали модели сифатида баҳоланмоқда. Хусусан, Ўзбекистоннинг диний эркинликлар соҳасида алоҳида хавотир уйғотадиган давлатлар рўйхатидан чиқарилганлиги, БМТ Бош Ассамблеяси ялпи мажлисида Ўзбекистон томонидан таклиф этилган «Маърифат ва диний бағрикенглик» резолюциясининг қабул қилинганлиги бунга яққол мисолдир.

Шунга қарамай, юртимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларга диний тус бериш, сохта ғояларни асл диний қадриятлар сифатида талқин қилиш ва аҳоли орасида носоғлом ақидани сингдириш ҳолатлари кузатишмоқда.

Диний-маърифий соҳани янада такомиллаштириш, жамиятда «жаҳолатга қарши — маърифат» деган улуғвор ғоя асосида диннинг инсонпарварлик, эзгулик ва тинчлик каби фазилатларини ҳамда диний бағрикенглик руҳини кенг тарғиб қилиш, шунингдек, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлиги ва қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг (кейинги ўринларда — Қўмита) Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши билан биргаликда жамиятда виждон эркинлиги кафолатлари ва диний-маърифий муҳит барқарорлигини таъминлаш бўйича мустаҳкам ва доимий ҳамкорлигини назарда тутувчи янги тизим жорий этилсин.

Қуйидагилар янги тизим доирасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

дин соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий мақсади, вазифалари ва принципларини кенг жамоатчиликка, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбар ва ходимларига тушунтириш, уларнинг фаоллиги, ташаббускорлигини ошириш;

виждон эркинлиги кафолатларининг бузилиши ҳолатларига нисбатан тезкор чоралар кўриш;

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 5 сентябрда эълон қилинган.

аҳолининг, айниқса ёш авлоднинг диний ва дунёвий қарашларини ривожлантириш;

оммавий ахборот воситалари, Интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқларда тарқатилаётган радикал ғояларга қарши миллий анъана ва қадриятларимизнинг кенг тарғиб этилишини таъминлаш.

2. Қуйидагилар Қўмитанинг янгиланган асосий вазифалари этиб белгилансин:

виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ дин ишлари соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикасининг дунёвий давлат тамойилини амалий рўёбга чиқариш, фуқароларнинг виждон эркинлиги қафолатларини ҳимоя қилиш;

диний мутаассиблик ва экстремизм ғояларини тарқатиш, турли конфессиялар ўртасида адоватни юзага келтиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик чораларини кўриш;

жамиятда диний-маърифий муҳит барқарорлиги ва эътиқод эркинлигига таҳдид туғдириши мумкин бўлган омилларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, ушбу жараёнларда диний-маърифий соҳа вакилларининг иштирокини кенгайтириш;

давлат органларининг диний ташкилотлар билан ўзаро алоқаси ва ҳамкорлигини мувофиқлаштириш ҳамда давлат сиёсатида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган диний ташкилотлар манфаатларини акс эттириш;

аҳоли орасида конфессиялараро тотувлик ва диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш;

фуқароларнинг хорижий давлатларга ва чет эл фуқароларининг Ўзбекистонга зиёрат туризмини амалга ошириши учун шарт-шароитлар яратиш;

экстремизм, сепаратизм ва мутаассиблик ғоялари таъсирига тушиб қолган шахсларни, айниқса ёшлар ва хотин-қизларни соғлом ҳаётга қайтариш, жамиятда тинчлик ва тотувлик муҳитини мустаҳкамлаш борасида маърифий-тарбиявий ишларни олиб бориш, бу борада илғор хорижий тажриба асосида таклифлар тайёрлаш;

манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда аҳолининг диний-ижтимоий жараёнларга муносабатини ўрганиш бўйича социологик сўровларни ташкил этиш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

а) Қўмита:

жамиятда «жаҳолатга қарши — маърифат» деган улуғвор ғоя асосида диннинг асл инсонпарварлик моҳиятини, эзгулик, тинчлик ва инсонийлик каби фазилатлар азалий қадриятлар ифодаси эканлигини тарғиб этиш мақсадида барча давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларига бу борадаги фаолиятни амалга оширишда кўмаклашади;

мамлакатдаги диний-ижтимоий жараёнлар ҳамда диний бағрикенгликни таъминлаш масалаларини ўрганиш натижалари асосида илмий-тадқиқот



ишларини қўллаб-қувватлаш, тарғибот ва ташвиқот тадбирларини ўтказиш чораларини кўради;

б) ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини мустаҳкамлаш, улар орасида маърифий-тарбиявий ишлар самарадорлигини кучайтириш мақсадида республика, вилоят, туман (шаҳар), маҳалла даражасида давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг тарғибот гуруҳлари фаолиятини ташкил этиш орқали ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш амалиёти жорий этилади;

в) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосарлари Қўмитага тегишли ҳудуд бўйича виждон эркинлиги кафолатлари ҳамда диний-маърифий муҳит барқарорлигини таъминлаш, давлат органларининг диний ташкилотлар билан ўзаро алоқаси ва ҳамкорлигини мувофиқлаштириб боришда кўмаклашади ҳамда бу борада Қўмита раисига ҳисобдор ҳисобланади;

г) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосарлари Қўмита раиси билан келишилган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

4. Қўмита бошқарув ходимларининг чекланган умумий сони 58 нафардан иборат бўлган марказий аппарати тузилмаси иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Қўмита раисига, зарурат бўлганда, Қўмита марказий аппарати тузилмасига бошқарув ходимларининг белгиланган штатлар сони ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Белгилансинки, Қўмитанинг марказий аппаратига қўшимча киритилаётган 7 нафар бошқарув ходимлари штат бирлигини сақлаш билан боғлиқ харажатлар туман (шаҳар) маданият бўлимлари марказлаштирилган бухгалтериясининг тегишли штат birlikларини мақбуллаштириш ҳисобида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштирилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда Қўмита ходимлари фаолиятини ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, диний-маърифий соҳада чуқур билимларга ҳамда амалий иш тажрибасига эга ҳалол, тартиб-интизомли ва малакали кадрлар билан тўлдирилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги диний-маърифий соҳада мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларни халқаро жамоатчиликка етказишда Қўмитага доимий равишда амалий ёрдам кўрсатсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Олий суди ўзининг расмий веб-сайтлари ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали суд томонидан экстремистик ёки террористик деб топилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолияти тақиқланган ташкилотлар, веб-сайтлар, ижтимоий тармоқлар ва мобиль мессенжерлар рўйхатини эълон қилиб, унинг доимий равишда янгилаб борилишини таъминласин.

---

\* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2019 йил учун тасдиқланган параметрларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3668-сон қарорининг 1-банди ва унга 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Қўмита манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Қўмитанинг янгиланган низомини, шунингдек, қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 4 сентябрь,  
ПҚ–4436-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### **680 Дори воситалари ноқонуний айланишининг олдини олиш чораларини кучайтириш тўғрисида\***

Дори воситаларининг ноқонуний айланиши ва уларнинг суиистеъмол қилинишига йўл қўймаслик, кучли таъсир қилувчи моддалар айланишини тартибга солишни такомиллаштириш, шунингдек, аҳолининг соғлиғини сақлашни таъминлаш, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш учун қўшимча имкониятлар ва шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратураси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий аҳборот-таҳлил маркази ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг:

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 7 сентябрда эълон қилинган.

2019 йил 1 декабрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатига киритилган алоҳида дори воситалари буюм-миқдор жиҳатдан ҳисобга олиниши лозим ва уларнинг чакана реализацияси (берилиши) фақат ижтимоий дорихоналар, шунингдек, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни сақлаш ва реализация қилиш (бериш) фаолиятига лицензияси мавжуд бўлган дорихоналар томонидан амалга оширилиши;

шифокор рецепти бўйича бериладиган дори воситалари ва тиббий буюмлар, шу жумладан кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатига киритилган дори воситаларининг ноқонуний чакана савдоси ҳолатларига барҳам бериш бўйича текширишлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилга хабар бериш тартибида, Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатдан ўтказиш орқали амалга оширилиши;

кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази қошида ташкил этиладиган идоралараро эксперт гуруҳи (кейинги ўринларда — эксперт гуруҳи) таклифлари асосида ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши тартибини ўрнатиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхати ва эксперт гуруҳининг таркибини тасдиқласин.

### 3. Белгилансинки:

кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатига киритилган дори воситаларини бериш учун ёзилган рецептлар дорихоналарда бир йил давомида сақланади;

мулкчилик шакли ва идоравий мансублигидан қатъи назар тиббиёт ташкилотларида беморга рецептли дори воситаларини белгиланган тартибда рецептни расмийлаштирмасдан тайинлаш тақиқланади;

2020 йил 1 январдан бошлаб дори воситалари ва тиббий буюмларнинг реализация (бериш) жараёнини узлуксиз равишда видеога ёзиб олиш ва бир ой давомида видео-ёзувларни сақлаш дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана реализация қилишдаги лицензия талаби ҳисобланади (қишлоқ оилавий поликлиникалари ва қишлоқ врачлик пунктлари ҳудудида жойлашган дорихоналар ва уларнинг филиаллари бундан мустасно), мазкур талабнинг мунтазам равишда (бир йил давомида икки ва ундан ортиқ марта) бузилиши лицензиянинг амал қилишини ўрнатилган тартибда тугатиш учун асос бўлади.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ички ишлар вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

дори воситаларининг нотиббий мақсадларда истеъмол қилиниши устидан доимий мониторинг олиб борсин ва зарур ҳолларда эксперт гуруҳига тегишли таклифларни киритиш чораларини кўрсин;

икки ой муддатда дори воситалари ва тиббий буюмларни реализация қилиш қоидаларини бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни такомиллаштиришга оид, шу жумладан рецепт бўйича дори воситаларини бериш тартибини бузганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими ходимлари штатининг умумий чекланган сони доирасида, дори воситалари ва тиббий буюмларнинг чакана савдосига қўйиладиган лицензия талабларига риоя этилиши устидан назоратни таъминлашга жавобгар бўлган ходимларнинг штат сонини кўпайтириш бўйича таклифлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига фармацевтика маҳсулотлари ҳаракатини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг ахборот тизимини (кейинги ўринларда — Ахборот тизими) яратиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг етарли даражада эмаслиги ва натижа бермаётганлиги кўрсатиб ўтилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда Ахборот тизимини белгиланган муддатларда жорий этиш жараёнини фаоллаштирсин ва жадаллаштирсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

уч ой муддатда Дори воситалари ва тиббий буюмларга электрон тарзда рецепт бериш ахборот тизими (кейинги ўринларда — Электрон рецепт бериш тизими)ни жорий этиш бўйича техник ҳужжатларни ишлаб чиқсин ва «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази» ДУКка киритсин;

2021 йил 1 январга қадар Электрон рецепт бериш тизими, шу жумладан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида жорий этилишини таъминласин ва уни Ахборот тизими билан интеграциялаш имкониятини назарда тутсин.

8. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Электрон рецепт бериш тизимининг буюртмачиси ҳисобланади;

2021 йил 1 мартдан бошлаб Электрон рецепт бериш тизими мулкчилик шакли ва идоравий мансублигидан қатъи назар Тошкент шаҳридаги барча тиббиёт ташкилотлари ва дорихоналари учун, 2022 йил 1 мартдан бошлаб эса босқичма-босқич республиканинг барча ҳудудларида қўлланилиши мажбурий ҳисобланади;

Электрон рецепт бериш тизимини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва кейинчалик қўллаб-қувватлаш, шу жумладан ахборотлаштириш объектларини текширувдан ўтказиш, техник ва лойиҳаолди ҳужжатларини тайёрлаш, сервер, коммутация ва компьютер ускуналарини харид қилиш «Соғлиқни сақлаш» тармоғи учун ажратиладиган бюджет ажратмалари доирасида, шунингдек, халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари ва донор мамлакатларнинг маблағлари, давлат-хусусий шериклик шартномаси доирасида хусусий шерик маблағлари ҳамда қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлигининг асослантирилган ҳисоб-китоблари бўйича бир ой муддатда ахборотлаштириш объектларини текширувдан ўтказишга, техник ва лойиҳаолди ҳужжатларини тайёрлашга ҳамда Электрон рецепт бериш тизимини экспертиза қилишга Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2019 йилдаги «Соғлиқни сақлаш» тармоғи учун тасдиқланган параметрлари доирасида зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 февралга қадар Электрон рецепт бериш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этишни белгиланган тартибда молиялаштириш учун халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари ва донор мамлакатларнинг маблағлари жалб этилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикасида Электрон рецепт бериш тизимини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва техник қўллаб-қувватлаш бўйича «Йўл харитаси»ни мазкур қарорнинг талабларини ҳисобга олиб ҳамда масъул ижрочилар ва аниқ муддатларни белгиланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи билан биргаликда икки ҳафта муддатда дори воситалари, шу жумладан таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларини шифокор рецептсиз истеъмол қилишнинг салбий оқибатлари тўғрисида оммавий ахборот воситалари ва интернет-ресурсларда ахборот-тарғибот ишларини кенг қўламда ташкил этиш бўйича медиа-режани тасдиқласин, бунда шу билан бирга жамиятда соғлом турмуш тарзига риоя этиш юзасидан махсус рукнлар ва мавзуга оид материаллар жойлаштирилиши назарда тутилсин.

12. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар

билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 6 сентябрь,  
ПҚ-4438-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ**  
**ҚАРОРИ**

**681 Кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Мамлакатимизда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича қатор мақсадли миллий дастурлар амалга ошириб келинмоқда. Болаларнинг ирсий ва туғма касалликлар билан туғилишининг олдини олиш мақсадида ташкил этилган республика ва ҳудудий скрининг марказлари, шунингдек, туғуруққа ёрдам берувчи ва педиатрия муассасаларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда.

Шу билан бирга, мазкур йўналишдаги мавжуд муаммолар кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларни болаларда барвақт аниқлаш ва даволаш, беморларни кафолатланган дори воситалари ва тиббий буюмлар билан тўлиқ таъминлаш чора-тадбирларини янада кучайтириш лозимлигини кўрсатмоқда.

Кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга ўз вақтида ташхис қўйиш ва даволашга қаратилган тиббий ҳамда ижтимоий ёрдам тизимини янада яхшилаш, уларнинг соғлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш мақсадида, шунингдек, 2019 — 2025 йилларда

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 9 сентябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясига мувофиқ:

1. Қўйидагилар кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг асосий устувор йўналишлари этиб белгилансин:

кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга доир тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

ихтисослаштирилган республика муассасаларида кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга ташхис қўйиш бўйича лаборатория хизматини ривожлантириш;

кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга кўрсатилаётган тиббий ва ижтимоий ёрдамни такомиллаштириш, шу жумладан уларни кафолатланган бепул дори воситалари, тиббий буюмлар ва махсус озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш;

юқори малакали тиббий кадрлар тайёрлаш ва уларнинг кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича малакасини мунтазам ошириб бориш;

кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларнинг профилактикаси юзасидан кенг тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориш;

2. 2019 — 2024 йилларда кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш чора-тадбирлари дастури (кейинги ўринларда — Дастур) иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Дастурга мувофиқ ҳаёт учун хавfli ҳамда сурункали ривожланадиган кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларни болаларда ташхислаш ва даволаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан 2019 — 2024 йилларда жами 424,6 млрд сўм ва 548,0 минг евро ажратилиши назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Белгилансинки, кам учрайдиган (орфан) касалликларни даволашда ишлатиладиган тиббий буюмларни импорт қилиш давлат рўйхатидан ўтказилмасдан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

2020 йил 1 январга қадар кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган беморларнинг Миллий регистрини ташкил этсин ҳамда унинг доимий юритилишини таъминласин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2020 йил 1 июлга қадар Дастур доирасида назарда тутилмаган кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларини ҳамда Миллий регистрига киритилган муковисцидоз, талассемия, гемофилия, тизимли бошланувчи ювенил артрит ва буллёз эпидермолиз касалликларига чалинган беморларга кафолатланган дори воситалари, даволаш учун озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда

---

\* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тиббий буюмларни харид қилиш бўйича лойиҳа портфелларини шакллантирсин ҳамда белгиланган тартибда халқаро жамғармалар ҳамда молия институтларининг кредит ва грантларини жалб қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига тақдим этсин;

уч ой муддатда «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига кам учрайдиган (орфан) касалликларни даволашда ишлатиладиган тиббий буюмлар импорти давлат рўйхатидан ўтказилмасдан амалга оширилишини назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар билан биргаликда аҳоли орасида кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларнинг олдини олиш, соғлом оилани шакллантириш ва соғлом бола туғилиши бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини мунтазам равишда амалга оширсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдухакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 7 сентябрь,  
ПҚ-4440-сон



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**682 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлигини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ–5815-сон Фармонига мувофиқ:

## 1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага\*\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги бошқарув ходимларининг чекланган сони 57 нафардан иборат марказий аппаратининг тузилмаси 2-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

## 2. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлигига (кейинги ўринларда — Агентлик) Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади;

Агентлик директори унинг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган 3 нафар ўринбосарга, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосарга эга;

Агентлик директори меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт таъминоти шартларига кўра вазирга, унинг биринчи ўринбосари — вазирнинг биринчи ўринбосарига, ўринбосарлари — тегишли равишда вазир ўринбосарларига тенглаштирилади;

Агентликнинг штатлари сони Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳудудий органларидаги 57 та ишлаб чиқариш ходимлари штат библигини оптималлаштириш ҳисобидан жамланади.

## 3. Агентлик директорига:

зарур ҳолларда, Агентлик тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий штатлари сони доирасида ўзгартиришлар киритиш;

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 10 сентябрда эълон қилинган.

\*\* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Агентлик ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Агентлик ходимларининг қўшимча штат бирликларини киритиш;

истисно тариқасида, идоравий бўйсунувдаги ташкилотларни ташкил этиш ва уларни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Агентлик ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, илмий ва таълим муассасалари, халқаро ташкилотларнинг юқори малакали мутахассисларини, шунингдек, хорижий экспертларни шартнома асосида ишга жалб қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларнинг, шунингдек, улар ётоқхоналарининг штат жадвалини тасдиқлаш ҳуқуқи берилсин.

Агентлик директори бир ой муддатда Агентликка юклатилган вазифалар ижросини самарали таъминлаш учун уни зарур билим ва амалий қўникмаларга эга юқори малакали мутахассислар билан тўлдирилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари доирасида 2019 йилда Агентлик таъминоти учун маблағларни ажратсин, 2020 йилдан бошлаб эса ҳар йили зарур бюджет маблағларини назарда тутсин;

4 та хизмат автотранспорт воситасини сақлаш учун лимит белгиласин, шунингдек, Агентликка уларни харид қилиш учун зарур маблағлар ажратилишини таъминласин;

Агентликка асослантилган ҳисоб-китобларга кўра аниқ харажатлардан келиб чиққан ҳолда моддий-техник базани шакллантириш учун зарур ускуналарни харид қилиш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва маъмурий биноларни таъмирлашга 2019 йилда 3 миллиард сўм, 2020 йилда эса 7 миллиард сўмгача маблағлар ажратилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Агентликни зарур алоқа воситалари, шу жумладан ҳукумат алоқаси билан таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

Агентликнинг жойлаштирилишини таъминласин;

Агентлик тўғрисидаги низомни тасдиқласин;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, энг янги ўқув-лаборатория, илмий, ишлаб чиқариш ва спорт ускуналари, анжомлар, инвентарь ва бошқа зарур воситалар билан жиҳозлаш дастурини тасдиқласин;

2020 — 2025 йилларда ижод мактаблари фаолиятини такомиллаштириш концепциясини кўриб чиқиш учун киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Агентлик билан биргаликда ҳар йили:

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар ўқувчиларининг турли фанлардан халқаро олимпиадаларда иштирок этишини;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар ўқувчиларининг хорижий маданий-маърифий сафарларини;

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларнинг педагог ходимларининг илғор хорижий таълим ва илмий муассасаларда малакасини ошириш ва стажировкадан ўтишини ташкиллаштириш бўйича таклифлар киритсин.

8. Халқ таълими вазирлиги икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 9 сентябрь,  
ПҚ-4444-сон

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БЎЙРУҒИ****683 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат  
реестридан чиқариш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
9 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1656-2*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 6 сентябрдаги ҳулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан, **буюраман:**

1. «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этишда суд ижрочиларининг судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, рўйхатдан ўтказувчи органлар, молия-кредит ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ (рўйхат рақами 1656, 2007 йил 5 февраль) ҳамда «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этишда суд ижрочиларининг судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, рўйхатдан ўтказиш органлари, молия-кредит ташкилотлари билан ҳамкорлиги тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруқни (рўйхат рақами 1656-1, 2012 йил 10 октябрь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2019 йил 13 апрелдаги 7/12-19-24-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2007 йил 5 февралдаги 21-мх-сон «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этишда суд ижрочиларининг судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, рўйхатдан ўтказувчи органлар, молия-кредит ташкилотлар билан ўзаро

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 9 сентябрда эълон қилинган.

ҳамкорлиги тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1656, 2007 йил 5 февраль) ҳамда 2012 йил 10 октябрдаги 226-мх-сон «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этишда суд ижрочиларининг судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, рўйхатдан ўтказиш органлари, молия-кредит ташкилотлари билан ҳамкорлиги тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1656-1, 2012 йил 10 октябрь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 9 сентябрь,  
391-мх-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

### **684 Лойиҳа-тадқиқот ишларининг қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 9 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3180*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 апрелдаги ПҚ–847-сон «Лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда 2019 йил 27 фев-

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 9 сентябрда эълон қилинган.

ралдаги Ф–5445-сон «2019 йилда вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонлари тўғрисида»ги фармойишига асосан **бюраман:**

1. Лойиҳа-тадқиқот ишларининг қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2008 йил 10 ноябрдаги 22-сон «Лойиҳа-тадқиқот ишларининг қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1879, 2008 йил 9 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 50-сон, 499-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир ўринбосари**

**К. ТУЛЯГАНОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 19 август,  
396-сон

Ўзбекистон Республикаси  
қурилиш вазирининг 2019 йил 19 августдаги  
396-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Лойиҳа-тадқиқот ишларининг қийматини аниқлаш  
тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 апрелдаги ПҚ–847-сон «Лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда 2019 йил 27 февралдаги Ф–5445-сон «2019 йилда вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа давлат бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини ҳамда мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонлари тўғрисида»ги фармойишига асосан лойиҳа-тадқиқот ишларининг қийматини аниқлаш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом талаблари марказлаштирилган манбалар, давлат бошқарув органлари ва давлат корхоналари маблағлари ҳисобига молиялаштирилдиган қурилиш объектлари учун лойиҳа-тадқиқот ишлари қийматини аниқлашда қўлланилади.

Ушбу Низом талаблари бошқа манбалар ҳисобига молиялаштириладиган қурилиш объектлари учун тавсиявий характерга эга.

2. Буюртмачи томонидан лойиҳа-тадқиқот ишларининг қиймати лойиҳа-тадқиқот ҳужжатларини (лойиҳа, ишчи лойиҳа ва ишчи ҳужжатлар) ишлаб чиқиш, шунингдек ишчи лойиҳалашдан олдинги техник-иқтисодий асослар (бундан буён матнда ТИА деб юритилади) ҳамда техник-иқтисодий ҳисоб-китоб (бундан буён матнда ТИХК деб юритилади) босқичларида мазкур Низом асосида аниқланади.

3. Лойиҳа-тадқиқот ишларининг жорий нархларда белгиланган қиймати лойиҳа-тадқиқот ишларининг ижрочисини аниқлаш учун давлат харидларини амалга оширишда бошланғич қиймат сифатида қўлланилади.

4. Лойиҳа-тадқиқот ҳужжатларини ишлаб чиққан ташкилот лойиҳа-тадқиқот ҳужжатларини мазкур соҳада тегишли ваколатга эга бўлган экспертиза органларининг экспертиза хулосасини олишда, қурилиш устидан муаллифлик назоратини ўтказишда ҳамда тугалланган қурилиш объектларини фойдаланишга қабул қилиб олиш бўйича комиссиялари йиғилишларида иштирок этади.

## **2-боб. Лойиҳа-тадқиқот ишларининг қийматини аниқлаш**

5. Буюртмачи томонидан лойиҳа-тадқиқот ишларининг бошланғич қийматини аниқлашда қуйидаги параметрлар лойиҳалаштириш топшириғида назарда тутилиши лозим:

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 22 январдаги 15-сон қарори билан тасдиқланган Объектларнинг лойиҳа-қидирув ва қурилиш-монтаж ишлари бўйича мураккаблик тоифалари классификаторига мувофиқ мураккаблик даражаси;

мазкур Низомнинг 1-иловасига\* мувофиқ Лойиҳа-тадқиқот ҳужжатларини ишлаб чиқишдаги мураккаб шароитлар учун қўлланиладиган коэффицентлар;

мазкур Низомнинг 2-иловасига\* мувофиқ Қурилишнинг умумий қийматида ускуна қийматининг солиштира таркибига боғлиқ ҳолда қурилишнинг ҳисоб баҳосини аниқлаш учун пасайтирувчи коэффицентларнинг мавжудлиги;

лойиҳа-тадқиқот ҳужжатларини манфаатдор идоралар билан келишилганлиги.

6. Лойиҳа-тадқиқот ишларининг қиймати қурилиш объекти нархи ва мураккаблик даражасига қараб буюртмачи томонидан аниқланади. Бунда қурилиш объекти нархи таркибига қуйидагилар киритилади:

монтаж талаб этувчи жиҳозларга бўлган харажатлар;

қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларига бўлган харажатлар;

ижтимоий суғурталаш ҳисобини инобатга олган ҳолда асосий меҳнат ҳақиға кетадиган харажатлар;

---

\* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

машина ва механизмлардан фойдаланиш харажатлари;  
 ишлаб чиқариш хусусиятига эга бошқа харажатлар;  
 пудратчининг зарур фойдадан, шу жумладан пудрат ишлари (хизматлар) бозори конъюктурасидан келиб чиқиб шакллантириладиган мажбурий тўловлар ва ажратмалардан иборат бошқа сарф-харажатлари;  
 объектлар қурилишини суғурталаш харажатлари;  
 буюртмачининг лойиҳа-тадқиқот ишлари, экспертиза, давлат харидларини амалга ошириш, техник назорат харажатларидан, объект қурилиши билан боғлиқ бошқа сарф-харажатлари;  
 навбатдаги йилда қурилиш нархларининг прогнозланган индексидан келиб чиқиб аниқланадиган хатарни қоплаш учун харажатлар.

7. Буюртмачи томонидан ишчи лойиҳани ишлаб чиқиш қиймати қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$S_p = S_b \times L, \text{ бунда:}$$

$S_p$  — ишчи лойиҳаниннг жорий нархлардаги қиймати;  
 $S_b$  — объект қурилишининг жорий нархлардаги қиймати;  
 $L$  — мазкур Низомнинг 3-иловасига\* мувофиқ ишчи лойиҳа қийматининг ҳисоблаш мезони.

8. Турли босқич ва даврларда лойиҳалашдан олдинги-асосланма ва ишчи ҳужжатларни ишлаб чиқишнинг миқдорий қиймати мазкур Низомнинг 4-иловасига\* мувофиқ аниқланади.

9. Лойиҳа-тадқиқот қийматини аниқлашда иккита ёки ундан ортиқ мураккаблаштирувчи омил мавжуд бўлса, коэффициент уларнинг ҳар бирига алоҳида қўлланилади. Бунда умумий мувофиқлаш коэффициенти қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$K_c = 1 + \sum N, \text{ бунда:}$$

$K_c$  — умумий мувофиқлаш коэффициенти;  
 $\sum N$  — бир турга қўлланиладиган мувофиқлаш коэффициентларининг каср қисмлари (вергулдан кейинги) йиғиндиси.

10. Мажмуалардан ташқаридаги айрим объектларни лойиҳалашда фойдаланишга тайёр бўлган кўп маротаба қўлланиладиган лойиҳалардан фойдаланилганда (лойиҳалаш топшириғига мувофиқ), ишлар қиймати қуйидаги коэффициентларни қўллаган ҳолда умумий қоида бўйича аниқланади:

пойдевор ечимларни қайта ҳисобламасдан — 0,4;

пойдевор ечимларини қайта ҳисоблаганда — 0,6;

пойдевор ва ер устки қисми ечимларини қайта ҳисоблаганда — 0,7.

11. Тугалланган қурилишнинг лойиҳа ва ҳақиқий ўлчамлари қиймати объектнинг дастлабки қийматига нисбатан 1,5 бараваридан юқори ёки камни ташкил этганда лойиҳа-тадқиқот ишларининг қиймати қайта ҳисоблаб чиқилади, бошқа ҳолатлар бундан мустасно.

---

\* 3-4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



12. Лойиҳа-тадқиқот ишларининг тўлиқ қиймати қуйидаги формулага кўра аниқланади:

Бир босқичли лойиҳалашда:

$$S_f = S_w + S_e, \text{ бунда:}$$

$S_f$  — лойиҳа-тадқиқот ишларининг жорий нархлардаги тўлиқ шартномавий қиймати;

$S_w$  — ишчи лойиҳанинг барча мезонларни инобатга олган жорий нархлардаги қиймати.

$S_e$  — ишчи лойиҳа таркибидаги ҳисобга олинмаган ишларнинг қиймати. Икки босқичли лойиҳалашда:

$$S_f = S_{bs} + S_{wp} + S_e, \text{ бунда:}$$

$S_f$  — лойиҳа-тадқиқот ишларининг жорий нархлардаги тўлиқ шартномавий қиймати;

$S_{bs}$  — асосланма қисмининг жорий нархлардаги қиймати;

$S_{wp}$  — ишчи ҳужжатларининг жорий нархлардаги қиймати;

$S_e$  — ишчи лойиҳа таркибидаги ҳисобга олинмаган ишларнинг қиймати.

«Ишчи лойиҳа» икки босқичли лойиҳалаш қийматини ҳисоблашда асос қилиб олинади.

13. ТИА, ТИХК ва бошқа босқичларнинг (жумладан, дастлабки эскиз лойиҳалари) шартлари лойиҳалаштириш топшириғида бошқача назарда тутилган ҳолларда, ишлаб чиқишдаги қиймат қуйидагича ҳисобланади:

$$S_f = S_{bs} + S_e, \text{ бунда:}$$

$S_f$  — лойиҳа-тадқиқот ишларининг жорий нархлардаги тўлиқ шартномавий қиймати;

$S_{bs}$  — асосланма қисмининг жорий нархлардаги қиймати;

$S_e$  — ишчи лойиҳа таркибидаги ҳисобга олинмаган ишларнинг қиймати.

14. Лойиҳа-тадқиқот ишлари қийматини шакллантириш мазкур Низомнинг 5-иловасига\* мувофиқ Қурилишнинг тахминий қийматини аниқлашга доир қисқача тавсиялар асосида амалга оширилади.

15. Лойиҳа-тадқиқот ишларининг қийматини ҳисоблашда кўзда тутилмаган ишлар қийматини аниқлаш мезонлари мазкур Низомнинг 6-иловасига\* мувофиқ амалга оширилади.

16. Лойиҳа-тадқиқот ишлари қийматини аниқлаш мазкур Низомнинг 7-иловасига\* мувофиқ намунада амалга оширилади.

17. Лойиҳа ташкилотлари ўзининг ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда лойиҳа ишлари қийматини аниқлашда чегирмалар белгилаш имкониятига эга.

---

\* 5 — 7-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

**3-боб. Лойиҳа-тадқиқот ишларининг муддатлари**

18. Буюртмачилар марказлаштирилган манбалар ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича лойиҳа-қидирув ишларининг манзилли рўйхати белгиланган тартибда тасдиқлангандан сўнг, қуйидаги бирламчи-рухсат берувчи ҳужжатларни икки ҳафта муддатда лойиҳа ташкилотларига етказишлари лозим:

туман (шаҳар) ҳокимининг ер участкаларини ажратиш ёки реконструкция (капитал таъмирлаш) тўғрисидаги қарори;

бино ва иншоотларни реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашда нуқсон далолатномалари;

лойиҳалаштириш топшириқлари.

19. Буюртмачилар томонидан бирламчи-рухсат берувчи ҳужжатлар тақдим этилганидан сўнг, икки ой муддатда қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш;

реконструкция қилинадиган ва капитал таъмирланадиган бинолар ва иншоотларнинг техник ҳолатини ўрганиш;

маҳаллий ҳокимликнинг биноларнинг инвентаризацияси материаллари, мавжуд бино ва иншоотларни бузиш ва компенсация усуллари кўрсатилган қарори;

лойиҳалаштириш учун муҳандислик-техник изланишларни бажариш (лойиҳалаштириладиган майдон бўйича 1:500 масштабда, ташқи тармоқлар бўйича 1:1000 ёки 1:500 масштабда топографик хариталар ва муҳандислик-геология хулосасини тайёрлаш);

белгиланган тартибда тендер (танлов) ҳужжатларини тайёрлаш ва тасдиқлаш.

20. Буюртмачи ва лойиҳа ташкилоти ўртасида шартнома тузишда мазкур Низом талаблари инobatга олинаши лозим.

Буюртмачи ва лойиҳа ташкилоти ўртасидаги шартнома буюртмачи томонидан қисман ва/ёки тўлиқ молиялаштириш очиш учун асос ҳисобланади.

21. Лойиҳа ташкилотлари лойиҳа-тадқиқот ҳужжатларини шартномада кўрсатилган муддатда ишлаб чиқилишини таъминлашлари лозим.

Лойиҳа-тадқиқот ишларининг лойиҳалаштириш топшириғида аниқ иш ҳажмларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги муддатларда белгиланади:

капитал таъмирлаш объектлари бўйича — 1,5 ойдан кўп бўлмаган;

реконструкция объектлари бўйича — 3 ойдан кўп бўлмаган;

намунавий лойиҳалар ва қайта (базавий) қўлланиладиган лойиҳалар асосида янги қуриладиган объектлар бўйича — 3-4 ойдан кўп бўлмаган;

йирик объектлар қурилиши ва реконструкцияси бўйича — 4 ойдан кўп бўлмаган.

22. Буюртмачи томонидан лойиҳа-тадқиқот ишлари мониторинги буюртмачи ва лойиҳа ташкилоти ўртасида шартномага асосан лойиҳа-тадқиқот ишларини бажариш графиги асосида олиб борилади.

23. Буюртмачи томонидан тайёр бўлган лойиҳа-тадқиқот ҳужжатлари белгиланган тартибда мазкур соҳада тегишли ваколатга эга бўлган экспертиза органларига топширилади.

#### 4-боб. Яқуний қоидалар

24. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

25. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан келишилган.

*Молия вазирининг  
биринчи ўринбосари*

*Т. ИШМЕТОВ*

*2019 йил 19 август*

*Иқтисодиёт ва саноат вазири*

*Б. ХОДЖАЕВ*

*2019 йил 19 август*

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

## **685** Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
10 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1816-1*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 9 сентябрдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 10 сентябрда эълон қилинган.

197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан, **буюраман:**

1. «Захираларни шакллантириш учун зарур бўлган озиқ-овқат товарларини сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни (рўйхат рақами 1816, 2008 йил 28 май) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2019 йил 9 сентябрдаги 17/17-5-19-8481-сон, Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 29 августдаги 04-03/22-01627-сон, Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 4 сентябрдаги УБ-5-2/6-6-4261-сон хатлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлигининг 2008 йил 28 майдаги 7-сон, 01-02/22-40-сон, 53-сон «Захираларни шакллантириш учун зарур бўлган озиқ-овқат товарларини сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1816, 2008 йил 28 май) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 10 сентябрь,  
393-мҳ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**686 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 11 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2733-1*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 9 сентябрдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан **буюраман:**

1. «Телекоммуникация операторлари (провайдерлари)нинг хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни (рўйхат рақами 2733, 2015 йил 24 ноябрь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 6 сентябрдаги 17-8/6239-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2015 йил 11 ноябрдаги 138-мх-сон «Телекоммуникация операторлари (провайдерлари)нинг хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2733, 2015 йил 24 ноябрь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 11 сентябрда эълон қилинган.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 11 сентябрь,  
394-мҲ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**687 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат  
реестридан чиқариш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
11 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2448-1*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 10 сентябрдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан, **буюраман:**

1. «Қарздорлар ва уларнинг дебиторлари банк ҳисобварақларини қидиришда банк депозиторларининг миллий ахборот базасидаги маълумотлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни (рўйхат рақами 2448, 2013 йил 2 апрель) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2019 йил 9 сентябрдаги 17/17-5-19-8481-сон, Марказий банкининг 2019 йил 9 сентябрдаги 15-19/1151-сон хатлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Марказий банки Бош-

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 11 сентябрда эълон қилинган.

қарувининг 2013 йил 23 мартдаги 1-сон, 7/12-сон «Қарздорлар ва уларнинг дебиторлари банк ҳисобварақларини қидиришда банк депозиторларининг миллий ахборот базасидаги маълумотлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2448, 2013 йил 2 апрель) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 11 сентябрь,  
395-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ЛОЙИҲА БОШҚАРУВИ  
МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**688** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райҳон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактабига ўқишга қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 8-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
12 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3128-2*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 июлдаги 620-сон «Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тартибини такомиллаштириш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг 2019 йил 7 январдаги 3-сон буйруғи (рўйхат рақами 3128, 2019 йил 23 январь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2019 й., 10/19/3128/2527-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райҳон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактабига ўқишга қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 8-банди биринчи хатбошисидagi «нострификацияланган» деган сўз «тан олинган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Директор**

**Д. ЛИ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 4 сентябрь,  
153-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 12 сентябрда эълон қилинган.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**689** «Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқларининг Умумҳуқуқий классификаторини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 13 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2333-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ–5505-сон «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, шунингдек янги ҳуқуқ институтлари ташкил этилганлиги ва мавжуд ҳуқуқ институтларининг такомиллаштирилганлиги муносабати билан **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2012 йил 2 мартдаги 53-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқларининг Умумҳуқуқий классификаторини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2333, 2012 йил 2 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 8-9-сон, 98-модда) иловага\*\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ҳамда Ҳукумат баённома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси (А. Мадаминов) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси (Д. Суфиева) ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 13 сентябрда эълон қилинган.

\*\* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг ўринбосари Х. Мелиев зиммасига юклансин.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 13 сентябрь,  
397-мҲ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ЛОЙИҲА БОШҚАРУВИ МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**690** Давлат хизматлари ягона реестрини тасдиқлаш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 13 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3181*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги ПФ–5278-сон «Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизими-ни тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги **қарор қилади:**

1. Давлат хизматлари ягона реестри иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 1 июндаги 5 ва 08/23-сон «Давлат хизматлари ягона реестрини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 3021, 2018 йил 1 июнь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 01.06.2018 й., 10/18/3021/1340-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 13 сентябрда эълон қилинган.

\*\* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Адлия вазири**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 31 июль,  
6-сон

**Лойиҳа бошқаруви  
миллий агентлиги**

**Д. ЛИ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 31 июль,  
136-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БАНДЛИК ВА МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**692** «Прокуратура органлари, судлар, ФХДЁ ва давлат нотариал идораларининг хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлар лавозимларининг меъёрлари ва уларни киритиш шартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 13 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2609-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда Бош прокуратураси **қарор қилади:**

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 13 сентябрда эълон қилинган.

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Бош прокуратура-расининг 2014 йил 12 августдаги 16-Қ/Қ, 4, 5, 17-Қ/Қ-сон «Прокуратура органлари, судлар, ФХДЁ ва давлат нотариал идораларининг хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлар лавозимларининг меъёрлари ва уларни киритиш шартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига (рўйхат рақами 2609, 2014 йил 13 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 33-сон, 426-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бандлик ва меҳнат  
муносабатлари вазири**

Тошкент ш.,  
2019 йил 27 август,  
36-2019-Қ/Қ-сон

**Ш. КУДБИЕВ**

**Молия вазири**

Тошкент ш.,  
2019 йил 27 август,  
95-сон

**Д. КУЧКАРОВ**

**Адлия вазири**

Тошкент ш.,  
2019 йил 27 август,  
7-сон

**Р. ДАВЛЕТОВ**

**Бош прокурор**

Тошкент ш.,  
2019 йил 27 август,  
38-сон

**Н. ЙЎЛДОШЕВ**

Ўзбекистон Республикаси  
Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги,  
Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва  
Бош прокуратурасининг 2019 йил  
27 августдаги 36-2019-Қ/Қ, 95, 7,  
38-сон қарорига  
ИЛОВА

**«Прокуратура органлари, судлар, ФХДЁ ва давлат нотариал  
идораларининг хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлар  
лавозимларининг меъёрлари ва уларни киритиш  
шартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Номи ва 1-банд «Прокуратура» деган сўздан кейин «ва адлия» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. Иловада:

а) номи «Прокуратура» деган сўздан кейин «ва адлия» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

б) «Хизмат кўрсатувчи ходимлар» бўлимининг 4-бандидаги «Прокуратура» деган сўз «Прокуратура ва адлия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) «Техник ходимлар» бўлими қуйидаги мазмундаги 3<sup>1</sup> ва 3<sup>2</sup>-бандлар билан тўлдирилсин:

«

3 <sup>1</sup> .	Адлия органларида I ва II тоифали иш юритувчи котиб	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги марказий аппаратининг ҳар бир таркибий тузилмасига I нафар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари учун I нафардан ходим
3 <sup>2</sup> .	Раҳбар котиби	Республика миқёсидаги ҳар бир ташкилот раҳбари ва унинг ўринбосарлари учун I нафардан, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари бошлиқлари учун I нафардан ходим

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва**  
**идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини**  
**давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2019 йил 9 сентябрдан 13 сентябргача**  
**бўлган маълумотни маълум қилади**

***1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 9 сентябрдаги 391-мҳ-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

***2019 йил 9 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1656-2.***

2. Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирининг 2019 йил 19 августдаги 396-сон «Лойиҳа-тадқиқот ишларининг қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

***2019 йил 9 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3180.***

3. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 10 сентябрдаги 393-мҳ-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

***2019 йил 10 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1816-1.***

4. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 11 сентябрдаги 394-мҳ-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

***2019 йил 11 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2733-1.***

5. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 11 сентябрдаги 395-мҳ-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

***2019 йил 11 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2448-1.***

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2019 йил 4 сентябрдаги 153-сон «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райҳон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактабига ўқишга қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш

тартиби тўғрисидаги низомнинг 8-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

*2019 йил 12 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3128-2.*

7. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 13 сентябрдаги 397-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқларининг Умумхуқуқий классификаторини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

*2019 йил 13 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2333-2.*

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг 2019 йил 31 июлдаги 6, 136-сон «Давлат хизматлари ягона реестрини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

*2019 йил 13 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3181.*

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил 12 августдаги 92, 34-2019-ҚҚ-сон «Ўзбекистон Республикаси ичкарасидаги хизмат сафарлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

*2019 йил 13 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1268-1.*

10. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Бош прокуратурасининг 2019 йил 27 августдаги 36-2019-Қ/Қ, 95, 7, 38-сон «Прокуратура органлари, судлар, ФХДЁ ва давлат нотариал идораларининг хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлар лавозимларининг меъёрлари ва уларни киритиш шартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

*2019 йил 13 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2609-1.*

## II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этишда суд ижрочиларининг судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, рўйхатдан ўтказувчи органлар, молия-кредит ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1656, 2007 йил 5 февраль), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1656-1, 2012 йил 10 октябрь).

*Адлия вазирининг 2019 йил 9 сентябрдаги 391-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг «Лойиҳа-тадқиқот ишларининг қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1879, 2008 йил 9 декабрь).

*Адлия вазирининг 2019 йил 9 сентябрдаги 392-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлигининг «Захираларни шакллантириш учун зарур бўлган озиқ-овқат товарларини сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1816, 2008 йил 28 май).

*Адлия вазирининг 2019 йил 10 сентябрдаги 393-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

4. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг «Телекоммуникация операторлари (провайдерлари)нинг хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2733, 2015 йил 24 ноябрь).

*Адлия вазирининг 2019 йил 11 сентябрдаги 394-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг «Қарздорлар ва уларнинг дебиторлари банк ҳисобварақларини кидиришда Банк депозиторларининг Миллий ахборот базасидаги маълумотлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2448, 2013 йил 2 апрель).

*Адлия вазирининг 2019 йил 11 сентябрдаги 395-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг «Давлат хизматлари ягона реестрини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 3021, 2018 йил 1 июнь).

*Адлия вазирининг 2019 йил 13 сентябрдаги 398-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**